

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

**АЗАТГУЛ ТАШМАТОВА**

**ДОНИ ЗОКИРОВ  
НОМИДАГИ ДАВЛАТ  
ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ  
ОРКЕСТРИ**

Тошкент  
2015

УЎК 781.61

КБК: 85.315 Т29

Ташматова Азатгул. Дони Зокиров номидаги давлат халқ чолғулари оркестри: монография/ А.Ташматова. – Тошкент: Нишон Ношир, 2015. – 312 б.

**КБК: 85.315**

**Масъул муҳаррир:**

**О.А.ИБРОҲИМОВ –**

ЎзР ФА Санъатшунослик институти етакчи илмий ходими,  
санъатшунослик фанлари доктори

**Тақризчилар:**

**К.Т.АЗИМОВ –**

Ўзбекистон давлат консерваторияси «Халқ чолғуларида  
ижрочилик» кафедраси профессори

**С.М.БЕГМАТОВ –**

Ўзбекистон давлат консерваторияси «Муסיқий шарқшунослик»  
кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

Монография Ўзбекистон давлат консерваторияси Илмий-услубий кенгаши  
томонидан нашрга тавсия этилган (Баённома №5, 24.12.2014)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг АІ-ФҚ-1-31446 АІ – 076 «Миллий муסיқий чолғуларнинг электрон қому-сини яратиш» лойиҳаси доирасида тайёрланган мазкур монографияда Дони Зокиров номидаги Давлат халқ чолғулари оркестрининг кўп овозли жамоа сифатида шаклланиш шарт-шароитлари, тадрижий ривож ва ижодий фаолияти хусусида сўз юритилади. Соҳа олимлари ва амалиётчилари учун мўлжалланган ушбу китобдан санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

ISBN: 978-9943-378-59-9

© А.Ташматова. Дони Зокиров номидаги  
давлат халқ чолғулари оркестри, 2015  
©“Нишон Ношир” нашриёти, 2015

## К И Р И Ш

Мустақиллик шарофати билан Республикамиз маданий ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, унутилаёзган миллий қадриятлар, кўп асрлик маросим ва урф-одатларнинг тикланиши, қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарлар – Самарқанднинг 2750 йиллиги, Бухоро, Хива, Қарши ва Тошкент шаҳарларининг 2500 йиллиги, Марғилоннинг 2000 йиллиги, шунингдек, Алпомиш достонининг 1000 йиллигига бағишланган йирик анжуманларнинг ўтказилиши бу фикрга яққол далилдир. Айни пайтда «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Асрлар садоси», «Санъатимиз усталари», «Ягонасан, муқаддас Ватан», «Камалак юлдузлари» каби қатор қўшиқ танловларининг ўтказилиши халқимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутаётганлиги баробарида ўз Ватанига муҳаббатли, халқига садоқатли баркамол авлод тарбиясида ҳам аҳамиятли бўлмоқда.

Шу билан бирга ўзбек мусиқасининг кўп асрлик бадиий анъаналари ҳамда унинг Шарқ халқлари мусиқаси билан қадимдан муштараклиги халқаро сахналар узра жаҳон афкор аҳлига тобора кенг намоён бўлаётганлиги қувонарлидир. Бу ўринда 1997 йилдан эътиборан кўҳна Самар-

қанд шахрида ҳар икки йилда бир маротаба мунтазам ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг аҳамияти катта бўлди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов тўғри таъкидлаганидек, «Шарқ мусиқаси – Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк... Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда»<sup>1</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, жаҳон ҳамжамиятида муносиб мақомга эга бўлаётган Ватанимизда сўнгги ўн йиллик давомида таҳсинга сазовор йирик мусиқий асарлар ижод этилди. Ўзбек композиторларининг бугунги кунда жаҳон андозаларига мос яратилаётган мусиқий асарлари фикримизнинг далилидир. Жумладан, таниқли композитор М.Бафоевнинг Аброр Ҳидоятлов номли театр актёрлари ҳамкорлигида сахналаштирилган «Буюк ипак йўли» номли теле-шоу асарининг 2001 йил июнь ойида ЮНЕСКО томонидан Париждаги «Одеон» театрида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда кўрсатилиши алоҳида олқишга сазовордир. Қолаверса, кино, телевидение, театр ва мусиқий жамоаларнинг репертуарларидан давр талабига ҳамнафас тарихий шахслар

---

<sup>1</sup> Президент И.Каримовнинг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимидаги табрик сўзи //«Шарқ тароналари» журнали. Т., 1999, б.3.

сиймоси билан бирга замонамиз қаҳрамонларини миллий руҳда ифода этувчи асарлар ҳам алоҳида ўрин эгалламоқда.

Қайд этиш лозимки, янги давр Ўзбекистон мусиқа санъати ижрочилик амалиётида ўз ўрнига эга бўлган халқ чолғулари оркестри жамоаларининг ҳам сони, ҳам қадри кун сайин ортиб бормоқда. Мустақилликка қадар республикамызда асосан иккита йирик профессионал жамоа – Тўхтасин Жалилов номидаги Давлат Академик халқ чолғулари оркестри ва Дони Зокиров номидаги Давлат халқ чолғулари оркестри фаолият кўрсатиб келди. Эндиликда бундай жамоалар сони йилма-йил сезиларли даражада кўпаймоқда. Жумладан, 1991 йили «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер оркестри, 2000 йили «Ўзбек рақс» қошидаги халқ чолғулари оркестри, 2013 йили «Наврўз, 2015 йили эса «Истиқлол ёшлари» номли халқ чолғулари камер оркестрлари ўз фаолиятини бошлади. Таркиб ва жамоа имкониятларига мувофиқ репертуарга эга бу оркестрларда ижрочилик амалиёти янгича ёндошувлар асосида бойитилмоқда.

«Ўзбек рақс» қошида ташкил этилган Халқ чолғулари оркестри, олдинги оркестрларнинг ижро анъаналаридан фарқли ўлароқ, ўз ижрочилигига мос махсус ёзилган асарлардан ташқари яна йирик рақс постановкаларига жўрнавозлик қилиш вазифасини ҳам бажарди. Шунингдек, ижодий жамоа бир қатор янги, замон руҳи билан

йўғирилган ва янгича қарашлар билан бойитилган концерт дастурларини тингловчилар эътиборига ҳавола этди. Жумладан, йирик саҳнавий асарларнинг жўшқин ва кенг кўламли жиҳатларини ўзгача услубда талқин этишга муяссар бўлди. Бунга, масалан, оркестр жўрнавозлигида «Ўзбек рақс» гуруҳи ижросидаги Алишер Навоийнинг «Сабъаи Сайёр» достонига асосланган «Етти гўзал» мусиқий композицияси ёрқин мисолдир. Лекин кўп ўтмай бу жамоанинг фаолияти тугатилди. Шундай бўлсада, жамоа ўзининг қисқа вақт ичидаги ижодий фаолиятида беҳисоб имкониятларга эга ўзбек халқ чолғу ижрочилиги санъатининг янги қирраларини очишга муваффақ бўлди. Шу аснода оркестр жамоасининг яна бир ижодий имконияти кашф этилди ва тарих зарварақларига муҳрланди.

Ҳар бир ижодиёт тури ва ижрочилик соҳаси ўзининг шаклу-шамойили, жамиятдаги ўрни ва унинг маданий тараққиётга қўшган ҳиссаси билан ҳам қадрлидир. Бу каби ҳолатларни англашда эса шу борадаги илмий тадқиқотларнинг алоҳида ўрни бор.

Айни пайтгача Ўзбекистон давлат филармонияси концерт ижрочилик бирлашмаси қошидаги Тўхтасин Жалилов номидаги Давлат Академик халқ чолғулари оркестрининг ижодий фаолиятига бағишланган иккита йирик монография – таниқли мусиқашунос олима Т.С.Вызго ва чолғушунос олим ва дирижёр А.Петросянцларнинг «Узбекский

оркестр народных инструментов» (1962) ҳамда Г.Кузнецова ва Ф.Содиқовларнинг «Государственный оркестр народных инструментов Узбекистана имени Тухтасина Джалилова» (1990) номли китоблари нашр этилган бўлиб, уларда асосан оркестр таркиби, чолғулар гуруҳи, репертуари ва концерт-гастроль сафарлари билан боғлиқ маълумотлар ёритилган эди. Ваҳоланки, оркестрларнинг орасида Ўзбекистон радиоси қошида фаолият олиб борган Дони Зокиров номидаги Давлат халқ чолғулари оркестри ҳам ўз таркиби, концерт дастури ва ижодий ютуқлари билан эътиборга сазовордир. Ярим асрдан ортиқроқ фаолияти давомида Ўзбекистон композиторларининг асарлари билан бир қаторда хорижий композиторлар ижодиёти намуналарини ҳам муносиб ижро эта олган ушбу оркестр жамоаси ўзбекона оҳангларнинг кўп овозли бетакрор талқинида сўнмас асарлар хазинасини яратишга муяссар бўлди.

Бу ерда шуни айтиш керакки, мазкур оркестр фаолияти хусусида шу кунга қадар махсус тадқиқотлар бажарилмаган, балки асосан тақриз ва мақолалар ёзилган эди, холос. Масалан, Т.Вызго<sup>2</sup>, Р.Абдуллаев<sup>3</sup> ва Р.Хўжаевларнинг<sup>4</sup> мақолаларида оркестрнинг ижодий фаолияти тўғрисида қисқача тавсифларни кўриш

---

<sup>2</sup> Вызго Т. Музыка для оркестра узбекских народных инструментов // История узбекской сов. музыки. Т., 1973. т.П, с. 347.

<sup>3</sup> Абдуллаев Р. Музыка для оркестра узбекских народных инструментов //История узбекской сов. музыки. Т., 1991. т. Ш с. 217.

<sup>4</sup> Ходжаев Р. Становление и развитие оркестра народных инструментов Узбекского радио и телевидания // Проблемы теоретического музыковедения в Узбекистане. Т., 1976. с. 197

мумкин. Бироқ жамоанинг сўнгги йилларда эришган ижодий ютуқлари, Республика кўрик-танловлари ва давлат миқёсида ўтказилган турли анжуманлардаги муносиб иштироки, Ўзбекистон композиторларининг айнан шу жамоа учун махсус асарлари қаторида жаҳон классик мусиқаси дурдоналарини ҳам маромига етказиб ижро этишга муваффақ бўлганлиги, афсуски, тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган эди.

Мазкур монографияда 2012 йилнинг май ойида ташкил топганига 55 йил тўлган Дони Зокиров номидаги Давлат халқ чолғулари оркестрининг шаклланиш тарихи, сержабҳа кечган ижодий фаолияти ҳамда эришган ютуқларини имкон қадар ёритишни мақсад қилдик. Бунда оркестрнинг ижрочилик фаолияти унинг олдида турган муҳим вазифа ва долзарб муаммолар ечими нуқтаи назаридан уч даврга бўлиб ўрганилди. Шунга мувофиқ ҳар бир даврда мавжуд оркестр таркиби, уни бошқарган дирижёрлар фаолияти, ижро репертуарининг қамрови, «Олтин фонд»<sup>5</sup> учун ёзилган ва ҳозирги кунгача ўз қийматини йўқотмаган бир қатор асарлар ижрочилик кесимида таҳлил қилинди. Мутахассисларга маълумки, оркестрнинг хилма-хил репертуарида жамоа учун махсус ёзилган композиторлик асарлари қаторида оркестр учун мослаштирилган ва қайта ишланган халқ куйлари ҳам салмоқли ўрин тутди. Шу боис, таҳлиллар жараёнида «оддийдан – мураккабга», «куй-қўшиқдан – йирик

---

<sup>5</sup> Ўзтелерадиокомпанияси ҳузуридаги фоноархив назарда тутилмоқда.




асарларга» тамойилига амал қилинган ҳолда асарларнинг асосий ғояси, ижрочилиги билан боғлиқ муаммолари, янги тембр изланишлари ва динамик тусланиши каби ҳолатларга асосий эътибор қаратилди. Шу билан бирга халқ чолғулари оркестрини тузишда анъанавий ва янги кўринишдаги жамоавий ижрочилик услубларини моҳиятан пайваста этиш ҳаракатлари ҳам эътибордан четда қолмади.

Оркестрнинг ижодий фаолиятини ёритишда «Олтин фонд»да сақланаётган асарлар тинглови ва жамоа концертларидан олинган жонли таассуротлар қаторида Марказий давлат архиви, Тошкент шаҳар архиви, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси архивларидан олинган маълумотлар, шунингдек, жамоанинг кекса созандалари, бадий раҳбарлари, дирижёрлари ҳамда таниқли мусиқашунос олим ва композиторлар билан мунтазам ўтказилган суҳбатлар, қолаверса «Давлат ноёб илмий объекти» ҳужжат ва экспонатлари қимматли ахборот манбалари ўлароқ муҳим аҳамият касб этди.



Тошкент радио эшиттириш қўмитаси ҳузуридаги Юнус Ражабий раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғулари ансамбли (1927).  
Биринчи қатор (чапдан ўнга): Назир Ғозиев (катта дутор), Ориф Қосимов (чанг), Карим Зарипов (доира). Иккинчи қатор (чапдан ўнга): Ғулом Мирзаев (ғижжак), Имомжон Икромов (катта ғижжак), Мақсудхўжа Юсупов (катта танбур), Рихси Ражабий (анъанавий танбур), Шораҳим Шоумаров (анъанавий дутор). Учинчи қатор (чапдан ўнга): Юнус Ражабий (най), Хайрулла Убайдуллаев (қўшна), Аброр Дадахўжаев (най.)



## Б И Р И Н Ч И Қ И С М

### **ДОНИ ЗОКИРОВ НОМИДАГИ ДАВЛАТ ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ ОРКЕСТРИ: ИЛК ШАКЛЛАНИШ ДАВРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

§ 1. «Ансамблдан – оркестргача»  
изланишлар чорраҳасида

§ 2. Оркестр фаолиятининг илк  
одимлари

§ 3. Ижодий камолот сари

## § 1. «АНСАМБЛДАН – ОРКЕСТРГАЧА» ИЗЛАНИШЛАР ЧОРРАҲАСИДА

1927 йили эндигина фаолиятини бошлаган Тошкент радио эшиттириш қўмитаси ҳузурида Юнус Ражабий раҳбарлигида илк бор ўзбек халқ чолғулари ансамбли тузилган эди. Ушбу ансамблга Ю.Ражабий (раҳбар, най), Ш.Шоумаров (датор), И.Икромов (ғижжак), Х.Убайдуллаев (қўшнай), Р.Ражабий (танбур), Н.Ғозиев (датор), Д.Қодиров (датор), Н.Дўстхўжаев (чанг), З.Содиқов (ғижжак), А.Ҳайдаров (датор ва ҳофиз), М.Тошмуҳаммедов, К.Зокиров, Ғ.Ғаниев (ҳофиз) каби етук созанда ва хонандалар жалб этилган бўлиб, улар дастлабки (1927-1930) йиллари асосан радио орқали бериладиган эшиттиришларни мусиқий «безаш»да фаолият олиб борганлар.

1930-йиллардан бошлаб эса ансамблнинг фаолият доираси Маданият саройлари, турли колхоз клублари ва вилоятлардаги алоҳида концерт чиқишлари ҳисобига янада кенгайди. Айни пайтда ансамбль сафига бир қатор машҳур санъаткорлар – Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдурахмон Умаров, Сафо Муғанний, Матюсуф Харратов, Назира Аҳмедова ва бошқалар келиб қўшилдилар. Ансамблнинг шу даврдаги концерт дастури, мусиқашунос олима Карима Олимбоева хабарига кўра, «ўзбек халқ мусиқаси ва мақомларнинг айрим вокал-чолғу қисмларидан иборат эди»<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup> Аҳмедов М. Дони Зокиров. Т., 1995, б.125.

Ансамбль иштирокчиларининг аста-секин ошиб борган сафи қирқ кишига етади. Шунга мос тарзда ансамбль дастури ҳам ранг-баранг тус олиши баробарида муайян ижрочилик муаммолари ҳам юзага кела бошлайди. Жумладан, ансамбль таркибидаги чолғуларнинг ижрочилик имкониятлари кескин ривожланиб бораётган тараққиёт мезонига дош бера олмаётгани боис турфа товушли янги созларга, айниқса турли баландликдаги товушларга эга бўлган чолғуларга эҳтиёж сезила бошлайди. Шу аснода ансамблнинг овоз имкониятларини турли тембрли чолғулар билан бойитиш фикри туғилади. Бу масалани амалий ҳал этиш ниятида ансамбль раҳбари Юнус Ражабий замонасининг таниқли созгарларидан бири – Уста Усмон Зуфаровга йўғон (бас) овоз тараннумига эга бўлган «катта дутор», «катта танбур» ва «катта ғижжак» чолғуларини яшаш таклифи билан мурожаат этади. Тез орада Уста Усмон Зуфаров бу ишни амалга оширади. Юнус Ражабий бу чолғуларнинг ўзига хос тембрларига мувофиқ ҳолда ансамбль таркибида қўллай бошлайди.

Шу тариқа 1934 йилга келиб сон таркиби янада кўпайган ансамблнинг ижро имкониятлари ҳам тобора кенгайиб боради. Бу эса унинг ижодий фаолиятини анча фаоллашишига имкон яратади. Ансамбль таркибига янги қўшилган чолғулар унинг овоз кўламини кенгайтириши баробарида жозибали тараннумини ҳам таъминлайди. Натижада янги кўринишдаги ансамбль халқ орасида

тез танилиб, машҳур бўла бошлайди. Аммо шуни ҳам эътиборга олиш керакки, турли товуш баландлигига эга бўлган чолғулар, одатда, ижрода ҳам ўзига хос гармоник ривожда талқин этилиши лозим эди. Лекин ансамбль таркибига киритилган чолғулар асосан куй (мелодик) йўналишидаги услубга таянганлиги пировардида доим ҳам натижа кутилгандек бўлавермади. Шу боис 1936 йили бас тембрли чолғулар ансамбль таркибидан чиқарилди. Аслида, Ю.Ражабий ансамблни ҳар томонлама бойитиш мақсадида унинг таркибига бас тембрли чолғуларни киритган бўлса ажаб эмас. Чунки асосан хонаки уй шароитида чалишга мўлжалланган чолғулар катта концерт ва «очиқ» сахналарда ижро этишга мосланмаган эди. Шу сабабли чолғулар товушини кучайтириш ва ижро имкониятларини кенгайтириш мақсадида ансамбль таркибига йўгон товушли чолғулар киритилган бўлса керак. Қолаверса, бу масала ўша даврда ўз ечимини кутаётган энг долзарб муаммолардан бирига айланган эди.

Уста Усмон Зуфаров чолғуларнинг овозини кучайтириш мақсадида дутор ва танбур қопқоғининг тагига қўшимча садо бериб турувчи симлар тортган, танбур дастаси ва ғижжак косасининг тагига эса ёғоч карнайлар ўрнатган. Шунингдек, чолғулар ҳам ўз шаклига нисбатан анча катталаштирилган бўлсада, аммо ижрочилик амалиётида кўзланган натижани бермаган эди. Бу каби тажрибалар натижасида Уста Усмон Зуфаров чол-

ғуларнинг ҳажми, хусусан, фақатгина косахоналарини катталаштириш йўли билан уларнинг овозлари ўзгармаслигини, балки бу ўринда косахона қовурғалари ва қопқоғининг қалин ёки юпқалиги товушга бевосита таъсир қилиши ҳақида муҳим хулосага келади.<sup>7</sup>

1936 йили ансамбль Бутуниттифоқ фестивалида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллайди ва шу боис 1937 йили Москвада бўлиб ўтадиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Ушбу декада доирасида жамоа ўз ижроси орқали кенг тингловчилар оммасига ўзбек миллий муסיқасининг ёрқин намуналарини намойиш этишга эришади. Шундан кейингина кўп овозли ёзма услубга таянган ўзбек халқ чолғулари оркестрини тузиш фикри илгари сурилган эди. Шу тариқа жамоавий ижрочиликнинг бир овозлилик (унисон) услубидан кўп овозлиликка ўтиш ҳаракатлари бошлаб юборилади. Бу ўринда энг аввало янги турда шакллантирилаётган оркестр жамоаси мақсадларига мос бўлган чолғуларга эҳтиёж сезила бошлайди. Аниқроқ айтганда, турли овоз баландлигига эга торли-мизробли, торли-чертма ва торли-камонли

---

<sup>7</sup> Ҳозирги кунда уста Уста Зуфаров ясаган икки-уч қават косахонали дуторлар, танбурлар ва турли ҳажмдаги ғижжаклар Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги «Миллий чолғу» илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лобараторияси музейида сақланмоқда. Аммо карнай ўрнатилган ғижжак ва танбур чолғулари айрим сабабларга кўра ҳозирги кунгача етиб келмаган, фақат уларнинг расмлардаги тасвирлари сақланиб қолган.

чолғулар оиласини яратиш зарурати юзага келган эди. Хуллас, шу пайдан эътиборан ўзбек халқ чолғуларини янги талаблар кесимида модернизациялаштириш сайъ-ҳаракатлари бошланади ва бу ишга мутахассислар жамоаси жалб этилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, халқ чолғулари оркестрини яратиш йўлида баъзан ўзгача тажрибалар ҳам амалий синовдан ўтказилган. Масалан, 1941 йилнинг бошларида халқ чолғулари ансамбли таркибига виолончель, контрабас, труба, валторна, кларнет, гобой, литавра каби симфоник оркестри чолғулари киритилган бўлиб, ижро репертуари борасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилган эди. Хусусан, Ўзбекистон композиторлари бир қатор халқ куйларини қайта ишлаган ҳолда ушбу жамоа ижроси учун мослаштириб берганлар.

Шунингдек, жамоанинг ижрочилик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бошқа ижодий уринишлар ҳам бўлган. Бироқ, пиروвардида, ўзаги миллий чолғулардан ташкил топган ансамбль таркибига симфоник оркестридан қўшилган чолғулар садо ва тембрлар уйғунлиги нуқтаи назаридан кутилган натижани бермаган эди. Бинобарин, бу тажриба охир-оқибат ўзини оқламагани боис симфоник оркестр чолғуларидан воз кечилган.

1945 йилга келиб ансамбль яна Юнус Ражабий раҳбарлигида ўзининг ижодий фаолиятини давом эттира бошлади. Жамоага ўз даврининг таниқли



хонандалари – Берта Давидова, Барно Исҳоқова, Қобулқори Сиддиқов, Карим Мўминов, созандалари – Шоқосим (танбур) ва Шоолим (датор) Шожалиловлар, Абдумутал Абдуллаев (танбур), Карим Алиев (ғижжак), Маҳмуд Юнусов (датор), Фахриддин Содиқов (чанг) ва Карим Турсуновлар (датор) таклиф қилинади. Ансамбль репертуари миллий куй ва қўшиқлар билан бирга замондош бастакорларнинг давр талабига мос куй ва қўшиқлари ҳисобига бойиб боради.

1948 йили ансамбль жамоасини оркестрга айлантириш ғояси яна қайта жонланди. Бу ғояни ҳаётга тадбиқ этиш учун эса, биринчи гада, чолғуларнинг умумий соз масаласини ҳал этиш лозим эди. Чунки, оркестр тузиш талабига биноан, унинг таркибига киритилган барча чолғулар энг аввало ягона соз тизимига бўйсиниши зарурийдир. Шунингдек, оркестр хусусияти талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ чолғуларини модернизациялаштириш ва уларнинг оилавий турларини яратиш масалалари ҳам кўндаланг турган. Буларнинг барчаси эса оркестрда мавжуд чолғу гуруҳларининг мувозанатини мувофиқлаштиришга қаратилган эди. Анъанага кўра, оркестр таркибида иккита тенг гуруҳ, яъни торли-камонли ва торли-мизробли чолғулар оиласига мансуб гуруҳлар бўлиши тақозо этилади. Зеро, шу тарихқа чолғуларнинг диапазон кенглиги ва ўзаро муносиблиги таъминланади. Акс ҳолда эса кўп овозлилик сифатига эришиш мушкулдир. Шу боисдан

халқ чолғуларини белгиланган талабларга мувофиқ модернизациялаштириш лозим кўрилган. Қолаверса, бунга халқ чолғуларида нота ёзуви асосида ижро этишни ўргатиш тизимининг жорий этилиши ҳам сабаб бўлган эди. Ўз вақтида бу муаммонинг ечими нафақат усталарни, балки хонанда ва созандаларни ҳам ижодий ёндошувларга ундаган.

1920-йилларнинг охири ва 1930-йилларнинг бошларида Ш.Шоумаров, М.Харратов, Р.Исабоев ва У.Зуфаровлар халқ чолғуларини модернизациялаштириш йўлида биринчи тажрибаларини ўтказган эдилар. Улар дутор ва танбур чолғуларининг диапазонини кенгайтириш учун уларнинг дасталарига қўшимча хас-пардалар ўрнатган бўлсалар, овозини кучайтириш ва йўғон овозга эга бўлиши учун чолғуларнинг косахонасини катталаштирган эдилар. М.Харратов эса чангнинг нисбатан кенгроқ товушқаторга эга бўлган намунасини ясайди.

1934 йили Тошкентдаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти қошида тажриба устахонаси очилган бўлиб, ундаги қисқа вақт фаолияти давомида Ш.Шоумаров ва У.Зуфаровлар самарали натижаларни қўлга киритдилар. Улар ғижжакнинг янги оилавий гуруҳини, яъни, иккита кичик, иккита ўрта ва битта катта турини яратадилар. Бунда ғижжакнинг дастаси скрипка дастасига ўхшаш ясси ҳолда ишланган бўлиб, бу эса унинг овоз таровати ва ижро техникасига

маълум қулайлик имконини яратган. Шунингдек, усталар яхши жаранглайдиган иккита рубоб ҳамда иккита ноғора турларини ҳам яратишга муяссар бўладилар.

Кейинчалик чолғуларнинг ўн икки босқичдан иборат хроматик товушқаторли турларини яратиш масаласи туғилади. Чунки миллий чолғулар композиторлик ижодига оид кўповозли асарларни ижро этиш учун мосланмаган эди. Шу боис бир хил ўлчов асосида температурациялашган товушқаторли чолғулар ва уларнинг оиласини яратиш масаласи юзага чиқди. Бу ишни 1930-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, чолғушунос олим А.Петросянц раҳбарлиги остида С.Диденко, В.Романченко, А.Кевхоянц каби устаконструкторлар амалга оширдилар. Улар дастлаб ҳар бир чолғунинг чизма шаклини яратиб, сўнгра шу асосда чолғуларни ясай бошлаганлар.

1943-йили илмий-тадқиқот экспериментал (тажриба) лабораторияси тузилади ва юқорида номлари тилга олинган усталар билан бир қаторда Уста Усмон Зуфаров, И.Маҳмудов ва З.Содиқовлар ҳам бу ишга жалб этиладилар. Аста-секин лабораторияга созгарлик санъатига қизиққан Х.Муҳит динов, А.Абдуғофуров ва М.Турдиев каби ёшлар ҳам шогирдлик мақомида ишга келадилар. Шу тариқа сафи кенгайиб борган усталар томонидан оркестр тузиш учун зарур бўлган барча чолғулар оиласи яратилган эди. 1965 йили Тошкент

шаҳрида муסיқий созларни кўп миқдорда ўқув жараёни учун етказиб бериш мақсадида «Миллий муסיқий чолғулар тажриба фабрикаси» иш бошлайди. Фабрикага лаборатория усталари томонидан ясалган барча чолғулардан эталон сифатида бир нусхадан (чизмалари билан бирга) намуна олиб келинади. Фабрика усталари ҳам ўз навбатида ясалаётган чолғуларнинг сифатини амалиётда синаб кўриш учун ҳар бир чолғудан бир нусхадан лабораторияга тақдим этадилар. Лаборатория уста-конструкторлари ясалган чолғуларни чизмалар билан солиштириб, сифати ва ижрочилик имкониятлари давр талабига тўлиқ жавоб берган ҳолдагина уларни (конвейр усулида) кўплаб миқдорда ишлаб чиқаришга рухсат беришган. Шунинг учун ҳам лаборатория назорати остида фабрикада ишлаб чиқарилган илк чолғулар эстетик жиҳатдан безакларга бой бўлмасида, аммо тембртаровати, садоланиш кучи ва ижро имкониятлари бўйича буюртма орқали ясалган чолғулардан қолишмас эди. Кейинчалик эса, лаборатория билан ўз ҳамкорлигини тўхтатиб қўйган фабриканинг иш сифати тобора пасайиб, натижада, унинг фаолияти инқирозга учради.

1948 йили Ўзбек халқ чолғулари ансамбли мураккаб жараёнларни бошдан кечирди. Шу йили санъатимиз дарғалари – Д.Зокиров, Ғ.Тошматов, Н.Ҳасанов, К.Жабборов, С.Калонов ва Ғ.Содиқовлар ишга таклиф қилинган ансамбль негизида оркестр ижрочилиги шакллантирилаётган эди.

Таркибига модернизациялаштирилган чолғулар киритилган ушбу жамоанинг монодик услубдан кўп овозли ижрочиликка ўтишдаги илк қадамлари ҳам айнан шу даврга тўғри келади. Ушбу оркестр учун Б.Гиенко, Х.Изомов, М.Насимов, С.Жалил, С.Ҳайитбоев, Ф.Назаров, И.Ҳамроев ва бошқа композиторлар ўзбек халқ куйларини қайта ишлаш ва мослаштиришга киришдилар. Жамоага Ю.Ражабий раҳбарлик қилар эди. Ўша даврда оркестрнинг ижрочилик вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган:

- бир овозли (унисон) ижродан аста-секин кўп овозли ижрога ўтиш;
- куй оҳангини гуруҳлар билан жўр бўлиб чалиш орқали мураккаб бўлмаган ва қайта ишланган, яъни оркестр учун мослаштирилган асарларга мурожаат қилиш;
- кичик ҳажмдаги асарларни ҳамда турли жанрдаги сюита, поэма, фантазия ва рапсодияларни ижро этиш;
- кўп овозли асарларни ижро этиш маҳоратини эгаллаш, якка ва жўрнавозликни ҳис этган ҳолда чалиш;
- асарларни куй тузилиши, зарблар бир хиллиги ва ранг-баранг унсурларига эътибор берган ҳолда ижро этиш.

Табиийки, оркестр ташкил этилгандан кейин бир қатор муаммолар ҳам юзага келган эди. Буларнинг ичида энг муҳими – нота ёзуви асосида ижро этадиган созандаларни тайёрлашдан иборат

бўлган. Чунки жамоа таркибида асосан анъанавий миллий муסיқа ижрочилиги санъатининг етук намояндалари фаолият олиб борардилар. «Ёзма ижрочилик» жараёнига ўзбек муסיқачилари тезда кириша олмадилар. Зеро, нота ёзувига асосланган кўп овозли ижрочиликни ўзлаштириш учун ўзга маданият заминидаги муסיқа маълумотига эга бўлиш лозим бўлган. Шу боис оркестр ижрочиларининг ёзма муסיқага оид назарий ва амалий саводини ўстириш масаласи ўша давр кун тартибидан ўрин олган эди. Оркестрнинг фақатгина беш фоизини дамми чолғуларда ижро эта оладиган консерватория талабалари ташкил этарди, холос. Бинобарин, оркестр жамоаси асарларни нота орқали чалиши учун зарур ишларни амалга ошириш давр талабига айланган эди. Шу мақсадда бу ишга жалб этилган композитор Ф.Қодиров ҳафтасига уч маротаба оркестр ижрочиларига нота саводи ва нота ёзуви орқали ижро этиш қоидаларини ўргатишга киришади<sup>8</sup>. Шу тариқа оркестр жамоаси асарларни нота воситасида ижро этиш ва уларни бошқариб борадиган дирижёр ҳаракатига эътибор бериш кўникмаларини эгаллай бошлайди.

Ўзбек халқ чолғулари оркестри шаклланиб бориши билан ижро этиладиган асарлар ҳам режа асосида танлана бошланди. Оркестр репертуари тингловчиларнинг эҳтиёжи, қабул қилиш

---

<sup>8</sup> Муаллифнинг 1996 йил 10 сентябрда композитор Х.Изомов билан бўлган суҳбатидан ёзиб олинган

идроки ҳамда жамоанинг ижрочилик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танланган. Аммо бу жамоани, чолғуларининг кўриниши ва хилма-хиллигидан қатъий назар, ҳали росмана оркестр деб бўлмасди, чунки у кўпроқ таркиби кенгайтирилган ансамблга ўхшарди. Шу боис чолғучилар жамоасини, таъбир жоиз бўлса, ягона бир бутун организмга айлантириш зарур эди. Бунинг учун эса таркибидаги чолғуларнинг соз тизими бир хил бўлган янги турдаги ижрочилик жамоасини тузиш лозим кўринди. Хуллас, шу тариқа Ўзбекистон давлат филармонияси ҳамда радио қошида халқ чолғулари оркестрлари ташкил этилди. 1940-йилларнинг бошларида янги турдаги ижодий жамоа сифатида шакллана бошлаган радио ҳузуридаги оркестр фаолияти аста-секин концерт ижрочилиги меъёрига яқинлашиб борди.

Айнан шу даврга келиб ўзбек халқ чолғулари оркестри ижрочилиги тўла шакланган эди. Амалиётда мусиқа ижрочилиги мезонига таъсир эта оладиган профессионал ва ўзига хос ижро услублари юзага кела бошлайди. Бу даврга келиб бутун жамоани мукамал ижрога жалб этиш билан бирга уни ижодий мақсад сари йўналтира оладиган дирижёрнинг вазифаси ҳам ойдинлашган эди. Асосий муаммо – оркестр ижрочиларининг бадий дидини ўстирган ҳолда уларда кўп овозли мусиқани онгли талқин эта олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, созандаларни нота орқали чалишга ўргатиш вазифаси ҳал этилган бўлсада, аммо «тингловчилар муаммоси» ҳануз мавжуд эди. Чунки асрлар давомида монодик тизимдаги ижролардан баҳраманд бўлиб келган тингловчиларни кўп овозли мусиқани қабул қилишга жалб этишнинг ўзи мураккаб масалалардан бири бўлган. Табиийки, тингловчилар янги йўналишдаги ижрони идрок этишлари учун жуда кўп вақт талаб қилинган. Кўп овозли мусиқани тинглаш кўникмасини ҳосил этишда эса ўзбек халқ чолғулари оркестрида миллий куйларни ижро этиш амалиёти катта аҳамият касб этди. Айнан шу чолғулар бир овозли ва кўп овозли мусиқа ўртасида ўзига хос кўприк бўлиши баробарида яна тингловчилар оммасининг эътиборини кўп овозли мусиқага жалб этишда ҳам кўмакчи вазифасини бажарган эди.

Ушбу босқичнинг илк жараёнида композиторлар – Д.Зокиров, Х.Изомов, Б.Гиенко, С.Жалил, Ф.Назаров, С.Ҳайитбоев ва И.Ҳамроевлар ўзбек халқ куй ва қўшиқларини қайта ишлаш ва оркестр учун мослаштириш билан бирга жамоанинг ижрочилик имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг махсус асарларини ҳам ёза бошлаганлар. Ўз партитураларида халқ куйларига мурожаат қилган ва унда кўп овозли услуб хусусиятларини қўллаган ижодкорлар асосий эътиборни вертикал йўналишга эмас, балки горизонтал йўналишга қаратганлар. Бунда, маса-



лан, бир чолғулар гуруҳи куй оҳангларини ижро этса, иккинчи бир гуруҳи жўрнавот товушларни чўзиб турган, қолганлари эса дутор чолғусида кўп учрайдиган кварта-квинта оралиғидаги интервалларни гармоник, яъни бир пайтда ижро этган. Айнан бу кўриниш ўзбек халқ куй ва қўшиқларида учрайдиган кўп овозлилик унсурларидан бири бўлиб, ўз ўрнида ижрочилар учун муайян қулайликлар яратган. Қолаверса, бу ҳол ижрочиларга бир овозлилик услубидан кўп овозлиликка ўтишда ҳам маълум енгиллик яратган.

Шундай қилиб, бу каби ижодий изланишлар, бир томондан, ўзбек халқ куйларини кўп овозда оҳангдош товушлар билан тўлдириб, муסיқий ифодавийлигини бойитишга, иккинчи томондан эса, ўзбек созанда ва ижрочиларини кўп овозли муסיқани ижро этиш маҳоратини эгаллаш ва янгича фикр юритишларига хизмат қилган.

1952-йили жамоанинг чолғулар таркиби асосан дамли, торли-урма, торли-чертма, зарбли ва торли -камонли чолғулар оиласидан иборат эди. Бунда оркестрнинг асосий қисмини камонли чолғу(ғижжак)лар оиласи ташкил этган. Шу билан бирга чанг I, II ва торли-чертма чолғулардан танбур (анъанавий, прима) ва дуторлар (анъанавий, бас ва контрабас турлари) ҳам киритилган эди. Оркестрнинг камроқ қисмини рубоб прима, қашқар рубоб, анъанавий рубоб ва афғон рубоблари ташкил этган. Ўзбекистонда кўп тарқалган чолғулар билан бир қаторда ҳозирги пайтда кам учрай-

диган сато чолғуси ҳам киритилган эди. Бундай оркестр таркибида торли-мизробли чолғулар иккинчи даражали вазифани бажарган. Чунки бу чолғулар нафис ва нозик садоланувчи танбур, дутор ва ғижжакларнинг овозини босиб кетиши кўзда тутилган.

1952 йил 29 декабрда Бутуниттифоқ радио-эшиттириш қўмитаси томонидан тасдиқланган миллий ансамбль артистлари штати негизда 1953 йилнинг 10 январида Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси қошидаги радиоэшиттириш қўмитасининг 4-сонли Қарори билан қуйидаги штатлар бирлиги белгиланган эди:

- |                                |                  |
|--------------------------------|------------------|
| 1. Бадиий раҳбар               | - Ю.Ражабий      |
| 2. Бош дирижёр                 | - Д.Соатқулов    |
| 3. Дирижёр ёрдамчиси           | - Д.Зокиров      |
| 4. Концертмейстер(1-ғижжакчи)- | Ф.Тошматов       |
| 5. Концертмейстер ёрдамчиси    | - К.Жабборов     |
| 6. Биринчи ғижжак              | - С.Алиев        |
| 7. Биринчи ғижжак              | - К.Қосимов      |
| 8. Биринчи ғижжак              | - Б.Туманян      |
| 9. Иккинчи ғижжак              | - М.Алиев        |
| 10. Иккинчи ғижжак             | - С.Ҳайитбоев    |
| 11. Иккинчи ғижжак             | - Қ.Комилов      |
| 12. Ғижжак альт                | - Р.Шохмуродов   |
| 13. Ғижжак альт                | - Х.Алиев        |
| 14. Ғижжак бас                 | - Р.Шарафутдинов |
| 15. Ғижжак бас                 | - Д.Тарасевич    |
| 16. Ғижжак контрабас           | - М.Юшин         |

17. Ғижжак контрабас	- Быков
18. Танбур прима	- Ш.Шожалилов
19. Танбур прима	- М.Юнусов
20. Танбур альт	- Д.Сайдалиев
21. Танбур альт	- И.Икромов
22. Танбур бас	- У.Исломов
23. Танбур бас	- Я.Давидов
24. Чанг 1	- Ф.Содиқов
25. Чанг 2	- (вакансия)
26. Рубоб прима	- А.Муҳамедов
27. Рубоб прима	- Г.Ким
28. Рубоб альт	- М.Юнусов
29. Рубоб альт	- Ғ.Тўлаганов
30. Рубоб тенор	- М.Прокофьев
31. Рубоб тенор	- Х.Ниғматов
32. Дутор альт	- А.Хўжаев
33. Дутор бас	- Д.Камолов
34. Дутор бас	- У.Ашрапов
35. Дутор контрабас	- Е.Резник
36. Дутор контрабас	- А.Пак
37. Най	- С.Калонов
38. Най	- Р.Ҳамдамов
39. Қўшнай	- Х.Убайдуллаев
40. Сурнай	- Х.Мажидов
41. Доира (бюджет)	- М.Аулов
42. Ноғора	- Н.Салиҳов
43. Инспектор	- М.Юнусов
44. Кутубхоначи	- Б.Туманян <sup>9</sup>

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, опись 1 л. ед. хр.24 .

Ушбу рўйхатдан кўриниб турибдики, миллий ансамбль сафи оркестр таркибидек тўлдирилган. Шунингдек, ансамблга Мавлуда Аъзамова, Зайнаб Полвонова, Ортиқхўжа Имомхўжаев каби таниқли санъаткорлар яккахон сифатида жалб этилган.

1950-йилларнинг бошларида жамоа фаолияти анча юксалди. Доимий тинимсиз ва машаққатли меҳнат эвазига ансамбль кенг қамровли ва ранг-баранг концерт дастурига эга бўлди. Ансамблнинг чиқишлари фақатгина эрталаб 6<sup>30</sup>да радио тўлқинлари орқали амалга оширилган, чунки магнит тасмасига ёзиш ҳали расм бўлмаган эди.

«Ижрочиларнинг олға қараб интилиши шу қадар мардонавор эдики, улар астойдил нота саводини ўрганишар, кўрқмасдан янги жанр ва шаклдаги асарларни мутолаа қилишар, жамоа раҳбари айтган ҳар бир фикрни тўғри қабул қилишар ва дарҳол бажаришар эди. Хуллас, бир сўз билан айтганда, ҳақиқатдан ҳам 1950-йилларнинг бошлари жамоа ижодий фаолиятининг айна гуллаган пайти эди. Бундан ташқари 1951 йили Москвадан овоз ёзиш бўйича мутахассислар келиб, ансамбль ижросини магнит тасмасига тушириб, кейин уни Москвада граммпластинка лаппакларида чиқариб тарғиб этдилар. Шу тариқа бизнинг мутахассислар ҳам магнит тасмасига ёзиш маҳоратини ўрганишди ва шундан бери бу жараён Ўзбекистон радиосида одат тусига кирган ва ҳозирги

кунга қадар давом этиб келмоқда»<sup>10</sup>, – деб эслайди биз билан бўлган суҳбатда оркестр созандаси (доира) Р.Иброҳимов.

Лекин, афсуски, жамоанинг бу сермахсул изла-нишлари кўпга чўзилмади. Чунки 1953-йили со-биқ СССР Маданият вазирининг 9-апрель 182-сон-ли буйруғи, собиқ СССР Маданият вазирлиги Радиоэшиттириш Бош бошқармаси бошлиғининг 18-апрель 35-сонли буйруғи ҳамда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Радиоэшиттириш қўмитасининг 24-сонли буйруқларига асосан Ўзбек халқ чолғулари ансамблининг фаолияти бошқа жамоалар (симфоник оркестри, уйғур ансамбли, тожик ансамбли, хор жамоаси) қато-рида тугатилиб, ансамбль тарқатиб юборилди.<sup>11</sup>

Кейинчалик ансамблни яна қайта тиклаш учун тўрт йил керак бўлди. Бу давр ичида оркес-трнинг бош дирижёри Д.Зокиров ва бадий раҳ-бари Ю.Ражабийлар ансамблни қайта тузиш мақ-садида бир қатор ишларни амалга оширдилар. Улар аввал жамоада фаолият кўрсатган ва кейин-чалик республика бўйлаб тарқаб кетган барча созан да ва хонандаларни йиғишга кўп ҳаракат қиладилар. Ҳар бир созандани иш жойига ёки уйига бориб топиб, ўзларига эргаштириб Тош-кентга олиб келадилар. Шу тариқа жамоа ўз фао-

---

<sup>10</sup> Муаллифнинг 1996 йил 15 октябрда Р.Иброҳимов билан бўлган суҳбатидан ёзиб олинган.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, опись 1 л. ед. хр.24.

лиятини қайта бошлайди ва аста-секин ўз таркибини ҳам кенгайтириб боради.

Муסיқашунос М.Аҳмедов: «Донижон Зокиров радионинг қайта ташкил қилинган халқ чолғу асбоблар оркестри билан иш бошлаши биланоқ оркестр ижрочилик имкониятларини ривожлантириш, қўшимча чолғу асбоблари киритиш йўли билан эшитилиш қудратини кучайтириш ва янада соф бўлиши устида изланишлар бошлайди»<sup>12</sup>, дейди. Шунингдек, у ўз мақсадларини амалга ошириш учун оркестрга ёш маҳоратли ижрочилар билан бирга ўзбек миллий муסיқаси ривожидан донг таратган малакали ўрта ва кекса авлод созандалари, жумладан, ғижжакчи ва дуторчи Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, найчи Саиджон Калонов ҳамда бир қатор дуторчи, танбурчи ҳамда чангчиларни жалб этади.

## § 2. ОРКЕСТР ФАОЛИЯТИНИНГ ИЛК ОДИМЛАРИ

1957-йилнинг май ойида Ўзбекистон ССР Маданият вазирининг Радиоэшиттириш Бош бошқармаси қошида Ўзбек халқ чолғулари оркестрини ташкил этиш тўғрисидаги 179-сонли буйруғи эълон қилинди<sup>13</sup>. Шунга асосан Радиоэшиттириш Бош бошқармаси ўзининг 47-сонли буйруғи

---

<sup>12</sup> М.Аҳмедов. Дони Зокиров, Т., 1995, б. 152

<sup>13</sup> Ўз.Р.МДА (ЦГА) ҳужжатлари. Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги буйруқлари. №2487. Опись №1.

билан 1957-йил 1-майдан қуйидагиларни оркестр-га ишга қабул қилди<sup>14</sup>:

- |                     |                   |
|---------------------|-------------------|
| 1. Д.Зокиров        | - бош дирижёр     |
| 2. Ю.Ражабов        | - бадий раҳбари   |
| 3. Н.Файбуллаев     | - дутор контрабас |
| 4. Р.Муродов        | - дирижёр         |
| 5. С.Тўхтасинов     | - ғижжак          |
| 6. А.Ақромов        | - ғижжак бас      |
| 7. Т.Алиматов       | - сато            |
| 8. С.Бақоев         | - бухоро рубоби   |
| 9. А.Бобохонов      | - қашқар рубоби   |
| 10. А.Лутфуллаев    | - танбур          |
| 11. И.Маллаев       | - қашқар рубоби   |
| 12. З.Обидов        | - дутор           |
| 13. Ж.Саидалиев     | - танбур          |
| 14. З.Содиқов       | - ғижжак          |
| 15. Ў.Худойберганов | - урма чолғулар   |
| 16. Р.Ибрахимов     | - доира           |
| 17. Ш.Ҳамдамов      | - ноғора          |
| 18. Р.Шарафутдинов  | - бухоро ғижжаги  |
| 19. Ш.Шожалилов     | - танбур прима    |
| 20. М.Юнусов        | - дутор           |

**3 майдан:**

- |                   |                           |
|-------------------|---------------------------|
| 21. С.Калонов     | -солист ва концертмейстер |
| 22. Х.Убайдуллаев | - қўшнай                  |
| 23. А.Абдуллаев   | - танбур прима            |
| 24. Ф.Содиқов     | - чанг                    |

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, опись № 1 л.ед.хр.31.

- 25. Н.Хасанов - ғижжак
- 26. Ғ.Тошматов - ғижжак
- 27. Г.Шохнович - кутубхоначи

Дарҳақиқат, бу сана Ўзбекистон радиоси қошида Халқ чолғулари оркестрининг ташкил топган куни эди. Оркестрнинг таркиби ижро имкониятларидан келиб чиқиб, жаҳон оркестрлари андозаларига хос бўлган зарур чолғулар ҳисобига кенгайтирилиб борилди. Секин-аста най, қўшнай, сурнай, чанг, қашқар ва афғон рубоблари, танбурлар, дуторлар, сато, доира ва ғижжаклар оиласи қўшилди. Дамли чолғулар оиласини тўлдириш, ҳамда оркестр тембрини бойитиш мақсадида симфоник оркестрининг кичик флейта ва гобой чолғулари жалб этилди. Бу чолғулар ўзбек халқ чолғулари билан оҳанг жиҳатдан мос келади ва ўзаро уйғунлашиб кетади. Энг асосийси кўп овозли ижродаги айрим жиҳатларни тўлдиради.

1958 йили Ўзбекистон Маданият вазирлиги радиоинформация бош бошқармаси бошлиғи (У.Иброҳимов)нинг 26 май 1958 йилги 52-сонли буйруғининг 6-бандига асосан қуйидагилар оркестрга ишга қабул қилинади:

- 1. А.Алимаҳсумов - ашула
- 2. А.Имомхўжаев - ашула
- 3. К.Жабборов - ғижжак
- 4. Я.Давидов - танбур
- 5. Р.Файзуллаев - қашқар рубоби
- 6. О.Хотамов - сато



## 7- банди бўйича:

### 1. К.Мўминов (Б.Давидов) - ашула<sup>15</sup>.

Шу тариқа оркестр таркиби кенгайиб борди. Жамоанинг кўп овозли оркестр сифатида шаклланишида Д.Зокировнинг ҳиссаси катта. Жумладан, у раҳбар ва дирижёр сифатида тинимсиз меҳнат қилди, мақсад сари муттасил интилди ва, пировардида, жамоанинг ижрочилик даражасини юксалтиришга эришди. Шу аснода жамоа ҳам ўзига хос ижроси билан кўпчилиكنинг эътиборини қозонди. Дони ака нафақат моҳир созанда, жонкуяр раҳбар ва маҳоратли дирижёр, балки ижод сирларини пухта эгаллаган серқирра композитор сифатида ҳам фаолият олиб борди, ўзи раҳбарлик қилаётган оркестр учун махсус асарлар яратди. Шунингдек, биринчилардан бўлиб турли халқларнинг куй ва кўшиқларини оркестр учун қайта ишлаб, унинг ижро имкониятларини кенгроқ ёритишга ҳаракат қилди.

Д.Зокиров бошқараётган оркестрнинг ютуқларидан илҳомланган Ф.Қодиров, Б.Зейдман, Б.Мейен, И.Ҳамроев, Х.Изомов, Б.Гиенко, Ф.Назаров, С.Ҳайитбоев, М.Насимов ва бошқа композиторлар ҳам шу жамоага мослаб асарлар ёза бошладилар. «Дони ака мени доимо янги асарлар ижро этилганда эшитиб кўриш учун чақирар эдилар. Мен ўз фикрларимни айтардим. Ўша йиллари композитор Б.Мейен ушбу оркестр учун 100 дан ортиқ

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, опись 1. ед. хр.33.

миллий руҳдаги асарлар ёзишга муяссар бўлган. Улар анча вақтгача ижро этилиб келинган. Айниқса унинг «Ассалом келажак» номли ораторияси менга жуда маъқул бўлган», - дейди муסיқашунос А.Жабборов оркестрнинг 1960-йиллардаги фаолиятини эслаб<sup>16</sup>. Ўзбекистон композиторлари билан бирга бастакорлар ҳам жамоа ижросига оид бир қатор асарлар яратган эдилар. Бу ишга айнақса К.Жабборов, С.Калонов, Н.Ҳасанов ва Ғ.Тошматовлар фаол киришганлар. Уларнинг композиторлар билан ҳамкорликда яратган асарлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Хусусан, Н.Ҳасанов ва Б.Гиенконинг «Ўзбекистон» фантазияси ва «Дўстлик» сюитаси, Ғ.Тошматов ва В.Зудовнинг хор ва оркестр учун «Ёр-ёр» кўшиғи, С.Калонов ва Б.Гиенконинг «Кулиб берган салонинг» романи шулар жумласидандир.

«Отам Ғ.Тошматов 1948 йилдан 1960 йилларнинг охиригача радио қошидаги оркестрда ишлаб, жуда кўп куй ва кўшиқлар яратдилар. Уларни Дони ака оркестр учун мослаштириб, кейин ижро этишган»,<sup>17</sup> - дейди М.Ғаниев ўз отасини эслаб. Жамоанинг кўпчилик созандалари бастакорликда ҳам бир қатор кўшиқ ва чолғу асарлари билан халқ ҳурматини қозонган муаллифлардан эди. Шунинг учун ҳам оркестр репертуарининг

---

<sup>16</sup> Муаллифнинг А.Жабборов билан 2001 йил 10 ноябрда бўлган суҳбатидан ёзиб олинган.

<sup>17</sup> Муаллифнинг М.Ғаниев (Ғ.Тошматовнинг ўғли) билан 2001 йил 5 декабрда бўлган суҳбатидан.

асосий қисмини жамоа созандалари томонидан яратилган асарлар ташкил этган. 1959 йили Ўзбекистон радиоси қошида мақомчилар ансамбли тузилади ва унга Ю.Ражабий раҳбар этиб тайинланади. Оркестрни бошқариш эса дирижёр ва композитор Д.Зокировга топширилади.

1960 йили оркестр қирқ олти кишидан иборат эди. Оркестр билан таниқли хонандалар – Ҳ.Носирова ва С.Ярашевлар ҳамкорлик қила бошлайдилар. Шунингдек, жамоага яккахонлар сифатида К.Исмоилова, М.Дадабоева, Б.Давидова, Х.Юсупова ва Ғ.Абдурахмоновлар жалб этилади. Оркестр яккахон ва якканавозларга жўр бўлиш, яъни жўрнавоз сифатида ҳам катта муваффақиятларга эришади. Оркестрнинг лирик куйларда майин ва куйчан, шўх куйларда эса жўшқин ва мардонавор янграши – якканавозлар ижросига бетакрор жозиба бағишларди. Айниқса ғижжак, чанг, дутор ва най тембрлари якканавозлар тембри билан уйғунлашган ҳолда асарни янада сержило ва сермазмун ифода этилишига кўмак беради. Бастакорлардан Ғ.Тошматовнинг «Мард йигитлар», Д.Зокировнинг «Кўрмадим», К.Жабборовнинг «Диёримсан», Н.Ҳасановнинг «Тўйларингиз муборак», С.Калоновнинг «Топмадим» ва «Дуторим» каби ашулалари ўзбек радио эшитувчилари томонидан қизгин қабул қилинарди.

Профессионал мутахассис созандалар, жумладан, рубобчилар – Қ.Усмонов, И.Маллаев, С.Тахалов, Т.Ражабов, А.Бобохонов, шунингдек, найчи

Ҳ.Жўраев, чангчи А.Муталов, ғижжакчи созанда-далар – Т.Азимов ва Қ.Комиловларнинг жамоага келиб қўшилиши оркестр ижрочилик савиясини янада оширди. Шу йиллари жамоа биринчи маротаба концерт дастурларини магнит тасмасига ёзишга муяссар бўлади. Бу жараён мутахассислар томонидан эътироф этилгандан сўнг эса асарлар мунтазам равишда магнит ёзувларида радио тўлқинлари орқали эшиттирилиши одатий бўлиб қолган эди. Кейинчалик эса телевидение орқали эфирга чиқиш имкониятига ҳам эга бўлинди<sup>18</sup>.

Оркестрнинг ижрочилик фаолияти фақат радио ва телевидение орқали чиқишлар билан чегараланиб қолмади, балки кенг жамоатчилик давраларида ҳам концерт-ижрочилик фаолияти янада қизғин тус олди. Шу жумладан, оркестрнинг концерт дастурлари «Қизил Ўзбекистон» колхозини ҳамда шаҳардаги завод ва фабрикаларда тез-тез намойиш этилган. Бундай концертлар эса тингловчиларнинг оркестр жамоасини ижросига тобора кўникиб боришларида катта аҳамият касб этган эди.

Бу даврга келиб композиторлардан А.Козловский, И.Акбаров, Ҳ.Раҳимов, А.Муҳаммедов, Ш.Рамазонов, Р.Ҳамроев ва бошқалар оркестр репертуарини ўзларининг турли жанрларда яратган асарлари билан янада бойитдилар. Уларнинг асарлари эса, асосан анъанавий йўлда ижро

---

<sup>18</sup>. Муаллифнинг Х.Изомов билан 1990 йил 22 мартда бўлган суҳбатидан ёзиб олинган.

этилган, бинобарин партитуралар ҳам шунга мослаштирилган эди. Партитурада баъзи-бир белгилар ўрин олган бўлишига қарамай, ижрочилар ўз партияларини имкониятлари даражасида ижро этишарди. Чунки, аксарият асарлар халқ созандарига яхши таниш бўлган. Бундан ташқари оркестр жамоаси томонидан араб, афғон, эрон ва озарбайжон халқ куйлари ва қўшиқлари ҳам ижро этилган<sup>19</sup>.

Ўша даврдаги жамоа асосини анъанавий ижрочилик мактабининг ёрқин намояндалари – Т.Алиматов (сато), С.Калонов (най), Ф.Содиқов (чанг), Ғ.Тошматов (ғижжак), Ҳ.Убайдуллаев (қўшнайн), М.Юсупов (дудор) каби санъат дарғалари ташкил этган. Бу созандалар фақатгина оркестрдаги ижод билан шуғулланмай, балки муסיқа билим юрти ва консерваториянинг истеъдодли талабаларини касбий ижрочилик соҳасига ҳам тайёрлаган эдилар.

Шу пайтларда радио оркестрининг олдига қўйилган асосий вазифаларидан бири – миллий ижрочилик анъаналарини янги услубда ривожлантиришдан иборат бўлган. Шу боис концерт дастурининг асосий қисмини ташкил этган ўзбек халқ куйлари ансамбль ижрочилиги услубида эмас, балки оркестр ижросига мос шаклда гармониялаштирилган эди. Шу билан бирга оркестрнинг концерт дастуридан Ўзбекистон композитор-

---

<sup>19</sup> Муаллифнинг оркестр созандаси Р.Ибрагимов билан 1990 йил 25 апрелда бўлган суҳбатидан.

ларининг айнан шу жамоа учун ёзган асарлари ҳам кенг ўрин олган бўлсада, аммо талқин масаласида созандалар оркестр ижросини анъанавий ансамбль ижросига яқинлаштиришга интилишлари сезиларли эди.

Қолаверса, таркиби, репертуари ва ижрочилиги билан миллий анъанавийликка интилган ушбу оркестр филармония қошида фаолият олиб бораётган оркестрдан тубдан фарқ қилган. Аслида уларнинг мақсад ва вазифалари ҳам ўзаро фарқли эди. Масалан, Т.Жалилов номидаги оркестр очиқ майдонларда ва катта концерт залларида фаолият олиб борган бўлса, радио оркестри асосан овоз ёзиш студияларида асарларни магнит тасмаларига ёзиш орқали ижод қилган. Шу боис ҳам радио оркестрида кўпроқ нозик садоланувчи, майин овозли чолғуларнинг ўрни салмоқли бўлган.

Шунингдек, оркестр репертуарининг асосий қисмини бастакорлар томонидан қайта ишланган халқ куйи ва қўшиқлари, қолган қисмини эса Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари ҳамда оркестр учун махсус яратилган асарлар ташкил этган. Айни пайтда жамоа ўз ижрочилик маҳоратини қардош озарбайжон, қозоқ, қорақалпоқ, тожик ва рус халқларининг қайта ишланган куйларини ижро этиш амалиётида ҳам синаб кўрган. Ўзбек ва Шарқ халқларининг мусиқа намуналарини ижро этиш борасида эса «устоз-шогирд» мактабининг ижрочилик кўникмалари оркестр созандаларига асқотганди.

Ўзбек халқ куй ва қўшиқларининг катта билимдони Д.Зокиров қайси намунани оркестр учун мослаштирмасин, албатта асосий куй ва овоз уйғунлигига алоҳида эътибор берган ҳамда асарнинг сифатини белгиловчи ўзига хос безак ва буёқларни бўрттириб кўрсатишга интилар эди. Шу боис ҳам оркестр ижодий услубининг илк шаклланишида Д.Зокировнинг ҳиссаси чексиздир. Шубҳасиз, у биринчилардан бўлиб халқ қўшиқ-куйлари ва мумтоз муסיқа намуналарини оркестрга мослаштириш билан бир қаторда жамоа учун махсус асарлар ҳам яратишга астойдил киришган эди.

Ижодий ютуқлар ҳам шунга яраша бўлди. Жумладан, 1962 йили Д.Зокиров томонидан қайта ишланган «Ёввойи Чоргоҳ» асари оркестр ижрочилигининг янги қирраларини очиб берди. Бунда, аввало оркестр таркибида қўлланган қуйидаги чолғулар нисбати эътиборлидир: най пикколо, най-I-II, қўшна-й-I-II, сурнай, чанг -I-II, қашқар рубоби, афғон рубоби, танбур, дутор бас, дутор контрабас, доира, сато, ғижжак -I-II, ғижжак альт, ғижжак бас ва ғижжак контрабас. Д.Зокиров ушбу партитурани яратишда ҳар бир чолғунинг якка ижросини алоҳида ифодалаш билан бир қаторда турли чолғуларнинг уйғунликдаги ижро имкониётларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Муҳими, турли хил чолғу оилаларининг биргаликдаги унисон ижроси ўлароқ, ўзбек миллий куйларининг анъанавий ижрочилигига хос тамойил, яъни асар-

нинг бошидан охиригача куй устиворлиги ўз кучини сақлаб қолган.

Мисол сифатида «Ёввойи Чоргоҳ»нинг асосий куй-мавзуи баёнини келтирамиз. Бунда дастлаб ғижжаклар ижросида бошланган мавзу (3-8 тт.) ўзига хос тақлидий полифоник кўринишда илк ривожланади (ғижжак альт, қашқар ва афгон рубоблари - 8-9, 11тт., ғижжак бас ва ғижжак контрабаслар - 9-12 тт.) ҳамда таянч «ре» пардасига қайтиб нисбий тугал ҳолга келади:

**Andante**

The musical score is arranged in two systems. The first system includes:

- Кашкар рубоб (Kashkar rubab)
- Афгон рубоб (Afyon rubab)
- Ғижжак I (Gijjak I)
- Ғижжак II (Gijjak II)
- Ғижжак альт (Gijjak alto)
- Ғижжак бас (Gijjak bass)
- Ғижжак к. бас (Gijjak contra-bass)

The second system includes:

- К-руб. (K-rubab)
- А-руб. (A-rubab)
- Ғижжак I (Gijjak I)
- Ғижжак II (Gijjak II)
- Ғ-альт (G-alto)
- Ғ-бас (G-bass)
- Ғ-к. бас (G-contra-bass)

The score begins with a piano (*p*) dynamic and concludes with a forte (*f*) dynamic. The tempo is marked as *Andante*.



Дарҳақиқат, композитор анъанавий ансамбль ижрочилиги услубини оркестрда ўзгача қўлайди: бир чолғу ўрнини чолғулар гуруҳи, ансамбль жўрнавозлигини эса кўп овозли оркестр билан алмаштиради. Буларнинг барчаси, асарнинг миллий хусусиятини йўқотмаган ҳолда, созандаларни кўп овозли мусиқани теран идрок ила ижро этишлари учун амалга оширилган.

Партитура оддий ёзилишидан қатъий назар, оркестрнинг ижро талқини билан боғлиқ баъзи муаммолар ҳам юзага келган эди. Унисон шаклидаги ижро асосида тарбияланган созандаларга турли партия ва овозлар (якканавозлик, жўрнавозлик, педаль товушлари ва ўлчов ўзгаришлари) ни ижро этиш маълум қийинчиликларни туғдирган. Бу ҳол айниқса созандаларнинг ижро пайтида бир-бирларини тинглай олишлари ёхуд асарда муҳим ўрин берилган якканавоз партияларига алоҳида эътибор беришлари талаб этилган пайтларда сезиларли эди. Шу боис Д.Зокиров машғулотлар давомида ҳар бир ижровий нуқсон устида алоҳида ишлашга, оркестр гуруҳларининг ижродаги мувозанатини муқобиллаштиришга кўпроқ урғу берар, пировардида эса, асарнинг бадиий мазмунини тўла-тўқис ифодалашга ҳаракат қиларди. Бошқача айтганда, оркестрнинг ялпи ҳамда алоҳида чолғу гуруҳларининг бирдек аниқ ва ифодали янгирашига эришиш мақсад қилинган. Шу талаблар ўлароқ ижрочилик савияси юксалган оркестр

жамоаси, жумладан, «Ёввойи Чоргоҳ» асарини маромига етказиб ижро этишга муваффақ бўлган эди.

Оркестр учун қайта ишланган «Жазоир» куйида эса Д.Зокиров шиддатли тезлик суръати орқали оркестр ва ҳар бир чолғу гуруҳининг ижрочилик маҳорати ва имкониятларини, шунингдек, ўзбек халқ чолғуларининг турфа ва ранг-баранг тембрларга бениҳоя бойлигини намоён этади. Шунинг учун бўлса керак, бу асар ҳозирги кунга қадар ўз қийматини йўқотмай концерт дастурларида доимий равишда ижро этилиб келинмоқда.

Д.Зокиров оркестрда ишлар экан, созандаларга ижро кўникмаларини ўргатибгина қолмай, балки уларнинг мусиқий саводини ҳам оширишга ҳаракат қилган. Хусусан, уларни ўзбек, рус ва европа мусиқа маданияти, шунингдек компози торлик ижодиёти намояндалари ва машҳур ижрочилар фаолияти билан таништириш мақсадида оркестр машғулотларидан ташқари ҳафтасига бир-икки соат давомида турли мавзудаги маърузалар ўқилишини ташкил этган. Бундай маърузалар жамоа созандалари орасида катта қизиқиш ўйғотган эди.

Дони Зокировнинг оркестр учун яратган ҳар бир асари ўзига хос тарзда ва бетакрор оҳангларда янграйди. Композиторнинг ўша даврда жамоа учун махсус ёзган асарларидан бири – уйғур халқ айтимларининг куйлари асосида

яратилган (1962) «Уйғурча фантазия»сидир. Най пикколо, най-I-II, гобой, қўшнай-I-II, сурнай, чанг-I-II, қашқар ва афғон рубоблари, танбур, дутор, дутор бас, дутор контрабас, доира, сафоиль, сато ва ғижжаклар оиласи учун ижод этилган аслида бир қисмли бу асар ўзида тўрт қисмли туркум хусусиятларини мужассам этади.

Шунга кўра ҳар бир қисм алоҳида куй мавзуи, ўлчови ва характерли образлари билан тавсифланади. Жумладан, тўрт хиссали ўлчовда баён этилган майин оҳангли биринчи қисм (Andante) куй-мавзуи ўзига хос қисса тарзида янграса, иккинчи қисм мавзуи (7-рақам, Andantino) жонли ўйноқи рақс усулида, учинчиси (12-рақам, Allegretto) шўх ва жадал суръатда жўшқин рақс кўришида, ва, ниҳоят якуний тўртинчи қисм (26-рақам, Allegro) шиддатли суръатда ўз аксини топган мавзу билан ниҳоя топади.

Д.Зокиров бу асарда уйғур фольклорига хос муסיқий воситалар (жумладан, синкопали усул) - дан самарали фойдаланган. Шунингдек, иккинчи қўшиқда уйғур халқ муסיқаси учун хос бўлган пентатоникани унумли қўллаган. Пировардида, туркумдаги ҳар бир айтим куйи ўзига хос хусусиятлари билан тингловчиларда катта таассурот қолдирган. Ўз ўрнида ушбу асарнинг моҳирона ижро этилиши оркестр созандаларининг ижрочилик малакасини янада юксалишига хизмат қилган эди.

«Д.Зокиров ўз асарларида рус ва ғарбий европа симфоник муסיқасида қўлланиладиган услубларни миллий анъаналарга мувофиқ ҳолда ишлатади»<sup>20</sup>. Мавзунинг полифоник ривожини, ўлчовларнинг тез-тез алмашинуви, асосий мавзунинг бир чолғудан иккинчисига ўтиши синкопали остинато усули ҳамда солонинг бир қанча функциялар билан биргаликда ижро этилиши оркестр учун ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқаради. Д.Зокиров машғулот пайтида техник қийинчиликларни созандалар билан енгиб чиқиб, оркестр имкониятидан унумли фойдаланган ҳолда, асар учун характерли бўлган оҳангларни излаб топади.

Сайфи Жалилнинг қашқар рубоби ва оркестр учун ёзилган «Сюита»си ҳам оркестр зиммасига бир қанча бадий вазифаларни юклайди. Бу асар най пикколо, иккита най, иккита сурнай (гобой), иккита қўшнайн, учта чанг, дутор бас, дутор контрабас, зарбли чолғулар ҳамда ғижжак I, ғижжак II, ғижжак альт, ғижжак бас ва ғижжак контрабас-дан ташкил топган таркиб учун махсус ёзилган бўлиб, унда қашқар рубоби якканавоз (соло) сифатида қўлланган эди. Қуйида ушбу асардан бошланғич куй тузилмаси мисол тариқасида келтирилади:

---

<sup>20</sup> Вызго Т. Музыка для оркестров узбекских народных инструментов.// История узбекской сов. музыки. Т., 1973. П.т. с.363.

Andante

The musical score is for a string quartet in G major, 3/4 time, marked *Andante*. It consists of two systems of staves. The first system includes parts for Solo (Violin I), Violin I, Violin II, Viola (pizz.), Violin Bass (pp), and Double Bass (pizz.). The second system includes parts for Solo (Violin I), Violin I, Violin II, Viola (arco), Violin Bass (arco), and Double Bass. Dynamics include *p*, *pp*, and *div.* The tempo is *Andante*.

Маълумки, сюита типдаги туркумли асар қисмлари ўзаро суръат тафовутига асосланади. Лекин мазкур асарда С.Жалил суръат нисбатларини миллий бадий анъаналардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тарзда ўзгартирган: *Andante-Allegretto-Allegro*. Бу эса ўз ўрнида якуний қисмда динамик ва суръат жадаллигига олиб келади. Бундан ташқари, Сюитанинг ҳар бир қисм ва туркум даражасидаги динамик ҳолати ҳам чолғуларнинг аста-секин қўшилишига мувофиқ белгиланган. Шунга кўра, қисмдан-қисмга ўтиш асосида динамик ҳолатлар ҳам

тобора кучайиб, партитурада зичлик пайдо бўлади. Динамика эса ўз ўрнида суръат билан боғланиб келган. Суръат қанчалик тез бўлса овоз ҳам шунчалик баланд, фактура эса шунчалик қуюқлашиб боради.

Партитура ҳар бир чолғу партиясининг индивидуал хусусийлиги билан ажралиб туради. Нозик динамик белгиларнинг қўлланилиши муסיқий мавзунини аниқ кўрсатиш имконини яратади. Қашқар рубобининг якка ижроси дутор бас, дутор контрабас, ғижжак, ғижжак бас ва ғижжак контрабас чолғуларининг жўрлигида янграйди. Композитор муסיқий материалнинг ривожига қараб кўпроқ бир чолғу гуруҳи ижро этган куйини иккинчи гуруҳда қайтариш услубини қўллаган. Ижрочилар учун асосий қийинчилик бу суръат, тоналлик, ўлчов, динамика ва зарб ўзгаришларидир. Дирижёрнинг асосий интилиши ва маҳорат даражаси – асарнинг нозик ижроси ва нюансларини ўз ўрнида ишлата билишидир. Динамиканинг аста-секин кучайиши, оркестрнинг ижрочилик имкониятлари диапазонининг нақадар кенглиги ва овоз кучининг чексизлигини намоён этади.

Юқорида таҳлил қилинган асарлар оркестрнинг шаклланиш даврида ижро амалиётига кириб келган энг кўзга кўринарли намуналар эди. Улар жамоанинг ижрочилик маҳорати ошганлигини аниқ ёритиб беради. Бу асарлар нафақат телевидение ва радио тўлқинларида, балки кенг омма

орасида, яъни колхоз, завод, фабрика ва турли ташкилотларда ижро этилиб, муносиб тарғиб этилган.

Шу тариқа оркестр жамоаси ташкил топган кунидан бошлаб 1960-йилларнинг охирига қадар кўп овозли мусиқани ижро этиш кўникмаларини эгаллади, ҳақиқий оркестр ижросига хос мусиқий «тил»ни ўрганди. Бошқача айтганда, жамоа қайта ишланган ўзбек халқ куйлари билан бир қаторда турли жанрдаги композиторлик асарларини ҳам ижро этиш салоҳиятига эга бўлди.

Йиллар давомида оркестр таркиби профессионал тарзда тарбияланган созандалар ҳисобига кенгайди ва мустаҳкамланди. Малакали созандаларнинг келиб қўшилиши оркестр ижро маҳоратининг ўсишига ёрдам берди. Ижро этиладиган асар мазмунини сирли таёқча орқали ифодалаб берувчи, ҳамда жамоани бадиий жиҳатдан бошқариб боровчи дирижёр вазифаси ҳам аниқланди. Оркестр ижрочиси бўлган ҳар бир созанда муайян бир асарни ўзича алоҳида эмас, балки дирижёр ёрдамида ва бир-бирини тинглаган ҳолда бошқа созандалар билан ҳамкорликда ижро этиш кўникмаларига эга бўлди. Натижада миллий чолғулардан ташкил топган кўп овозли ва рангбаранг тембрли оркестр вужудга келди.

Оркестр ўтган давр ичида жуда кўп тажрибалар ўтказди. Буларнинг барчаси жамоа таркибини мустаҳкамлаш, ижро малакасини ошириш, репертуарини кенгайтириш ҳамда бойитишга

йўналтирилган эди. Зеро, чолғуларнинг янги ифодавий воситалари ва ижрочилик имкониятларидан тўғри фойдалана олиш созандалар ва композиторларда бирдек қийинчиликлар туғдирди. Хуллас, композиторлар чиройли ва мазмунли махсус асарлар ёзишга ҳаракат қилдилар, оркестр эса ижро этилаётган асар мазмунини тўла-тўқис ифодалашга интиланган ҳолда фаолият олиб борди.

### § 3. ИЖОДИЙ КАМОЛОТ САРИ

1970-1980 йиллар Ўзбекистонда муסיқа ижрочилик санъатининг доираси сезиларли даражада кенгайганлиги, ижрочилик амалиётининг фаоллашганлиги ва янги муסיқий шакллар ҳисобига кескин ривожланганлиги билан тавсифланади. Бундан оркестр ижрочилиги ҳам мустасно эмас. Ушбу даврда жамоа олдида турган муҳим масалаларидан бири – бу оркестр таркибини замон талабига мос равишда янгилаш ва кенгайтиришдан иборат эди. Айниқса ёш ижрочи мутахассисларнинг жамоага келиб қўшилиши оркестрнинг янги-ча ижро йўналишларида ижод қилишига имкон яратди.

Бу даврда ўзбек халқ чолғулари оркестри олдида турган вазибалар – янги ва йирик шаклдаги асарларни ўзлаштириш, композиторларнинг замонавий асарларида қўлланилган мавзу ва техник услубларни эгаллаш ҳамда оркестр жамоа-



си ижрочилик маҳоратини ўстиришдан иборат эди. Қайд этиш жоизки, композиторлар ўз асарларини мазмунан бой ва характер жиҳатдан тўлақонли ёритишда анъанавий ижро услублари билан бирга ижодиётга кириб келган янги оқимларга хос ифодавий омилларни ҳам кенг қўллашга ҳаракат қилганлар. Оркестр жамоасининг мақсади ҳам замонавий ижро услублари ва воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда алеаторика унсурларини анъанавий ижро безаклари бўлган нола ва қочиримлар билан бадиий уйғунликда ифодалаб, композиторнинг бош ғоясини батафсил ёритиб беришга қаратилган эди.

Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёр Д.Зокиров жамоага 1980 йилгача раҳнамолик қилиб, ўзбек анъанавий талқинига хос ижрони ривожлантирди. Оркестр билан олиб борилган кўп йиллик амалий фаолияти ва халқ чолғуларининг ижрочилик имкониятларини яхши билганлиги туфайли у оркестрнинг янги ижрочилик қирраларини очишга муяссар бўлди. Д.Зокировнинг тингловчилар орасида машҳур бўлган тўрт қисмли «Сюита» (1974), «Байрам марши» (1974) ва қайта ишлаган «Мирзадавлат» (1979) чолғу асарлари кўповозли оркестрнинг ранг-баранг тембр ва бой ижро имкониятларини кенг намоён этади.

1980 йили оркестрга раҳбар этиб сайланган Т.Ҳасанов жамоа таркибига айрим ўзгартиришлар кирита бошлайди. Жумладан, янги раҳбар

оркестр ижро услубини филармония қошидаги оркестрга яқинлаштириш истагида радио оркестрига дутор секунда ва ғижжак альтларни қўшади, дамли ва бас гуруҳларини кўчайтиради. Сурнай ва най пикколо чолғуларини гобой, кларнет ва иккита флейта пикколо билан алмаштиради. Зарбли чолғулар гуруҳига литавра, тарелка ва треугольник (учбурчак)ни киритади. Торли-чертма чолғуларни камайтириш эвазига эса торли-мизробли ва торли-урма чолғуларни кўпайтиради.

Д.Зокиров оркестрида дутор прима ва рубоб прима чолғуларининг йўқлиги жамоада ижро этиладиган куйларнинг миллий руҳини ёрқин ифодалаш билан изоҳланган эди. Рубоб прима чолғуси қашқар рубоби диапазонидан бир октава баланд эшитиладиган меццо-сопрано рубоби билан алмаштирилади. Радио оркестри таркибига дутор альтдан ташқари анъанавий дутор ва анъанавий танбур киритилган бўлиб, улар фақатгина якканавоз чолғу сифатида ишлатишга мўлжалланган эди.

Радио оркестри таркибида ижрочилик талабидан келиб чиққан ҳолда, ўрта регистрга эга бўлган чолғулар жуда кўпчилиқни ташкил этган. Чунки бу чолғулар ижро этиладиган асарларнинг миллий хусусиятларини ифодалашга қўл келган. «Оркестр гуруҳларининг бир неча вариантларини синаб кўриб, жамоа мураккаб асарларни ижро эта оладиган, регистр ва техник имкониятлари ўзаро

тенг кела оладиган гуруҳлардан ташкил топган кўп овозли оркестрга келиб тўхтади», - дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Р.Хўжаев<sup>21</sup>.

Д.Зокиров жамоаси олиб борган ижодий фаолиятининг Т.Жалилов оркестридан фарқи ижро репертуарининг асосан ўзбек халқ куйлари ва Ўзбекистон композиторларининг қўшиқларидан ташкил топганлигидадир. Радио оркестрининг ўзига хос хусусияти бу доимо яккахонлар билан ҳамкорликда ижод қилиши ва уларнинг қўшиқларини оркестр жўрлигида магнит тасмасига ёзишларидадир. Оркестр билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар – М.Дадабоева, Х.Юсупова, Мақом ансамбли яккахонлари – Ҳ.Исроилова, М.Хасанова, Н.Сатторова, Г.Эркулова ҳамда дуторчи қизлар ансамблидан З.Суюнова, М.Асадова ва бошқалар концерт дастурларида фаол қатнашдилар. Диққатга сазовор жойи шундаки, хонандалар ашула ва қўшиқларни анъанавий услубда, яъни, нола ва қочиримлар билан куйлайдилар, оркестр эса уларга нота орқали жўр бўларди.

Оркестр якканавозларида ҳам ижродан ташқари ўз жамоалари учун кўплаб қўшиқлар, чолғу куйлари билан бирга йирик шаклдаги асарларни яратишга интилишлар пайдо бўлди. Мана шундай

---

<sup>21</sup> Р.Хўжаев. Становление и развитие оркестра народных инструментов Узбекского радио и телевидения. // Проблемы теоретического музыкознания в Узбекистане. Т., 1976, с 197.

ижодий шахслардан бири, оркестр созандаси (ғижжак) Қ.Комиловдир. У кўп сонли қўшиқлар, чолғу куйлари ва йирик шаклдаги асарлар муаллифидир. Якканавозлар – Ҳ.Жўраев (най) ва Қ.Усмонов (қашқар рубоби)лар ҳам шулар жумласидандир. Бу созандалар ҳамиша оркестр талқинида янги тембр, зарблар, товуш чиқариш усуллари устида изланиб, миллий характери, мазмуни ва овоз таровати билан ажралиб турувчи асарлари билан оркестр дастурини бойитишга ҳаракат қилардилар. Шу билан бирга улар репертуар муаммосини ҳал қилишда ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Уларнинг асарлари тез-тез телевидение ва радио орқали оркестр ижросида янграб туради. Бу созандалар жамоа репертуарини бойитиш мақсадида янги ижро воситалари ва турли чолғулар уйғунлашуви қўлланилган, айти пайтда овоз таровати, ўзига хос зарб усуллари ва ранг-баранг тембрларга эга бўлган миллий асарларни ёзадилар.

Ҳ.Жўраевнинг 1983 йили ёзган «Поэма-рапсодия»си композиторлик маҳорати бўйича Ф.Алимов, Т.Қурбонов ва М.Бафоев асарларига ён босади. Лекин шу билан бирга у асарни тингловчилар томонидан тез машҳур бўлиб кетишига эга бўлган имконияти билан ютади. «Поэма-рапсодия» мусиқаси анъанавий мусиқадаги лирик жанрларга яқин. Асарнинг характерли томони – асосий мавзунинг чолғулар гуруҳи ёки бир неча чолғулар ижросида биргаликда ва бирин-кетин унисон

тарзда ижро этилишидадир. Бу ҳол ушбу асардан нота мисоли келтирилган қуйидаги лавҳада ҳам ўз ифодасини топган:

**Maestoso**

The musical score consists of two systems of staves. The first system includes five staves: Gijjak I (treble clef), Gijjak II (treble clef), Gijjak альт (alto clef), Gijjak бас (bass clef), and Gijjak к.бас (bass clef). The second system includes five staves: Gijjak I (treble clef), Gijjak II (treble clef), F-альт (alto clef), F-бас (bass clef), and F-к.бас (bass clef). The tempo is marked 'Maestoso' and the dynamics include 'ff' (fortissimo) and 'tr' (trills). The score features various rhythmic patterns, including triplets and slurs, and dynamic markings like 'p' and 'V'.

Партитурада мавзунинг чолғулар бўйича аниқ тақсимланиши яққол намоён бўлган. Муסיқа ривожининг «авж»ида Ҳалимжон Жўраев мазмунга бой овоз ҳосил қилиш мақсадида рубоблар ва гижжаклар тембрларини асосий бир мавзу орқали бирлаштиради.

«Поэма-рапсодия» партитурасида иккита эътиборли жиҳат бор. Биринчи жиҳат бу оркестр жамоасида мавжуд чолғулар гуруҳининг ҳар бири якка созанда каби уйғун ижро этишида кўринади. Бунда бастакорнинг оркестр ижрочилигини анъанавий ансамбль ижрочилигига яқинлаштириш истаги яққол сезилиб туради. Иккинчи жиҳат эса, ҳар бир чолғулар оиласини алоҳида бир кичик жамоа сифатида кўрсатишга интилишида намоён бўлади. Шунга кўра, чолғулар оиласининг бири – асосий мавзунини, яна бири – усулни ва бошқа бир кўриниши – замин товушларини ижро этадики, натижада оркестр ичра кичик (микро) оркестр юзага кела бошлайди. Бу эса партитуранинг бошқа асарлардан ажралиб турадиган ўзига хос қийматини белгиловчи хусусиятларидан биридир.

Д.Зокиров номидаги оркестрнинг ижодий фаолияти 1986 йили янги бадиий раҳбар ва бош дирижёр М.Бафоев келиши билан янгича тус олди. Истеъдодли композитор ва моҳир дирижёр М.Бафоев ўн беш йил давомида оркестрга муносиб равишда раҳбарлик қилди. Мустафо ака ишни аввало репертуарни саралашдан бошлади. Жамоа Ўзбекистон композиторлари ижоди билан бирга мустақил давлатлар ҳамдўстлиги композиторларининг йирик асарларига мурожаат этади. А.Бобоевнинг «Поэма-рапсодия», У.Хожибековнинг «Фантазия» (I-II қисмлар), Ф.Амиров ва Г.Назароваларнинг Фортепиано ва оркестр учун

«Концерт», С.Алескеровнинг Тор ва оркестр учун «Концерт», Ўзбекистон композиторлари Ф.Алимовнинг «Поэма»си, М.Бафоевнинг Қашқар рубоби ва оркестр учун «Поэма», Дутор ва оркестр учун «Концерт» ҳамда оркестр учун ёзилган икки қисмли «Концерт», М.Юсуповнинг «Концерт-рапсодия», Н.Фиёсовнинг «Концерт-мақом», Т.Қурбоновнинг «Афғонча поэма», Қ.Комиловнинг «Поэма», Ҳ.Жўраевнинг «Поэма-рапсодия» асарлари шулар жумласини ташкил этади.

Оркестр таркиби М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси (ҳозирда Ўзбекистон давлат консерваторияси), А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият (ҳозирда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институти ва Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртини битирган маҳоратли ижрочи кадрлар билан кенгайди. Улар оркестрнинг профессионал жиҳатдан ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Ёш созандаларнинг ижодий ташаббуслари туфайли жамоа фаолияти доирасида бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, улар оркестр ижрочилик маҳоратининг ўсишига ва замонавий йирик шаклдаги асарларни ижро этишга кўмаклашдилар.

М.Бафоевнинг айнан шу жамоа учун яратган турли жанр ва шакллардаги махсус асарлари оркестр ижодий ҳаётига янги мазмун олиб кирди. Созандаларнинг замонавий ижрочилик санъатининг янги қирралари бўлмиш талаффуз ва лад

тузилиши ҳамда полифоник ривожланиш ҳақидаги тасаввурларини оширди. Кенг қамровли композитор ўзининг яратган йирик шаклдаги рангбаранг асарлари билан жамоа репертуарини бойитди, ижрочилар дунёқарашини кенгайтди, уларда янги мазмунга эга бўлган замонавий ижро услубларини ифода этиш кўникмаларини ҳосил қилди. Олдинги кичик хажмдаги асарларга нисбатан йирик жанрлардаги оркестр ва чолғу асарларини ижро этишга созандалар эътиборини қаратди.

Композиторнинг оркестр жамоасидаги ижодий фаолияти сермахсул ва баракали бўлди. У ўз асарларида халқ муסיқа намуналари ва «Шашмақом»дан унумли фойдаланиб, миллий руҳга эга бўлган асарларни янгича, кўп овозли оҳанглар орқали ифода этишга ҳаракат қилди. М.Бафоев халқ чолғулари оркестрининг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи якканавоз чолғулар ва уларнинг гуруҳидан унумли фойдаланиб, оркестр ижросида бетакрор тембрларни яратишга муяссар бўлди.

Қайд этиш лозимки, М.Бафоев моҳир композитор бўлиши билан бирга ўзига хос қобилиятга эга бўлган маҳоратли дирижёр ҳамдир. У ўткир зеҳни ва кучли хотираси, оркестр колоритини чуқур ҳис қилиши ўлароқ ўта мураккаб партитураларни ҳам (барча унсурлари билан) қисқа вақт ичида ўзлаштиришга ҳамда хилма-хил тембрларни яратишга муяссар бўлди. М.Бафоевнинг



келажакка ишонч билан қараши, серғайратлилиги оркестр ижрочиларига самимий муносабати каби инсоний фазилатлари, қолаверса, кишига кўтаринки руҳ бағишловчи муסיқий асарлари унинг ўз олдига қўйган бадийий мақсадлари сари самарали интилишида муҳим омиллардан бўлди.

М.Бафоевнинг ўзига хос дирижёрлик хусусиятлари айниқса оркестр жамоаси билан ўз асарлари устида ишлаш жараёнида намоён бўлади. Бу ҳол, жумладан, халқ чолғулари оркестри учун 1984 йили ёзилган икки қисмли Концертида яққол кўзга ташланади. Ижрочилик нуқтаи назардан ҳам эътиборли бу асарда оркестрнинг беқиёс имкониятлари, ҳар бир чолғунинг концерт ижрочилиги ва миллий хусусиятлари, шунингдек, чолғу гуруҳларининг ўзига хослиги ва улар ўртасидаги ижодий мусобақа ҳолатлари жанр талаблари асосида моҳирона ифодаланган. Бу асар ўзида мужассам бўлган барча ифодавий восита йўналишлари билан Т.Қурбоновнинг кенг ижрочилик хусусиятларини талаб қилувчи «Поэма»сидан фарқ қилади. Айниқса, биринчи қисмнинг 2-рақамидаги кичик икки тактли куйнинг вариант, тембр ва фактура (полифоник) жиҳатдан ривожланиши эътиборга лойиқдир.

*Allegro moderato*

Танбур

Дутор

Шу қисмдаги (7-рақам) доира жўрлигида гижжак бас ва кларнет ижро этадиган ёрқин ифодали ва сермазмун мавзу ўзига хослиги билан тингловчи диққатини жалб этади. Бу чолғуларда асар куй-оҳангининг уйғунлашуви айна пайтда бетакрор ва ўзгача тембрни ҳосил қилади. Ушбу мавзу аста-секин полифоник услубда ривожланиб, турли чолғулар гуруҳида кетма-кет ва кейинчалик бутун оркестр ижросида салмоқли янграйди.

Соната шаклида ёзилган концертнинг иккинчи қисми эса мардонавор ва шаҳдам характерга эга. Бунда асосан якканавоз чолғуларнинг ижрочилик имкониятлари ва оркестрнинг *tutti*си кенг ифодаланган. Улуғвор таъсирчанлик характерига эга бўлган бош партия мавзуси мусиқий ривожда устунлик қилади. Қайта ишлаш қисмида эса асосий мавзу қудратли, мардонавор янграйди ва қаҳрамонона умумлаштирувчи характерни ифодалайди. Оркестр ўзининг бой тембри билан ажралиб туради. Айниқса миллий характерга диққатни жалб этувчи зарбли чолғуларнинг имкониятлари асарда жуда кенг қўлланилган. Шу боис ритмик кўриниш ва ўлчовларнинг (6/8, 5/8, 3/3) тез-тез алмашиб туриши ижрочилар учун маълум қийинчилик туғдиради.

М.Бафоев оркестр билан Концерт устида ишлаш жараёнида аввал ансамбль, кейин эса ҳар бир чолғу алоҳида ижро этадиган анъанавий ансамблни назарда тутар эди. У оркестр *tutti*сини якканавоз чолғу, бир турдаги чолғулар гуруҳи ва

уларнинг оиласи билан ёрқин таққослайди. Тинимсиз изланиш натижасида муаллиф чолғулар гуруҳининг соф тараннумига, чолғу гуруҳлари ўртасидаги мувозанатни сақлашга, усул аниқлиги ва куйнинг текис ривожланишига эришади. Оркестрнинг М.Бафоев раҳбарлигида ижро этган «Концерт» асари, пировардида, ҳар бир товуш дирижёр учун нафақат колорит, мазмун, балки энг муҳим ҳисобланган услубий омил эканлиги намоён бўлди.

М.Бафоевнинг дирижёр сифатида эришган ютуғига ва оркестрнинг ижодий ривожига жамоанинг иккинчи дирижёри, Халқ маорифи аълочиси Сотиволди Каримов ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Ўта ҳаракатчан ва ниҳоятда талабчан дирижёр оркестрнинг кундалик амалий иш фаолияти тартибига репетиция жараёнини киритди. У ҳар бир созандани тайёргарлик кўриш жараёнига жиддий ёндашишга ва ўз партиясини яхши ўзлаштиришга ундади. С.Каримов чолғулар гуруҳи билан ишлаганда асосий эътиборни радио оркестри ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига амал қилган ҳолда товушнинг ифодавийлигига, динамик воситаларни ўз ўрнида ишлата олишига, зарблар аниқлигига жалб этарди. Унинг дирижёрлик санъати бўйича чуқур билимга эга эканлиги Ўзбекистон композиторларининг замонавий асарлари ва айниқса йирик шаклдаги асарларни ижро этишда яхши натижаларга эришишига ёрдам берди.

Сўнги йилларда оркестрнинг репертуарида Ф.Алимовнинг «Поэма»си, Т.Қурбоновнинг «Поэма»си ва «Афғонча поэма»си, М.Бафоевнинг Қашқар рубоби ва оркестр учун «Поэма»си, М.Юсуповнинг «Концерт-рапсодия»си, Н.Ғиёсовнинг «Концерт» каби йирик шаклдаги асарлар муҳим ўрин эгаллай бошлади.

Ф.Алимовнинг оркестр учун 1986 йили ёзган «Поэма»сида ҳар бир чолғунинг ижрочилик имкониятлари ва ўзгача тембрлари ёрқин ифодаланган. Уларнинг биргаликдаги ижросида эса куй оҳангининг янада бойиганлиги яққол намоён бўлади. Поэма афғон рубоби ижросидаги ёқимли ва нозик мавзу билан бошланади. Унга қарама-қарши равишда бутун оркестр *tutti* бўлиб, *fff* нюансида шиддатли куч билан жавоб беради.

Adagio

Қашқар рубоб

Афғон рубоб

Дутор альт

Дутор бас

*mp* *ff* *ff* *ff*

Асар ўзининг янги регистрлардаги тембр қўшилишлари билан ҳам тингловчини ўзига жалб этади. Муסיқанинг лирик характери очиб беришда турли ижрочилик услублари ва овоз таратиш воситалари унумли қўлланилади. Масалан,

инглиз рожогининг дастлаб ғижжак альт, кейин эса афғон рубоблари билан ҳамоҳанг садоланиши асарга ўзгача жило бағишлайди.

Ф.Алимов «Поэма»си оҳанг тузилмаларининг ижроси нуқтаи назаридан анчагина мураккаб бўлган полифоник фактурали асардир. Маълумки, бир неча куй қурилмаларининг бир вақтда кетма-кет талқин этилиши ижрочилар учун муайян мураккабликни юзага келтиради. Масалан, гобой ва кларнетнинг юқорига қараб ҳаракати, айна пайтда эса қашқар ва афғон рубоблари ижросидаги қуйи йўналишли куй ҳамда ғижжак I-II ва ғижжак альтларнинг мураккаб ритмик усуллардан иборат мустақил куйни ижро этиши шулар жумласидандир.

Асарнинг 6-рақамида оркестр *tuttisci tremolo* воситасида мазмунга бой тембрни ҳосил қилиши керак. Турли зарб ва турли чўзимда дутор, танбур, дутор бас, дутор контрабаслар ва тўлиқ торли-камонли чолғуларнинг биргаликда *tutti* бўлиб *ff* нюансида глиссандони ижро этиши (7-рақам) дирижёрнинг асосий эътиборини ўзига жалб этади. Шунини таъкидлаш керакки, оркестр айнан шу асарда мавжуд бўлган барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, партитурада жуда кўп учрайдиган овознинг динамик жиҳатдан кескин пасайишини моҳирона ижро этиши орқали ўз маҳоратини намойиш этади.

Тўлқин Қурбоновнинг 1988 йили радио оркестри учун ёзган мазмун жиҳатдан романтик

йўналишга эга бўлган «Поэма»си жамоа ижрочилик маҳоратининг ўсишига катта ёрдам берди. Бу асарда муаллиф турли чолғуларда унисон ижрони қўллаган, оркестр гуруҳларининг бой тембрларини ва усул жиҳатдан ривожланишини намоён этган. У ўз асарида турли тембрларни муваффақият билан уйғунлаштиради. Т.Қурбонов 1-рақамда чанг, қашқар ва афғон рубоблар тембрларини, бошқа ҳар хил куй тизимларини ва хилма-хил усулларни бирлаштирган ҳолда оригинал, махсус тембрлар ҳосил қилади. Марш характерида ёзилган қисмида (5-рақам) ижрочилардан аниқ ҳаракат ва айниқса чанг, дамли чолғулар, ғижжак I-II лар ижросининг бўрттириб кўрсатилиши талаб қилинади. Марш характеридаги мавзунинг торли-камонли чолғулар гуруҳида *staccato* усулидаги унисон ижроси улардан бир нафасда, усулни сезган ҳолда тараннум этилишини талаб қилади.

Чолғуларнинг алоҳида тембрини бўрттириб кўрсатиш ҳолатлари Т.Қурбонов ижодига хос хусусиятлардандир. Таҳлил қилинган асаримизда якка ижролар асосан най, сато ва ғижжак чолғуларига тақсимланган. Поэмани юксак бадиий савияда ижро этиш учун дирижёрдан яккана-возлар ижросига ўз вақтида аниқ кўрсатиш, товуш мувозанатини сақлай билиш ҳамда асосий мавзунини ёрқин ифодалаш талаб қилинади.

Шу жамоа учун махсус ёзилган асарлардан яна бири – Қахрамон Комиловнинг «Бир сиқим туп-

роқ» номли поэмасидир. Ватан ва тарихий обидалар мадҳ этилган бу асар 1989 йили овоз, бадиий ўқиш ва халқ чолғулари оркестри учун ёзилган. Қўшиқни хонанда Турсунбой Парпиев куйлайди (шеър муаллифи Зоҳиджон Обидов). Бадиий ўқиш Убай Бурхон томонидан амалга оширилган. Асарнинг яратилиш тарихи қуйидагича бўлган. З.Обидов бир неча шоирлар билан чет элга, аниқроғи Саудия Арабистонига ижодий сафарга боради. У ерда уларни жуда яхши қарши оладилар. Борган барча шоирлар ва улар қаторида З.Обидов ҳам бир қанча асарлари ва ўз китобларини мезбонларга тақдим этадилар. Лекин қачонлардир Арабистонга бориб қолиб, ўша ерда яшаб келаётган ўзбеклар юртдошларимизга қараб: «Шунча кўп асарлар, китоблар олиб келибсизлару, лекин бир сиқим тупроқ олиб келмабсизларда», - дейишибди. Уларнинг бу гапи шоир З.Обидовга қаттиқ таъсир қилади ва у сафардан олган таассуротлари асосида бир шеър ёзади, аммо уни ҳеч кимга кўрсатмайди. Бир куни мен З.Обидовга: «Чиройли бир шеър ёзиб беринг деб мурожаат қилган эдим, - дейди Қ.Комилов, - улар менга бир шеърим бор, ўқиб кўринг, агар маъқул бўлса асарга мусиқа яратасиз», - дедилар. Бу шеър менга жуда ёқди ва басталайдиган асаримнинг номини «Бир сиқим тупроқ» деб атадим<sup>22</sup>.

---

<sup>22</sup>. Муаллифнинг Қ.Комилов билан 2007 йил 12 майда бўлган суҳбатидан ёзиб олинган.

Асар чанг I-II, ғижжак бас ва ғижжак контрабаслар ижросида бошланади. Асарнинг бошланишидаги олти тактда Қ.Комилов чангда аккордларни енгил арпеджио усулида чалиниши орқали ерга тупроқ сепилишини ифодалайди. Шундан сўнг уд чолғусида садолана бошлаган куй мавзуси асосида бадиий сўз устаси қуйидаги мисраларни ўқийди:

Жондан азиз менга она тупроғим,  
Удир мунис ҳамроҳим.

Бахти-бахтим, дардим дерман дардини,  
Нондек кўзга сурай ҳар бир гардини.  
Сафар чоғи бир сир ўтди сўйлайин,  
Мен бу ҳақда тингланг қисса сўйлайин.  
Бир шум тупроқ сўрашини қўймади,  
Мисқолни ҳам бермоққа кўз қиймади.  
Тингланг !

Партитурада IV- рақам остида белгиланган чанг I-II, торли-чертма гуруҳлар ва доиранинг нозик (PP) аккорд усуллари жўрнавозлигида хонанда қуйидаги сўзларни куйлай бошлайди:

Бир кафтгина ҳовучлаган тупроқ турар қўлимда,  
Гўё шунда яшнаган боғ пайдо бўлар йўлимда.  
Тўйдим бирдан олис элда юртим эрка сабосин,  
Сархуш этгай булбулларнинг субҳидамли навоси.  
Бу шундайин хикматларга тўлиқ азиз тупроғим,  
Гардини ҳам беролмайман кўринар юрт қиёси.

Шу тариқа қўшиқ ривожланиб, партитура ҳам қуюқлашиб боради. V- рақамдан бошлаб кларнет



ва ғижжак альт асарнинг асосий мавзусини қуйи пардаларда лирик усулда ижро этади. Бу чолғуларнинг биргаликдаги ижроси ҳам ўзига хос тембрни ҳосил қилади. Натижада куй янада сержило янграйди. VIII - рақамга келиб эса флейта, гобой, қўшнаё ва биринчи ғижжаклар муштараклигида асарга янги буёқлар жозибаси бағишланади. Шу асосда хонанданинг овоз таровати йўғирилган қуйидаги қўшиқ куйлана бошлайди:

Ушбу тупроқ Бухоронинг қучоғидан келганми?  
Ё Регистон майдонининг куйидан тўкилганми?  
Ё Хиванинг товус жамол минораси ёнидан,  
Ё Наманган қизларининг ўтган ҳиёбонидан.  
Шу тупроқда Фарғонамининг ўктамлиги кўринур,  
Қатраси ҳам куйга содиқ халқимнинг ота мероси.

XI - рақамдан бошлаб асосий куй мавзуи оркестрнинг барча гуруҳларини қамраган ҳолда баробар янграйди:

Форобийдан Улуғбекдан будир табаррук мерос,  
Алишербек Фурқатларни сайратган қутлуғ мерос.  
Виждон каби мусаффордир фаҳри зеҳним  
тутмишдир,  
Шу тупроқнинг ҳар мисқоли тафаккурнинг зиёси.

XIV - рақамдан асар динамика ва фактура жиҳатдан қуюқлашиб, XVI - рақамда бутун оркестрнинг *tutti* (*ff*) ижросига эришади. Бу асарнинг авж қисмидир. Ушбу қисмда оркестр воситасида бир қатор вазифалар бажарилади. XIX-рақамда хонан-

данинг тугаллов-каденцияси бошланади. Ундан кейин навбат қонун чолғусига берилади. Сўнгра яна хонанда ўз каденциясини қуйидаги сўзлар билан бошлайди:

«Қулоғимни тутиб турсам отларнинг дукури келар», сўзларидан эътиборан литавраларда от дукурлаганини ифодаловчи усул ҳам чалина бошлайди. XXIV - рақамда дутор бас ва дутор контрабаслар мардонавор характерга эга бўлган тўрт тактли усулни ижро этадилар. Бу усул кейин урма чолғулар гуруҳида ривожланади ҳамда XXV - рақамгача тўрт чорак ўлчовидан 12/8 ўлчовига ўтади. XXV - рақам эса асарнинг авж қисмига тўғри келади ва бунда бутун оркестр *tutti* бўлиб бир (асосий) мавзун ижро этади. Шу тариқа оркестр тантанавор руҳда асарни якунлайди.

Хуллас, шоир ва композитор бу асарда Ватанизмнинг ҳаттоки бир ҳовуч тупроғи нақадар азизлигини, уни ҳеч кимга беришга кўзи қиймаганлигини ва у бизга улуғ бобокалонларимиздан ота мерос эканлигини мардларча ифодалайди.

Ушбу даврда Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги жамоа асосий мақсади бўлган юқори савиядаги ижрочилик маҳоратига эришиш учун бутун куч-қувватини сарф этади. Оркестрнинг бадий раҳбари ва бош дирижёри айрим чолғулар ва улар гуруҳларининг тембр сифатларини яхшилаш, ижро маҳоратларини такомиллаштириш имкониятларини астойдил қидиради. Айни пайтда, оркестр жуда яхши ижодий савияда

эди. Бунга Ҳ.Жўраевнинг «Поэма-рапсодия», М.Бафоевнинг Қашқар рубоби ва оркестр учун «Поэма» ва «Концерт», Ф.Алимов «Поэма» ва Т.Қурбоновнинг «Поэма» каби турли жанрдаги асарларининг муваффақиятли ижро этилиши далолатдир.

Жамоа телевидение ва радио орқали концертлар, радио фонди учун магнит тасмаларига ёзувлар, ижодий оқшомлар, юбилей концертлари, танловларда иштирок этиш каби турли шаклдаги анжуманларда етарли даражада серқирра ижодий фаолият олиб бориш билан бирга завод, фабрика, колхоз, ўқув юртлари ва ташкилотларда томошабинлар билан учрашувлар ўтказди. Шу тариқа охириги йилларда телерадио қошидаги оркестр иш жараёнида студиядан ташқарида ҳам ўтказган концерт дастурлари билан яққол намоён бўлди. Халқ чолғулари оркестрининг овози нафақат радио, балки телевидение орқали ҳам мунтазам тарала бошлайди. Шу мақсадда телекўрсатувларнинг янги шакллари, яъни мавзули кўрсатувлар устида изланишлар олиб борилди. Зеро, оркестр нафақат ижрочи, балки кенг қамровли телетомошабинларнинг ўзига хос суҳбатдоши ҳам бўлмоғи зарур эди.

Катта ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган оркестр жамоаси ижодий етуклик даражасига эришди. Эндиликда оркестр репертуаридан чолғу мусиқасининг кичик миниатюрасидан тортиб, то йирик шаклдаги композиторлик ижодиётининг

турли шакл ва жанрларига хос бўлган асарлари жой олди. Д.Зокиров номидаги оркестр танлаган йўл тўғри ва ҳаққоний эканлиги унинг бадиий сермахсул ижоди орқали ҳам ўз аксини топган эди. Жамоа яна бир бор ўз фаолиятини давом эттириш ҳуқуқига эга эканлигини исботлади ва ўзбек мусиқа маданиятининг ажралмас қисмига айланди. Шунингдек, телевидение ва радио орқали концерт дастурларини намойиш этиш, радио ва телевидение «олтин фонди»га асарлар ёзиш, Ўзбекистон композиторларининг янги асарларини ижро этиш, гастрол концертлари, абонемент концертлари, янги концерт мавсумининг очилиши, давлат миқёсидаги катта-катта тадбир ва тақдимотларда иштирок этиши билан ўзининг серқирра мусиқий ижрочилик амалиётини намоён этди.

Катта тажриба мактабига эга бўлган оркестр жамоаси жадал суръатлар билан ривожланди. Табиийки, азалдан якканавозлик ва ансамбль ижрочилигида қўлланиб келинган ижро услубларини замонавий оркестр ижрочилигига тўғридан-тўғри кўчириш ғайритабиийдир. Шу боис ҳам халқ чолғулари оркестри ўз ижро услубини ижодий ёндошув асосида ривожлантириш ва такомиллаштиришга тинимсиз интилди. Қолаверса, Ўзбекистон композиторларининг айнан шу жамоа учун ёзган махсус асарларида оркестрнинг турли имкониятлари ва мусиқанинг миллийлиги чуқур ифода этилган.

Оркестр ўзининг бошланғич даврида қайта ишланган ўзбек халқ куйлари, Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари ва кичик шаклдаги асарларни ижро этган бўлса, кейинги давр, яъни 1970-80-йилларда эса йирик шаклда ва турли жанрда ёзилган мусиқий асарларни муваффақият билан ижро этиш савиясига эришди. Шу йиллар давомида жамоа сермахсул ва самарали фаолият кўрсатди. Жамоанинг босиб ўтган муваффақиятли ижодий фаолият йўлини қуйидаги уч йўналишга бўлиш мумкин:

1. Мукаммал асарларни радионинг олтин фондига ёзиш (150 дақиқа 1 йилда)

2. Ижодий фаолиятини телевидение орқали кенг тингловчилар оммасига намойиш этиш (40 дақиқадан 15 та кўрсатув бир йилда).

3. Ижодий учрашувлар, юбилей концертлари, конкурсларда иштирок этиш, завод, фабрика ва турли ташкилот ҳамда ўқув юртларидаги тадбирларда қатнашиш, очиқ концертлар (7 та - йил давомида)<sup>23</sup>.

Охирги йилларда оркестр нафақат студиялардаги микрофон олдида, балки катта сахналарда, кўп сонли тингловчи ва мухлислар давра-сида ҳам фаолият кўрсатишга эришди. Бу ўринда эса биз оркестрнинг жонли ижро орқали композитор асари ғоясини қай даражада ёрита олишини кузатишимиз мумкин. Ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридан бошлаб оркестрнинг ижодий

---

<sup>23</sup>. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидан, 1989 йил.

фаолият доираси анча кенгайди. Жамоанинг бадий раҳбар ва дирижёрлари халқ чолғулари оркестри репертуарини ранг-баранг асарлар билан бойитишга ва ижрочилик санъатини юқори поғоналарга кўтарилишига ёрдам бердилар. Оркестрда ижро этувчи замонавий созанда фақатгина ўз чолғусини пухта эгаллаб, партиясини яхши билиш билан чегараланмай, балки асар ғоясини тушуниши ва ижро этилаётган муסיқани тингловчиларга етказа олиш маҳоратига эга бўлиши лозим эди. Буларнинг барчаси пировардида асарнинг бадий ғояси ва мазмунини тўла ёритиб беришга йўналтирилгандир.


1989 йил оркестр тарихида унутилмас сана бўлиб қолди. Чунки шу йилнинг 16 январиди жамоага ушбу оркестрнинг ташкил этилиши ва ривожланишида ўзининг улкан ҳиссасини қўшган санъаткор Ўзбекистон халқ артисти Дони Зокиров номи берилди<sup>24</sup>. Шу билан бирга жамоанинг икки созандаси ва бастакори – Ҳалимжон Жўраев ва Қобул Усмоновлар ҳам «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлдилар. Давлатимиз томонидан кўрсатилган бу эътибор уларни янада сермахсул ижод қилишга ундади.

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 21-сонли Қарори (16.01.1989).



Дони Зокиров номидаги Давлат халқ чолғулари оркестри.  
Дирижёр Д.Зокиров, яккахон К.Исмоилова.



## И К К И Н Ч И Қ И С М

### ОРКЕСТР – МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

§ 1. Янги изланишлар даври

§ 2. Оркестрнинг 2000-йиллардаги  
фаолияти

## § 1. ЯНГИ ИЗЛАНИШЛАР ДАВРИ

Ўзбекистон композиторларининг 1990-йилларда яратган аксарият асарларида маънавий тикланиш ғояси илгари сурилган эди. Шу боис ҳам бу асарларда кўпроқ ўтмиш манбаларига, халқ қаҳрамонларига мурожаатлар, Ватанга бўлган муҳаббат каби мавзуларнинг устиворлиги кузатилади. Бу жараён М.Бафоев, Т.Қурбонов, Ф.Алимов, Қ.Комилов каби композиторларнинг асарларида ўз ифодасини топганлигини эътироф этиш лозим. Ўз навбатида, бундай уринишлар муסיқа ижодиётида янги шакл ва жанрларни юзага келтирди.

Янги шакл ва жанрлардаги асарлар эса, табиийки, ижрочилик санъати олдига янги вазифа ва мақсадларни қўяди. Олдинги асарларда оркестрнинг тўла ижроси кўпроқ қўлланилган бўлса, сўнгги пайтларда композиторлар оркестрдан унумли фойдаланиб, аниқ мақсад сари турли гуруҳларни қўллайдилар. Аниқроғи, янги мавзу, янги тембр ва янги ижровий услубларни кенг жорий этмоқдалар. Халқ чолғулари оркестрининг хор жамоаси билан ҳамкорлиги ҳам янги тембр ва янги бўёқларни кашф этилишига сабаб бўлди. Хорнинг халқ чолғулари оркестрида турли кўринишда (асосий ёки жўрнавоз ва «фон» сифатида) ишлатилиши эса бетакрор, сержило оҳанглар ва тембрларни таратади. Композиторларнинг замонавий асарларида импрессионизм анъаналарига таяниш тамойили ҳам яққол сезилиб туради. Чун-



ки рамзий маъно касб этувчи турли ладлар, ранг-баранг бўёқлар уйғунлиги оркестр ижросида беҳисоб замонавий жозибалар мужассам бўлишига ва янгидан янги ижрочилик имкониятлари келиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Бинобарин, 1990-йиллар Ўзбекистон композиторлик ижодиётини турли санъат ва жанрларнинг ўзаро уйғунлашуви устивор бўлган давр сифатида эътироф этиш мумкин. Бунга М.Бафоевнинг «Нодира» телебалети ва «Бухорои-Шариф» телеопераси ҳамда Қ.Комиловнинг «Озод Ватан» ораторияси мисол бўла олади. Оратория жанрига муурожаат қилиш 90-йилларда табиий ҳолга айланган бўлса, телебалет ва телеопера жанрларининг юзага келиши халқ чолғулари оркестри ижрочилиги тарихида янгиликдир. Телеопера ва телебалет орқали оркестр драматик функцияларни бажаришга ҳам жалб этилди. Шу билан бирга эпик шаклдаги қаҳрамонларни ҳам таърифлаб берди.

Бундай асарлар халқ чолғулари оркестрида азалдан муаммо бўлиб келган репертуар масаласини маълум даражада ҳал қилишга, қолаверса, оркестр ижролигини кенг оммалаштиришга ҳам кўмак берди, десак муболаға бўлмайди. «Нодира» телебалети, «Бухорои-Шариф» телеопераси, «Бир сиқим тупроқ» поэмаси ва «Озод Ватан» ораториялари оркестр ижросига хос гўзал анъаналарни ўзида мужассам этган, миллий руҳ билан йуғирилган ёқимли тараннумга эга асарлардир.

Бунинг натижасида оркестр ижросида бир қанча янги йўналишлар вужудга келди. Буни икки асосий йўналишга бўлишимиз мумкин. Биринчи йўналиш Европа санъатида қарор топган жанр ва шаклларнинг миллий мавзулар билан уйғунлашувида, иккинчиси эса ҳар хил ижро йўлидаги бадийий жамоаларнинг биргаликдаги ижросида кузатилади. Биринчи йўналишга, масалан, М.Бафоевнинг «Бухорои-Шариф» телеопераси, «Нодира» телебалети, Қ.Комиловнинг «Озод Ватан» ораторияси каби асарларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бошқа бир (иккинчи) йўналишга хос хусусиятларни М.Бафоевнинг «Ҳажнома» ораториясида кўрамиз. Чунки бу асарнинг II ва IV қисмларида симфоник оркестр таркибида ўзбек халқ чолғулари ансамбли ва яқка ҳолдаги миллий чолғуларнинг қўлланилишини кузатиш мумкин.

Шунингдек, М.Бафоевнинг Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Буюк ипак йўли» шоу мусиқали асарида ҳам симфоник оркестр билан бирга чанг-қовуз, уд, қонун, най, ноғора, дойра каби ўзбек халқ чолғуларининг ишлатилишини, «Бухорои-Шариф» телеоперасида эса ўзбек халқ чолғулари оркестри таркибига фортепиано чолғусининг киритилишини, Қ.Комиловнинг беш қисмли «Озод Ватан» ораториясида ўзбек халқ чолғулари оркестри симфоник оркестрнинг камонли чолғулар гуруҳи ва хор жамоаси билан ҳамжиҳат бўлишини кўра-

миз. Қолаверса, оркестр жамоалари театрлаштирилган оммавий сахналарда ҳам иштирок этмоқдалар. Ана шундай асарларни яратаётган ва уларни кенг халқ оммасига етказиб беришда оркестр билан фаол иш олиб бораётган ижодкорлардан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, А.Қодирий номидаги Давлат мукофотининг совриндори М.Бафоевдир.

Замон руҳи билан ҳамнафас қадам ташлаётган, ўз ижоди билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган композитор М.Бафоевнинг ижоди охириги йилларда жуда сермахсул бўлди. Мустақиллик унинг ижодига эркинлик берди, она заминига ва буюк даҳоларга бўлган муҳаббати янада ортди. Шу йиллар мобайнида яратган қатор асарлари бунга яққол мисол бўла олади. М.Бафоев табиатан адабиётга ва тарихга қизиқувчи инсондир. У ўқиган бадий асарларидан ўзининг композиторлик ижоди учун янги мавзулар қидириб топади ва тарихий қаҳрамонлар образини мусиқа орқали мадҳ этишга интилади. Бу эса ўз навбатида унинг мусиқий асарларини янги ва хилма-хил мавзулар билан бойишига ёрдам беради. Бунда айниқса болалигидан қалбига сингиб кетган «Шашмақом» ва Бухоро мусиқа фолькори М.Бафоевнинг миллий руҳни ифода этишига катта ёрдам беради. Шу сабабли у қайси жанрда ижод этмасин (у хоҳ опера бўладими, хоҳ балет, оратория ёки симфониями) асосий мусиқий манба сифатида «Шашмақом» парда асослари ёки Бухоро фольклорига

мурожаат этади. Шунинг учун бўлса керак, унинг ўзига хос ва такрорланмас ижод услуби бошқа композиторлар асарларидан ажралиб туради.

Муסיқа ижодиётига хос жанрларнинг барчасида М.Бафоев қалам тебратган, десак муболаға бўлмайди. У қайси жанрда ижод қилмасин, асарнинг катта-кичиклигидан қатъий назар, асосий эътиборини унинг шаклига эмас, балки мазмунига жалб этади. Шу боис ҳам унинг асарларини тинглаганда, дарҳол миллийлик руҳи сезилиб туради. М.Бафоев ўз бастакорлик маҳорати билан европача шаклларни Шарқона мазмун билан узвий боғлайди, яъни европача маданиятни Шарқ маданияти билан чамбарчас боғлаш натижасида ажойиб асарлар яратилиши мумкинлигини ўз ижоди орқали исботлайди. Изчил изланувчан ва серқирра ижодкор М.Бафоев Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси қошидаги Д.Зокиров номли бадий жамоага раҳбарлик қилганлиги сабабли унинг асарлари айнан шу оркестр хусусиятига мосдир. Ўз навбатида оркестр жамоаси ҳам композитор асарларини мунтазам равишда ижро этиб келган.

Ҳозирги кунда оркестрларга бўлган эътибор ортиб бораётганлиги, уларнинг репертуарларида миллий руҳдаги асарлар салмоғига катта аҳамият берилаётгани сир эмас. Ватан, тарихий воқеалар, тарихий қаҳрамонлар, буюк шахслар ва тарихий обидаларни мадҳ этувчи қатор асарларнинг яратилиши шулар жумласидандир. Мана шундай

асарлардан бири М.Бафоевнинг бир пардали «Нодира» телебалетидир. Тарихий шахсларни мадҳ этувчи ушбу асар Юлдуз Исмадова либреттоси асосида 1992 йилда ёзилган. Асар мазмуни қуйидагича:

*Умархон саройида шоира Увайсий яшайди. У саройдаги канизакларга, яъни қизларга шеър ёзишни, ўқишни катталар билан муомала қилишни ўргатади. Улар ичида Нодира деган қиз шоҳ Умархонни севиб қолади ва истиробда яшайди. У шеърлар ёзиб шоҳ ҳузурига киради. Шоҳ уни бир, икки, уч марта қайтаради. Менинг шеърларим унга ёқмас экан, мен шоира бўла олмайман деб куйинади. Устози Увайсий унга далда беради ва ўз маслаҳатлари билан куч бағишлайди. Нодира яна илҳомланиб шеър ёзади ва ниҳоят Умархонга унинг шеърлари ёқиб қолади. У Нодирага нисбатан мулойим бўлади. Хуллас, улар икковлари тил топишади ва ниҳоят уларнинг тўйлари бўлади. Тўйдан кейин эса Нодира иродали мардоновор характерда бўлади. Шоҳ эса олдинги шахдидан пасайган, лекин Нодирага ҳурмат ила муомалада бўлади. Нодира бирдан олдинги даврини эслайди ва асар бошида янграган лирик мавзу билан телебалет якунланади.*

Асар кириш қисми билан бошланади. Бунда «Чўли Ироқ» мумтоз куйини ёдга солувчи Нодира мавзуси оркестр ижросида янграйди. Кларнет, чанг I-II, қашқар ва афғон рубоблари, дутор бас, дутор контрабас ҳамда камонли чолғулар гуруҳи томонидан уйғун унисон тарзида садоланувчи бу

мавзуда Нодиранинг ички ҳиссиёт ва қайғулари билан бирга ҳукмдорлик туйғулари ҳам ўз ифодасини топган. Най чолғусида нозик ва лирик оҳангларда ифодаланган Нодира мавзуси (I-рақам) кейинги ривожидавомида (II-рақам) флейта ижросида ля-мажор тоналлигида давом этади. Якунида эса қонун *glissandos*и ва чанг *pizzicat*оси воситасида хотима топади.

**Moderato**

The musical score is written for a chamber ensemble. It begins with a **Moderato** tempo marking. The first system includes five staves: Clarinet (Кларнет), Changan I (Чанг I), Changan II (Чанг II), Kashkar rubab (Қашқар рубоб), and Afyon rubab (Афгон рубоб). The second system includes five staves: Clarinet (Кл.), Changan I (Чанг I), Changan II (Чанг II), K-rubab (К-руб.), and A-rubab (А-руб.). The score is in 4/4 time and features a key signature of one sharp (F#). Dynamics range from *f* (forte) to *p* (piano). The piece concludes with a *glissando* effect on the clarinet and a *pizzicato* effect on the changan instruments.

«Юзинг фаррух» – сен гўзалсан деган маънони англатади. Бу сўз ҳам эркак, ҳам аёлларга нисба-

тан бирдек қўлланилади. Куй 3/8, 2/4 ўлчовида ёзилган бўлиб, бу ҳол эса сарой нафасини англа-тади. Саройда яшовчиларнинг улуғлиги, Нодира ва Умархоннинг чиройи куйланади. Асарда ишлатилган шеърларнинг барчаси Нодира қаламига мансубдир. Бу ҳам севги мавзуси бўлиб, унда Нодиранинг шоҳга бўлган муҳаббати, унинг саройдаги ҳаёти ифодаланади. Дамли чолғулардан ташқари барча гуруҳлар тўрт такт усул беради. Сўнгра I-рақамда бутун оркестрда сарой мавзуси янграйди. II-рақамда уларнинг бир-бирига бўлган севгиси аёл ва эркекларнинг аралаш хори орқали куйланади. Қаҳрамонлар бир саройда яшаганлари боис бўлса керак, куй оҳанглари ҳам бир хил танланган.

Аёллар: Юзинг фаррух жамолинг руҳ аф-зо

Эркеклар: Хатинг хизру лаби лаълинг маъсиҳо

Аёллар: Мени девоналар қилди иштиёқинг

Эркеклар: Сочинг занжиридин бошимда савдо  
ва ҳоказо

Куй авжига чиққани сари муסיқа ҳам ривожланиб, шоҳ мавзусига шиддат билан ўтиш учун замин тайёрлайди. Шоҳ мавзуси бу Умархоннинг муסיқий образи бўлиб, мақомларга хос куй-пардаларини эслатади. Аслида эса, шоҳнинг ҳукмдорлигини ифодаловчи мардоновор бу муסיқий мавзу Мустафо Бафоевнинг муаллифлик ижод намунаси.

**Allegro moderato**

Гобой  
 Кўшнай  
 Кларнет

Гоб.  
 К-най  
 Кл.

«Марҳабо» – бу мавзу доиранинг икки тактли тантанавор усули билан бошланади. Бунда шоҳнинг Нодирани олдига кириб келиши акс эттирилган. Бу қисмда Умархон ва Нодиранинг бири-бирига бўлган муҳаббати куйланади. Шоҳнинг кириб келиши қуйдагича ифодаланади:

Аёл: Марҳабо эй пайки султон марҳабо  
 Худ худи мулки сулаймон марҳабо.

Эрк: Талъатининг фаррух муборак мақдалинг  
 Қилдик ул Бамни гулистон марҳабо.

Аёл: Хўп келдинг яхши келтирдинг ҳабар

Эрк: Айладинг дардимға дармон марҳабо

Аёл: Бўлди мафзун қоматингдин мунфаил

Эрк: Сарвинози боғи ризвон марҳабо.

Иккала «Марҳабо» ўртасида доира усули остида масҳарабозлар рақсга тушадилар. Раққоса қизлар уларга жўр бўладилар. Кейин шу «Марҳабо» мавзуси тез суръатда, усул жиҳатидан ўзгартирилган ҳолда чолғу йўлида янграйди. «Шеърларим



Умархонга ёқадими, йўқми», деб хавотирда турган Нодира мавзуси бошқа тоналликда ёзилган. Умархон Нодиранинг шеърларини ўқиб кўради ва маъқул топади. Сўнгра «Увайсий ва Нодира» мавзуси бошланади. Увайсий Нодирага шоҳнинг олдига қандай қилиб киришни ўргатади. VI-рақам халқ орасида машҳур «Галдир» асосида ижод этилган.

Соль минорга асосланган Нодира мавзуси – («Нодира қалб тугёни») – флейта, най, гобой, кларнет ва ғижжаклар жўрнавозлигида янграса, шоҳ мавзуси қўшнайн, чанг, қашқар ва афғон рубоблари ҳамда дутор бас ва дутор контрабасларда ўз ифодасини топади. Эътиборли томони шундаки, Нодира ва шоҳ мавзулари контрапункт асосида ривож топади. Бу мисолда М.Бафоев Нодиранинг Умархон ҳақида ўйлаётганини ифодалайди. Нодира мавзуси асарнинг бошида енгил ва нозик характерда ёзилган бўлса, охирида мардонавор янграйди. Куй полифония ва чолғулаштириш жиҳатидан ривожланган.

«Увайсий ва Нодира дуэти» қисмида Увайсий ва Нодира рақсга тушади. Увайсий мусиқада икки тактли усул орқали Нодирага куч бағишлайди. II - рақам Нодиранинг ёлғизлигини эслатади ва у бу ҳолни қуйдаги мисралар орқали баён қилади:

Бу шикаста кўнглим,  
 Қачонгача ғамга мубтало бўлади.  
 Ғам ғусса юкидан,  
 Умидим қомади қачонгача илади.  
 У гўзалнинг кипригидан  
 Беиҳтиёр отилган бир ўқ,  
 Мен томонга тушса  
 Хато кетган бўладими?

Хуллас, Увайсий Нодирага қанча қийинчиликлар дуч келишига қарамай, уларни енгиб ўтиб, мақсад сари интилишга ундайди. Сўнгра оркестр ижросида яна такрорий янграган «Шоҳ мавзуси» «Нодира ва Умархон» дуэтига уланиб кетади. Куй

нуқтаи назаридан ушбу дуэт бир мавзу-севги мавзуси асосида ривожланади. Шеърлар эса Нодира ижодидан олинган. Қуйида дуэтнинг шеърий матнда ифодаланган мазмуни келтирилади:

Умархон: Эй сарвиноз аччиқланиб кетма,  
Мен томонга кел.

Дилим доғлари гулдек очилди  
Бу чаман сайлига кел

Нодира: Қачонгача ҳажринг аччиқлиги билан,  
Ҳаёт кечираман.

У шакар лабларингдан,  
Бир бол тотмоқ учун кел.

Умархон: Ҳаёл ойнасига Сайқал бердим.

Эй кумуш танли гўзалим  
Интизорман кел.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, рақсга тушиб айтиладиган бу дуэтда лапарга хос «савол-жавоб» шаклидан ҳам унумли фойдаланилган. Бу ҳол оркестр чолғулари орасида ҳам ўзига хос акс этади - танбур, дутор бас ва ғижжак альт ижросида янграган «савол» оҳангига қонун ва флейта бир тактли куй орқали жавоб бериб туради.

«Нодира ва Умархон» дуэти «Юзинг фаррух» қисми билан образлар талқини нуқтаи назардан жуда ўхшашдир. Фарқи шундаки, «Юзинг фаррух» образи асосан вокал орқали, «Нодира ва Умархон» дуэти эса чолғулар орқали ифодаланган. Хуллас, бу қисмда барча муаммолар ҳал қилиниб, улар тўй тараддудига ҳозирлик кўришади.

«Ёр-ёр» қисми. Тўй ҳам бошланиб кетади. Қизлар ҳамда масхарабозлар рақсга тушмоқдалар. Тўй характерини ифодалаш учун карнай, сурнай ва уларга жавобан доира ва ноғораларнинг садолари янграйди. Сўнгра карнай, сурнай мавзусини бутун оркестр ижро этади, уларга доира ва ноғоралар ўз ижроси билан жавоб беради. «Ёр-ёр» мавзуси икки тактдан ривожланади. (6 рақам) IX - рақамнинг бешинчи тактидан шоҳ мавзуси тезлашган ҳолда ритмик ўзгаришлар билан бошланади. XIV-рақамда тўйни ифодаловчи карнай, сурнай ижросидаги «Ёр-ёр» мавзуси «Хотима»га ўтади. Бу ерда Нодира мавзуси бош ўрин тутаяди, хаттоки асарнинг энг бошида мардонавор янграган шоҳ мавзуси ҳам Нодира парда-оҳангига «бўйсинади». Композитор шу тарзда Нодира номини улуғлашга, унинг санъати нақадар буюк эканлигини ифодалашга интилади.

Д.Зокиров оркестри учун махсус яратилган асарлардан яна бири бу М.Бафоевнинг Хуршид Даврон либреттоси асосида ижод этган «Бухорои-Шариф» телеоперасидир. Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган мазкур асар икки дoston ва йигирма икки нақшни ўз ичига олади. Телеопера илк бор 1997 йили Бухоро шаҳрининг юбилейига бағишланган концертда лавҳалар тарзида ижро этилган. Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар телеканили» фондида шу асар асосида суратга олинган иккита видеофильм мавжуд. Лекин уларга фақат айрим нақшларгина киритилган, холос.

М.Бафоев халқ чолғулари оркестри учун биринчи бўлиб телеопера ва телебалет ёзган изланувчан ижодкордир. Унинг дoston жанрига хос бадий хусусиятлар билан ишланган «Бухорои-Шариф» телеопераси асосан концертларда ва видеофильмларда намойиш этилади.

Телеоперанинг бош қаҳрамони бахши бўлиб, у асарни бошлаб беради ҳамда бирин-кетин келган қисмларни бир-бири билан ўзаро боғлаб борувчи «кўприк» вазифасини бажаради. Биринчи дoston Бухоронинг тарихи, унинг тарихий обида ва ёдгорликларига бағишланган. Иккинчисида эса Бухорода ижод этган тарихий шахсларнинг ёрқин сиймолари мадҳ этилади.

Телеоперада дostonчи, бадий ўқиш устаси, оркестр, хор, яккахон хонанда ва созандалар иштирок этадилар. Партитура халқ чолғулари оркестрининг катта таркибига мўлжаллаб ёзилган. Оркестр оҳанглари янги буёқ ва ўзгача тембр билан бойитиш мақсадида фортепиано чолғуси киритилган. Шунингдек, у композитор тасаввур этган чолғуларнинг ўрнини ҳам тўлди ради. Ҳар бир хонанда эса маълум бир қаҳрамон ёки тарихий шахсни мадҳ этади ва кўз ўнгимизда ўша образ гавдаланади. Биринчи дoston – тўққизта, иккинчиси – ўн учта нақшдан иборат<sup>25</sup>.

---

<sup>25</sup>. Бу асар ҳақида А.Ташматованинг «Бухорои-Шариф» номли ўқув-услубий қўлланмасида батафсил маълумот берилган.

Қаҳрамон Комиловнинг «Озод Ватан» ораторияси 1999 йили шоир Муҳаммад Али сўзига ёзилган. Беш қисмдан иборат бўлган асар қуйидагича номланган: Биринчи қисм «Озод Ватан», иккинчи қисм «Отабек», учинчи қисм «Фитрат», тўртинчи қисм «Чўлпон қўшиғи» ва бешинчи қисм «Озод Ватан». Ораторияда халқ чолғулари оркестри, хор, яккахонлар, дуторчилар қизлар ансамбли ва эстрада симфоник оркестрининг камонли чолғулар гуруҳи иштирок этади.

**Биринчи қисмда** муаллиф Амир Темурнинг ҳарбий юришларини ифода этишга ҳаракат қилган. Бадиий сўз устаси Ватан ҳақида тушунча бериб, қуйидаги мисраларни ўқийди:

Ширин тушларимга кириб чиқади,  
Фатҳ этмоқчи бўлиб кўҳна дунёни.  
Қаршининг чўлига лашкар йиғади,  
Туркистон заминининг буюк ўғлони.  
Машвират, кенгашу тадбирлар бўлмиш,  
Давлат юмушининг тўққиз ҳиссаси,  
Фақат бир улуши қиличга қолмиш,  
Фақат бир улуши – уруш қиссаси.

Дейдилар: «Эй наслим! Ёлбор худоға,  
Мен ҳам тилайман ҳақдан илгингча мадад,  
Туркистон деб жонни этгил садаға,  
Йўқдир жон бермоқдан ортиқроқ шавкат».

Шу мисралар тугаши билан I - рақамда доира, ноғора ва литавраларда «Марш» мавзуси ижро

этилади. Бу мавзу орқали қўшинлар жангга киришади. Асарда муаллиф анъанавий ижрочилик услубидан кенг фойдаланган. Яъни, яккахонга оркестр фон бериб туриб, якунида бутун оркестр ижро этади.

«Жаҳондан от суриб ўтган Темурбек,  
Озодлик туғини тутган Темурбек,  
Миллатнинг қалбида туғён Темурбек,  
Меҳру муҳаббатдир арқонинг сенинг.

Хор эса 8-рақамда:

Туркистон султони бўлғонга салом,  
Қалби юрт ишқига тўлғонга салом,  
Ўғлонлар ичида ўғлонга салом,  
То абад янграгай достонинг сенинг.

дея халқ номидан қутлайди.

**Иккинчи қисмда** А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи қаҳрамони «Отабек» ҳақидадир. У Кумуш биби вафотидан сўнг, рус босқинчиларига қарши курашиш учун Туркистонга йўл олади. Шу ерда қўшин тўплаб, жангга отланади. Оркестрнинг бир тактли ижросидан кейин ғижжак альт ва ғижжак баслар лирик ва ғамгин куйни чала бошлайди. Куй садолари остида бадий сўз устаси ҳикоя қилади:

Тарих-боболарнинг бизга саломи,  
Адиб Қодирийнинг ўтли каломи,  
Адиб сўйладилар бизга ўтган кунлардан  
Армон бўлиб ўтиб кетган кунлардан,

Тарих-боболарнинг бизга саломи.  
Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек,  
Япроқ ёза бошлар юрагида эрк,  
Дейдилар ул: «Хур бўлсин қалб ила Ватан,  
Ё, Оллоҳ, не учун эрк йўллари берк? «  
Юсуфбек Ҳожининг ўғли Отабек.

Оркестрга хор ҳам «О» ҳанги билан қўшилиб,  
ўтли-сўронли кунларни эслатувчи руҳ бағишлай-  
ди. Сўнгра бутун оркестр отлар тугёнини эслатув-  
чи тўрт тактли куйни ижро этади. Бу билан муал-  
лиф жангга кираётган Отабек образини ифода  
этади.

Яккахон Отабек тилидан куйлайди:

Бугун қўлга қурол олдим,  
Озод Ватан шаъни деб,  
Топталмасин ҳур элимнинг,  
Яшнаган гулшани деб.  
Туркистоннинг боғларида  
Парвоз этса қузғунлар,  
Фуруримиз паймол этса  
Босқинчилар бўзғунлар.

Сўнгра миллий анъаналаримизга хос бўлган  
мисралар хор ва дуторчи қизлар дастаси ижро-  
сида янграйди:

Отабекка оқ йўл тиланг отажон,  
Отабекни дуо айланг онажон.

V - рақамга саккиз такт қолганда яна яккахон  
ижроси бошланади. Шу ерда хор билан яккахон



ўртасида олдин бир тактдан, кейин эса икки тактдан айтишув бошланади. Бу услуб, биринчидан, яккахонни қўллаб-қувватласа, иккинчидан асар мазмунини тўла ёритишга ёрдам беради.

**Учинчи қисм** «Фитрат» деб номланган. Бу қисмда муаллиф таниқли маърифатпарвар шоир Абдурауф Фитрат ҳаётини ифодалашга ҳаракат қилади. Фитрат Тошкентда қаҳрамонларча мустақиллик учун курашган шахслардан биридир. Унинг ниятлари амалга ошмаганлиги туфайли аламли исёнда ўтиб кетади. Қуйидаги фарёдли мисралар унинг орзулари рўёбга чиқмаганлигидан далолат беради:

Бағри пора Фитратман,  
Ох овора Фитратман,  
Юрт бахти деб бўзлаган  
Бахти қора Фитратман.

Асар ҳам ғамгин мавзу билан бошланади. Бадиий сўз устаси Фитрат ҳақида шундай дейди:

Абдурауф Фитратнинг,  
Ўчмас умрбод номи,  
Сўнмас танти ўғлонга,  
Асло халқ эҳтироми.  
Туркистон деб, Тўрон деб,  
Қалам сурган шоирим,  
Ўзи ўчишни билмас,  
Ўтга урган шоирим.  
Ёниш недир билмаган,  
Сендан сўрсин ёнишни,

Ушук еган Ватан деб,  
Куйишни, ўртанишни.

Тўрт тактли хор ижросидан сўнг, яккахон  
Г.Эрқулова куйлайди:

Зулматни ёритди юртнинг қайғуси,  
Туркистон шавкати, Турон туйғуси,  
Эй она Туркистон, эй она Турон,  
Ёвларга офат бўл бамисли бўрон.  
Арслонлар ўлкаси сенга не бўлди,  
Не учун юрагинг ҳасратга тўлди,  
Шаъни шукуҳ қани, кўркларинг қани,  
Жаҳонни титратган туркларинг қани?  
Бағри пора Фитратман  
Оҳ овора Фитратман,  
Юрт бахти деб бўзлаган,  
Бахти қора Фитратман.

сўзларидан сўнг хор жамоаси «О» ҳанги орқали  
Фитратнинг қайғу-аламлари, дардлари ва ҳис ҳая-  
жонини ифода этиб беради. Ва ниҳоят, бу қисм  
қуйидаги жумлалар билан якунланади:

Сендан айри тушмоқ, менга ўлимдир,  
Сенинг учун ўлмоқ, ёруғ йўлимдир,  
Сенинг учун ўлмоқ тириклик менга,  
Бағрингга бош қўймоқ, буюклик менга.

Бу асарда муаллиф Фитратнинг нақадар ўз юр-  
тига, ўз Ватанига садоқатли эканлигини, Ватан  
деб жон бериш унга ёруғ йўл эканлигини ифода-

лайди. Хор эса Фитратнинг ички туйғуларини ёритишга ёрдам беради.

**Тўртинчи қисм** – «Чўлпон қўшиғи»дир. Асар тез суръатда, мардонавор руҳда ёзилган. Чўлпон шеърлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда Муҳаммад Али уларни давом эттиради. Шоирнинг ўша даврда қилган орзу умидлари шу кунда амалга ошгани ўзбек халқининг бахтидир. Бу қисмда бутун оркестр иштирок этади. Дамли ва камонли чолғулар гуруҳида куй янграса, мизробли чолғулар уларга жавобан усулни ижро этади. Шу тариқа тўрт тактдан кейин бадий сўз устаси шундай дейди:

Юлдузинг фалакда порлайди чўлпон,  
Дилларни кўкларга чорлайди чўлпон,  
Юлдуздай чақнаган ашъорингга йўл,  
Озод Ватан деган шиорингга йўл,

Нечоғлиқ улуғдир фарзанд хизмати,  
Туркистон ғамлари бўлди қисматинг,  
Юлдуздай чақнаган ашъорингга йўл,  
Озод Ватан деган шиорингга йўл !

Сўнгра куйни оркестр хор жўрлигида ижро этиб, асар мазмунини яккахонга етказиб беради. У эса қуйидаги мисралар ила куйлашни бошлайди.

Юрагимни айлайди қон, бузилган ўлка  
Нечун, нечун бошлар узра, қоп-қора кўлка?  
Ватан деса вужудимдан, ўтлар чиқадир,  
Нафасимдан оҳи сардлар, дудлар чиқадир.

Муҳаббат осмонида гўзал чўлпон эдим дўстлар,  
Ватан озодлигин кутган буюк армон эдим дўстлар.  
Боболардан бизга мерос, муқаддас юртим,  
Мен бахтимни фақат, фақат, бахтингда кўрдим.

Ҳур бўлмасанг, Она ватан, яшаб нетарман,  
Мен дунёга сен деб келиб, сен деб кетарман.  
Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим дўстлар,  
Ватан озодлигин кутган буюк армон эдим дўстлар.

Оркестр ва хор ҳар бир мисрадан олдин ва кейин уларни бир-бирига боғловчилик вазифасини бажаради. Муаллиф бу асарида Чўлпоннинг Ватанга бўлган садоқатини, Ватан учун жонини ҳам аямаслигини ифодалайди.

**Бешинчи қисм.** «Озод Ватан» асарнинг якуний қисмидир. Бу қисмни Қаҳрамон Комилов мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига бағишлаб ёзган. Асар тантанавор мажор тоналлигида ёзилган. Тўрт тактли доира ва ноғора усули ижросидан сўнг бутун оркестрда биргаликда *tutti* янграйди. Сўнгра сўз устасининг матни пайдо бўлади:

Замонлар ўтибди, сувлар оқибди,  
Озодлик деб ёнди не-не инсонлар,  
Истиқлол ўзбекка кулиб боқибди,  
Бугун яралибди боғу-бўстонлар.

Эй озод Ватаним шаънига шараф  
Кутлуғ қадамингга ҳасанот бўлсин,  
Дадил бур юзингни жаҳонга қараб,  
Душманлар йиғласин, дўстлар шод бўлсин.

Бу қисмда муаллиф аввалги қисмлардаги асосий мавзуларни мужассам этиб, уларни мажор талқинида кенг миқёсда мустақил Ўзбекистонни тараннум этган. Масалан, энг бошида байрамона, тантанавор руҳда Озод Ватан мавзуси берилган бўлса, I-рақамда (1-қисмдан) Амир Темур марши олинган, сўнгра II-рақамда «Фитрат» (3-қисмдан), III-рақамдан қўшнайда (2-қисмдан) Отабек мавзуси ижро этилади. IV-рақамда яна Амир Темурнинг ҳарбий марши янграйди. Бу мавзу орқали муаллиф қуйидаги мисраларни муסיқий жиҳатдан ифодалаб берган:

Дадил бур юзингни жаҳонга қараб,  
Душманлар йиғласин, дўстлар шод бўлсин.

Сўнгра VI-рақамга бир такт қолганда мадҳиясимон характерда хор куйлайди. Бу бешинчи қисмдаги асосий мавзу ҳисобланади, уни янада тантанавор бўлиши учун композитор фортепиано чолғусини ҳам қўшади. Хор қуйидаги мисраларни куйлайди ва асарга яқун ясалади.

Ассалом эй ҳур Ватан,  
Бағринг тўла нур Ватан,  
Фарзандларинг бахтига,  
Гул гул яшаб юр Ватан.

Авлодларга илҳомсан,  
Энг муқаддас каломсан,  
Эй озодлик, Истиқлол,  
Оллоҳ берган инъомсан.

Ўзбекистон иқболимиз,  
Иймонимиз, шонимиз.  
Томирларда ол қонимиз,  
Аҳд ила паймонимиз.

Сен борсангки, бизлар бор,  
Боболарнинг руҳи ёр,  
Келажаги буюк юрт,  
Бахтинг бўлсин барқарор.

Шаҳдам қадам ташланур,  
Думшан кўзи ёшланур,  
Озод Ватан қўйнида  
Янги ҳаёт бошланур!  
Озод Ватан, Озод Ватан, озод Ватан.

Бу қисм асарнинг авжи ҳам ҳисобланади. Озодлик ва фаровонлик мавзулари мажор тоналлигида, ёрқин руҳда берилган. Оратория баланд ноталарда *fff* динамикасида тугайди.

Қаҳрамон Комилов ўзининг «Озод Ватан» номли «Оратория»сида Амир Темур, Абдулла Қодирий, Фитрат ва Чўлпон каби буюк аждодларимизнинг ўз Ватанига бўлган чексиз муҳаббат ва садоқатини тараннум этган. Шу билан бирга, муаллиф Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳар жабҳада қўлга киритган ютуқларини, янги фаровон ҳаёт ва келажагимиз буюклигини бетакрор оҳанглар орқали ифода этган.

## § 2. ОРКЕСТРНИНГ 2000-ЙИЛЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ

2000-йилларнинг бошида Ўзбекистон телерадиокомпанияси Бадийий жамоалар дирекцияси қошидаги Дони Зокиров номли Давлат халқ чолғулари оркестри янги ижодий довон сари интилаётган жамоа сифатида намоён бўлади. Бу даврда Ботир Расулов, Жўра Ортиқов, Дилшод Муталов каби бир қатор дирижёрлар оркестр фаолиятини давом эттириш учун кўмаклашдилар. Улар ўз иш тажрибалари, дирижёрлик техникаси, оркестрни бошқариш малакаси ва ҳар бири ўзига хос ижро талқинлари билан созандалар ижро маҳоратини ошириш ҳамда уларнинг дунёқарашини бойитишга ёрдам бердилар. Ижрочилар ҳам ўз навбатида мусиқий асарлар мазмунини тўлақонли ёритишга астойдил интилдилар.

2002 йили мазкур оркестр бадийий раҳбари ва бош дирижёри лавозимига моҳир созанда, маҳоратли ва малакали дирижёр Ҳикмат Ражабов таклиф этилди. Олтмиш беш кишидан иборат созандалар жамоаси уни илиқ кутиб олди. У ҳам созандалар билан дўстона муносабатда ўз фаолиятини бошлади. Биринчи галда оркестрнинг жонқуяр ижодкорлари – Д.Зокиров, М.Бафоев, Ф.Алимов, Ҳ.Раҳимов каби композиторларнинг партитураларини синчковлик билан ўрганиб чиққан бош дирижёр ўзидан олдинги устозларининг ижодий фаолиятини муносиб давом эттиришга киришади. Хусусан, жамоа билан Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг

«Олтин фонди» учун асарлар ижро этиб, уни магнит тасмасига муҳрлайди, тез-тез телевидение ва радио орқали чиқишлар қилиб, халқ олқишига сазовор бўлади.

Жамоадаги ўзаро ҳамкорлик, аҳиллик ва ижодий муҳитнинг барқарорлиги боис у ҳам аввалги раҳбарлар, яъни Д.Зокиров ва М.Бафоевлар сингари халқ чолғулари оркестри, ҳамда унинг жўрнавозлигида яккахон ва якканавозлар учун мавжуд репертуарни ижро этибгина қолмай, балки жамоа репертуарини янги асарлар ҳисобига бойитиш мақсадида юздан ортиқ асарлар ёзади. Уларни жамоа билан биргаликда ўрганади ва концерт дастурларига жорий этади. Шу тарзда Ўзбекистоннинг таниқли санъат аҳли билан ижод қилиш бахтига сазовор бўлади. «Бундай муҳит ва кадрдон жамоа билан ишлаш мени ҳамон янги-янги асарлар устида илҳом билан ишлашимга қўл-қанот бўлмоқда. Бу мен учун умр бўйи излаган ва соғинган ижодий муҳит, десам муболаға бўлмайди»<sup>26</sup>, - дейди Ҳ.Ражабов.

Ҳикмат Ражабов ўз дирижёрлик маҳоратини Дони Зокиров номидаги Давлат халқ чолғулари оркестрининг ижодий фаолияти бўйича ҳар йили Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта концерт залида ўтказиладиган ҳисобот концертларида намоён этди. Бадиий жамоа ўзининг «Истиқлол», «Туркистон» санъат саройларидаги концерт чиқишлари билан халқимиз қалбидан чуқур жой эгаллади. «Наврўз», «Мустақиллик» ва Конституция куни байрамлари ва давлат миқёсида ўтказиладиган турли тадбирларда, жумладан, «Шарқ тарона-

---

<sup>26</sup> Муаллифнинг Ҳ.Ражабов билан 2013 йил 22 октябрда бўлган суҳбатидан ёзиб олинган .



лари» Халқаро муסיқа фестивалларида фаол иштирок этиб, муסיқали ёзувлар орқали қатнашиб келди.

Ижод инсонни эзгуликка, гўзаллик оламига етаклайди деган ақидага амал қилган Ҳ.Ражабов устозларига ҳавас қилиб, илк бор 1985 йилда қашқар рубоби ва ансамбль учун «Гули бодом» муסיқасини ижод этган эди. Бу асарга таниқли балетмейстер, Ўзбекистон халқ артисти Қундуз Мирқаримова «Бухороча» рақсни сахналаштиради. Унинг ижроси Ҳ.Ражабовни бениҳоя қувонтирди. Ушбу асарнинг ижобий баҳоланганлигидан илҳомланаган муаллиф шу тариқа оркестр жўрлигида хонандаларга қўшиқлар, созандаларга куйлар, жамоа учун эса турли жанр ва шаклдаги асарларни яратишга бел боғлайди.

Серқирра ижодкор Ҳ.Ражабов дирижёрлик фаолияти билан бир қаторда ўз малака маҳоратини ошириш борасида ҳам тинимсиз изланади. Кўплаб адабиётларни мутолаа қилади. Ўз ижоди учун ҳар хил янги мавзуларни кундалик турмуш тарзидан, бажараётган уй юмушларидан қидириб топади. Жумладан, «Оҳ, оппоқ капалак» номли асари шулар жумласидандир.

Унинг яратилиш тарихини муаллиф қуйидагича таърифлайди: «Бир куни мен Бухородаги уй ҳовлимда ишкомга чиқиб узум баргларини хомток қилаётган эдим. Шу пайт барглар орасидан бир оппоқ капалак тусатдан учиб кетди. Шунда мен: Оҳ, оппоқ капалак, деб уни ушлашга интилган чоғимда, бирданига оёқларим остида таянч бўлиб турган нарвон тушиб кетди. Мен эса шу пайт қўлларим билан суриларни маҳкам ушлаганимча капалакнинг нозик қанот қоқиб юксак-

ликка учишини ҳайрат билан кузатишни давом этдим»,  
 - деб эслайди биз билан бўлган суҳбатда Ҳ.Ражабов. Шу  
 воқеа боис яккахон ва оркестр учун Муҳиба Саййид  
 Хасан қизи шеърига басталаган «Ох, оппоқ капалак»  
 қўшиғи юзага келди. Бу асарда муаллиф, вальс жанри  
 бадий ифода воситаларидан унумли фойдаланган  
 ҳолда, умри жуда қисқа, аммо гўзал тарзда ўтадиган  
 капалак образини моҳирона ифодалаган. Бунда ғамсиз  
 капалакнинг енгил ва тинимсиз қанот қоқишига хос  
 ҳаракатлар нозик товушлар (*трель, мордент* ва *глицсандолар*)  
 ороқали бадий намоён этилади. Ушбу асарда  
 қўшиқ жанрининг барча хусусиятлари тўла сақлангани  
 ҳолда жамоавий ижро учун мослаштирилганлигини  
 кўрамиз. Шунга кўра, жами уч банддан иборат шеър  
 қуйида нота мисоли келтирилган куй асосида ижро  
 этилиши кўзда тутилади:

The musical score is presented in two systems. The first system includes a solo voice part with lyrics and five guitar parts (I-V). The lyrics for the first system are: "ох, оп - пок бу - лут - лар ос - мон - да тан - хо сен гул - зор ичин - да ер из - лаб як - то". The second system continues the solo voice part with lyrics "о - й о - й а - а - а" and the guitar parts, which include specific performance instructions like *tr gliss.* and *tr*.

Ҳарир қанотларинг кумуш ранг қабо,  
Нурларга чўлғанган сен гўзал маъво.  
Қанотларинг узра эсмоқда ҳаво,  
Оҳ, пари капалак, оппоқ капалак.

Оқ, оппоқ булутлар осмонда танҳо,  
Сен гулзор ичинда ёр излаб якто.  
Қанотларинг узра эсмоқда ҳаво,  
Оҳ, пари капалак, оппоқ капалак.

Гулдан гулга қўниб севги излайсан,  
Чаман гулларига бахтлар тилайсан.  
Қанотларинг узра эсмоқда ҳаво,  
Оҳ, пари капалак, оппоқ капалак.

Тембрларнинг гўзал уйғунлашуви ва юқори регистрларда ижро этиладиган нақшинкор безаклар устиворлигида миллий куйчанлик хусусиятлари билан йўғирилган ушбу асар – Ҳ.Ражабовнинг энг муваффақиятли асаридан биридир. Бу асар партитураси таркибидан ўрин олган зарбли чолғулар – тарелка, бубен ва доиралар анъанавий кўшиқ жанрини янада бойитишга хизмат қилган. Чанглар ижросидаги нозик *glissando* ва *pizzicato*лар воситасида гўзал Шарқнинг бетакроп баҳор манзаралари бадий ифодаланган мазкур кўшиқ Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси Муяссар Раззоқовнинг жозибали ижросида магнит тасмасига муҳрланди.

Ҳ.Ражабовнинг яккаҳон, хор ва оркестр учун «Ўзбекистон ўзимники» кўшиғи (Фарида Афруз сўзи) – Мустақил давлатимизни тараннум этувчи ўзига хос

тантанавор қасидадир. Оркестрнинг тўлиқ овоз билан баланд динамик товушлардаги *tutti* ижроси давлатимизнинг тўғри йўлдан шаҳдам қадамлар билан бораётганлигини, унинг келгуси равнақи ва гуллаб яшнашини бадиий образларда намоён этади. Дойра, ноғора ва литавраларнинг мунтазам усуллари чуқур гармоник асосни яратиш билан бирга мусиқий асар шаклининг яхлитлигини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

1

Най

Кўшнай

Clarinet in Bb

Чанг I

Чанг II

Қонун

Овоз

Ўз - бе - кис - тон      но - минг - га   дос - тон би - га   -   ман      Ю - ра - гим   -   га мех - ринг -  
 Бо - бо   ме - рос      туп - ро - гинг - га   жон ти - ка   -   ман

Най

К-най

Cl.

Чанг I

Чанг II

Қонун

Овоз

ни гул - дай      Э - ка   -   ман      зах - мат - лар - дан   топ - ган шо - ним      ў - зим   -   ни - ки      Ўз - бе - кис - тон   о   -   -

## Нақарот:

Тутми, жийда мева зоти ларзон-ларзон,  
Ҳар қадамда буғдой, пахта, шоли хирмон.  
Она халқим ҳимматингга бўлай, қурбон,  
Меҳнат берган ширин ноним ўзимники.

## Нақарот:

Бу асарда Ҳ.Ражабов мадҳия ва ватанпарвалик руҳидаги қўшиқларга хос бўлган банд шаклига алоҳида ёндошиб, уни бадихагуйлик асосида ривожлантиради, хор ва оркестр диалогига эса чиройли тембрлар ҳам-оҳанглигини топишга муваффақ бўлади. Умуман олганда, партитурада тембрлар масаласи гўзал тарзда ўз ечимини топган. Жумладан, хор партиясининг айна пайтда най, қўшнай, кларнет in «в»дан иборат ёғоч дамли чолғуларда, кейинчалик I- ва II-ғижжакларда ҳам қўшсадоланиши асарнинг монокор табиатга эга куйчанлигини янада ёрқин ифодалайди.

«Ўзбекистон ўзимники» қўшиғининг якуний қисмида яна биринчи банд мавзусининг қайта такрорланиши ушбу асарга уч қисмли шакл хусусиятини бағишлайди. Шу аснода муаллифнинг халқ чолғулари оркестри учун ёзилган асарларининг жанр табиатини янгилашга қаратилган интилиши ҳам намоён бўлади. Ушбу қўшиқ тингловчилар қалбида Она Ватанга садоқат ва муҳаббат ҳиссини уйғотади.

Ҳ.Ражабовнинг Ойгул Суюндиқова шеъри асосида яқкаҳон, хор ва оркестр учун ёзган «Мустақиллик майдони» қўшиқ-мадҳиясида жонажон юрт озодлиги ва Ис-

тиқлол ғоялари тараннум этилади. Аслида банд шаклида ёзилган шеър сўзларини муаллиф айрим такрорлаш ва оркестр ижросидаги бир-бирини боғловчи кичик-кичик куйлар орқали маҳорат билан кўзланган ижодий мақсади сари ўзгартиради. Ҳ.Ражабов чолғу партияларининг такрорланиши ва бунда *tutti* воситасини кенг қўллаши ўлароқ монодик, яъни бир овозли музиқанинг бой имкониятларини кенг намойиш этишга ҳаракат қилади.

Му-рур хил-пи-рай-ди му-қад дасбай-роқ Э-са-ё-тур тонг-да ша мол-лар ти-ник.  
 О-на за-мин буй-лаб ёр-қин ва янг-роқ Ўз-бе-қис-тон но-ми тов-ла-нар ё-ник  
 Бу-юк аж-да лар-инг ор-зу-си ё-либ, Қу-ёш-ли тонг-са-ри қа-дам-сур-дур қуи  
 Бар-қи мол-ав-ло-лим ту-рур-га-тў-либ, Му-қал-лас май-дон-дан ў-тиб-тур хар қуи  
 Жо-он О-й

### Нақарот:

Мустақиллик майдони, яғонам азиз,  
 Юртимнинг юраги, таронам азиз.

Ҳайкаллар сукутда, ҳайкаллар вазмин,  
 Хотира олови турар ловуллаб.

Пойида эҳтиром гуллари гулгун,  
 Дарахтлар таъзимда, таъзимда ёш қалб.

Нақарот:

Буюк аждодларнинг орзуси бўлиб,  
Қуёшли тонг сари қадам сурур кун.  
Баркамол авлодим, ғурурга тўлиб,  
Муқаддас майдондан ўтиб тур ҳар кун!

Нақарот.

Ушбу асар «Ўзбекистон ўзимники» қўшиғидан куй устиворлиги билан фарқ қилади. Кўп овозлилик каденция қисмида халқ чолғуларига хос бўлган квартаквинта оралиғидаги ҳамоҳанг товушлар орқали намоён бўлади. Яккахон ва хор партиялари най пикколо, I- ва II-ғижжакларда такрорланади. Дойра ва литавралар мустақкам асос яратиб, ритмик усулларга куч бағишлайди.

Партитура тембр жиҳатдан жуда чиройли тузилган. Муаллиф оркестр гуруҳларидан унумли фойдаланиб, бир-бирини такрорлаш, куйларни ҳар хил чолғуларда, турли регистрларда ижро этилиши орқали ранг-баранг тембрларни яратишга муваффақ бўлган. Бу эса асарнинг монодик тузилишида полифоник хусусиятларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ҳ.Ражабов анъанавий хонандалик ва ижрочилик йўналишини яхши билганлиги сабабли ушбу асар катта муваффақиятга эга бўлди. Шунингдек, байрам концертлари дастуридан ўрин олди.

Яккахон ва оркестр учун яратилган қўшиқлар орасида Ҳалима Аҳмедова сўзига ёзилган «Ватан» қўшиғи алоҳида ажралиб туради. Муаллиф ушбу қўшиқ жанрига ўзгача ёндошган. Ҳ.Ражабов банд шаклини чолғу куй хусусиятлари билан бойитади ва оркестр ижроси билан қўшиқ жанрининг янги қирраларини

ёритади. Қўшиқда банд билан бир қаторда уч қисмлилик шаклининг ҳам ҳозир бўлиши асарга поэма тусини бағишлайди. Шу маънода «Ватан» қўшиғини оркестр учун ўзига хос поэма дейиш мумкин. Оркестр муқаддимасида жонажон ўлканинг гўзал манзараси намоён бўлади. Бу - ўз Ватанини сидқидилдан севувчи ва у билан ғурурланувчи фуқаронинг қалб қўшиғидир. Октава оралиғида унисон чалаётган дамли чолғулар, I- ва II-чанглар, қонун ва I-, II- ғижжакларга жавобан торли-чертма чолғулар ҳамда ғижжак альт, ғижжак бас ва ғижжак контрабасларнинг ижро этаётган жўр бўлувчи овозлари қўшиқнинг ватанпарварлик руҳини янада оширади.

*Allegretto*

The musical score consists of two systems of staves. The first system includes five staves: Gijjak I (treble clef), Gijjak II (treble clef), Gijjak альт (alto clef), Gijjak бас (bass clef), and Gijjak к-бас (bass clef). The second system includes five staves: Gijjak I (treble clef), Gijjak II (treble clef), F-альт (alto clef), F-бас (bass clef), and F-к.бас (bass clef). Dynamics include *f* (forte) and *pizz.* (pizzicato). The tempo is marked *Allegretto*.



Ватан нима билсангиз кўхна чинордан сўранг,  
Сахро бағрида ўсиб яйраган хордан сўранг.  
Елкасида осмонни даст кўтарган тоғ Ватан,  
Чулдираб гиёҳларни уйғотган булоқ Ватан.

Бобом остига тўшаб ўтирган чопон Ватан,  
Момом чаккасидаги хуш нафис райхон Ватан.  
Онажоним узун тун айтган алласи Ватан,  
Дунёда баҳоси йўқ кўнглим даласи Ватан.

Яккахон партиясининг (шеър матнида ёзилмаган) «жон» сўзи билан бошланиши ижодкорнинг ватанпарварлик туйғуси билан йўғрилган ички руҳий кечинмаларидан далолат беради. Яккахон партиясининг декларацион тарзда асосий бир хил товушда куйланиши ҳикояга оид улуғвор тантанаворлик руҳини бағишлайди. Оркестр ижроси ҳам қўшиққа поэма характерини бахш этиб, буюклик руҳини кучайтиради. Доира усули эса бутун қўшиқнинг асосий моҳиятини яхлит тарзда кўрсатишга хизмат қилади.

«Кўзларинг» номли сўзсиз қўшиқ ҳам вальс жанрида ёзилган бўлиб, «Оҳ, оппоқ капалак» қўшиғининг давомига ўхшайди. Ҳ.Ражабов оркестрда *tutti*ни қўллаб, жонажон ўлка чиройидан завқ олиш ва гўзал манзара ҳақида ҳаёл суриш имконини яратади. Бунда унга оркестр чолғуларининг ижрочилик имкониятларидан унумли фойдаланганлиги, нозик диди ва меъёрни яхши билиши ёрам берган. Асар тингловчиларни нафақат маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга, балки она табиатни ва жонажон юртини севишга, ижобий дунёқарашга эга бўлишга чорлайди.

Tempo di valse

Ғижжак бас ва оркестр учун ёзилган «Ибн Сино амри билан» номли алла асари Ҳ.Ражабовнинг набира-си Амирга бағишланган бўлиб, чуқур шахсий ва субъектив ҳарактерга эга. У уч қисмли шаклда ёзилган бўлиб, унда муаллифнинг эзгу ниятлари ҳамда ҳаётӣ саҳифа-лари ўз аксини топган. Бутун асар давомида доира бир хил (остинато) усулни ижро этади. Инсон қон томири-нинг урушига ҳамоҳанг бу усул гўё мурғак болакайнинг юрак уришини ҳам акс эттиради.

Ушбу тўртлик айнан бола ҳолатини намоён этиб, унда Ибн Сино васиятлари, илтижолари ва яхшиликка ишончлари орқали тuzалганлиги ёзилган. Айнан ғижжак бас солосининг ҳам пастки регистрдан аста-секин юқори регистрга ўтиши инсон маънавий завқ-шавқининг рамзи сифатида ифодаланган.

Шунингдек Ҳ.Ражабов «Ҳавзи кавсар қошимда» (Р. Раҳмон қизи шеъри, 2006), «Баҳор келиб» (З.Обидов

шеъри, 2006), «Бухором бор» (С.Воҳидов шеъри, 2006), «Шонли келажак авлод» (Ў.Мирзаёр шеъри, 2007), «Тошкентим» (Ф.Камолова шеъри, 2007), «Онажоним қайдасиз» (М.Саййид Ҳасан қизи шеъри, 2008), «Айтолмадим» (Ҳ.Худойбердиева шеъри, 2006), «Ватанга» (Н.Аминжон шеъри, 2008), «Соғинчларим бор» (Д.Абдурахмон қизи шеъри, 2008), «Бухоро танавори» (Ҳ.Аҳмедова шеъри, 2008), «Орзулари дарё отам» (Ш.Матёқубова шеъри, 2008), «Топилмоқ» (С. Бўлдиева шеъри 2009), «Чорлов» (С.Воҳидов шеъри, 2009), «Бухорода, Бухорода» (Н.Аминжон шеъри, 2009), «Дил» (М.Ҳамроева шеъри, 2010), «Бухорода гул сайли» (Халқ сўзи, 2010) ҳамда «Ҳайрат» (камонли созлар учун, 2011), «Мафтун созлар» (сато-танбур, дутор ва оркестр, 2012), «Қалб нидоси» (қўшнаё ва оркестр, 2013), «Сурнай ноласи», «Эй дил» (ғижжак ва оркестр учун, 2013) каби бир қатор асарларни яратди.

«Инсонлар турли мақсадлар билан яшайди. Менинг ҳам ижодий ниятларим кўп. Келажакда маданияти юксак, санъати ниҳоятда бой халқимизнинг бетакрор тарихий анъаналари муҳрланган, ўлкан уммондек забардаст ва сержило миллий мусиқамизни, замондош ва жаҳон композиторлари асарларини ижодий сахналарга олиб чиқиш, радио ва телевидение орқали халқимизга етказиш каби режаларим бор. Айниқса, бизга ижодий имкониятлар эшигини очган Ватанимиз мустақиллигини тараннум этувчи асарлар ёзиб, уни

жаҳон сахналарида баланд пардаларда васф этиш насиб этсин, деб эзгу ният қиламиз»<sup>27</sup> – дейди, Ҳ.Ражабов.

Жамоанинг тиниб-тинчимас раҳбари, серқирра ижодкор Ҳ.Ражабов Дони Зокиров оркестрининг ижро маҳоратини кун сайин ривожлантириб, шу аснода репертуарини ҳам янги асарлар ҳисобига бойитиб борди. Бундан кўзланган мақсад эса Дони Зокиров асос солган ижрочилик мактабини давом эттириш, қолаверса устозлар руҳини шод этишдан иборат эди. Шунингдек, сўз мулкининг султони ҳазрат Навоийнинг:

«Ҳунарни асрабон нетгумдур охир,  
Олиб тупроққами кетгумдур охир».-

каби ҳикматли сўзларига амал қилган ҳолда ушбу йўналишни давом эттирадиган ёшларни тарбиялаш – Ҳикмат Ражабовнинг эзгу ниятидир.

Шундай қилиб, ушбу бобда олиб борилган кузатувларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни алоҳида қайд этиш мумкин:

- Мустақиллик шарофати ила бошланган миллий уйғониш даври халқ чолғулари оркестри ижодкорлари ва ижрочиларини янги ижодий марралар сари илҳомлантирди.
- Ўзбекистон композиторларининг ижодида она юртга муҳаббат, улуғ аجدодлар жасорати, азалий ва умрбоқий қадриятлар тараннуми устивор мавзулар қаторидан ўрин олди.

---

<sup>27</sup> Муаллифнинг Ҳ.Ражабов билан 2013йил 25 октябрда бўлган суҳбатидан ёзиб олинган .

- Илгари сурилган янги ғоя ва мавзулар ифодаси ўзига мувофиқ янги шакл ва жанрларнинг юзага келишига сабаб бўлди.
- Турли санъат ва жанрларнинг ўзаро бирикuvi ўлароқ телеопера, телебалет каби янги синтез жанрлар юзага келди. Табиийки, ижодкорликдаги бундай янгиланишлар оркестр ижрочилигида ҳам ўз аксини топди. Бу ҳол, жумладан:
  - ранг-баранг чолғу гуруҳларини импрессионистик руҳда талқин қилинишида;
  - турли тембр қўшилмалари асосида кашф этилаётган янги товуш-бўёқлари ифодасида;
  - анъанавий ва кўповозли «ёзма» ижрочилик услубларининг бир асар давомида ўринли ва унумли қўлланишида;
- шу аснода халқ чолғуларининг бениҳоя бой овоз таровати ва ижрочилик имкониятларининг кенг намоён бўлиши кабиларда кузатилмоқда.

Эришилаётган ушбу ижодий натижалар пировардида замонавий Ўзбекистон маданияти янги мусиқа асарлари ва сержило оркестр ижрочилик анъаналари билан бойиб бормоқда.



## УЧИНЧИ ҚИСМ

### ОРКЕСТР ДИРИЖЁРЛАРИ

- § 1. Дони Зокиров
- § 2. Убайдулла Абдуллаев
- § 3. Хайри Изомов
- § 4. Тельман Ҳасанов
- § 5. Мустафо Бафоев
- § 6. Сотволди Каримов
- § 7. Фазлиддин Юнусов
- § 8. Абдусалом Муталов
- § 9. Ботир Расулов
- § 10. Ҳикмат Ражабов
- § 11. Дилшод Муталов

## ДОНИ ЗОКИРОВ

Ўзбекистон халқ артисти, моҳир созанда, бетакрор истеъдод эгаси, маҳоратли дирижёр, меҳрибон мураббий, жамоат арбоби, серқирра композитор Дони Зокиров (1914-1985) ажойиб кўшиқ, ашула, романс, мусиқали драма, балет, симфоник ва халқ чолғулари оркестри учун яратган мусиқий асарлари билан XX аср ўзбек мусиқа маданиятини бойитди. Унинг бебаҳо мусиқий мероси ҳозирги кунга қадар тиллардан тилларга, диллардан дилларга жо бўлиб келмоқда ҳамда концерт дастурларини сермазмун ўтишига муҳим асос бўлмоқда.



Д.Зокиров Самарқанд шаҳрида 1914 йилнинг 28 декабрида таваллуд топди. Оилавий муҳит, яъни отаси Зокиржон аканинг бўш вақтларида ашула-кўшиқларни хиргойи қилиб, дутор чертиши ёш болакайда мусиқага бўлган қизиқишни уйғотади. У 1926 йили ўрта таълим мактабига ўқишга бориб, шу мактабдаги мусиқа тўғарагида най, дутор ва ғижжак чалиш сирларини устози, таниқли санъаткор Муҳиддин Мавлоновдан ўрганади. 1928 йили Самарқандда таниқли композитор ва дирижёр Н. Н. Миронов раҳбарлигида Мусиқа ва хореография илмий тадқиқот институти очилади ва

Дони Зокиров ушбу даргоҳнинг илк талабалари (аспирантлари) қаторидан ўрин олади. Устозлари Ота Жалол, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдурахмон Умаров, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Матюсуф ва Матёқуб Харратовлар ва бошқа санъат усталаридан олган билим ва ижодий тажрибаси уни моҳир созанда бўлишига замин яратади. Талабалик йилларида у Али Ардобус ташкил этган «Кўк куйлак» театрлашган тўтаракнинг аъзоси сифатида илк бор театр мусиқа санъати, унинг ўзига хос олами ва сир-асрорлари билан яқиндан танишишга муваффақ бўлади.

1929-35 йиллари Д.Зокиров Республика мусиқали драма театрида созанда сифатида фаолият олиб борди. Мазкур театрда Муҳиддин Қориёкубов, Тамарахоним, Уста Олим Комилов ва бошқа машҳур санъаткорлар билан бўлган ижодий ҳамкорлиги созанда учун катта ижодий мактаб вазифасини ўтайди.

Д.Зокиров 1936 йили Тошкентга кўчиб келгач 1940 йилга қадар Ўзбекистон давлат филармонияси қошида ташкил этилган Тўхтасин Жалилов раҳбарлигидаги 98 кишидан иборат этнографик халқ чолғулари ансамблида концертмейстер лавозимида ишлайди. Мазкур жамоа билан 1937 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбек санъати ва адабиёти декадасида қатнашишга муяссар бўлади.

1940 йилдан бошлаб Д.Зокиров ижодининг янги қирраси бўлган дирижёрлик фаолияти намоён бўла бошлайди. Жумладан 1940-48 йиллар давомида у Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг дирижёри лавозимида ўша йиллари сахналаштирилган



«Нурхон», «Лайли ва Мажнун», «Тохир ва Зухра» ва бошқа муסיқали драмаларни бошқаради.

Серқирра иждокор Д.Зокиров ижрочилиқдан ташқари турли мавзуларда классик ва замондош шоирларнинг шеърларига қўшиқ, ашула ва, хатто спектаклларга муסיқалар яратади. Кўп овозли муסיқа услублари, шакл ва жанрларини мукамал эгаллаш, Ғарбий Европа ва рус классик композиторларининг иждодий фаолиятлари билан яқиндан танишиш ва муסיқий фанлардан билим олиш мақсадида 1948 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга киради. Композиция бўйича Б.Б.Надеждин синфида, гармония ва полифониядан Ю.Н.Тюлин, чолғулаштириш ва дирижёрликдан А.Ф.Козловский, муסיқа тарихидан И.А. Дулгарова ва Я.Б.Пеккерлардан сабоқ олади ва 1953 йили ўқишни муваффақиятли битиради.

Д.Зокировнинг диплом иши сифатида яратилган «Ҳамза» номли симфоник поэмаси композитор иждодида алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, у тингловчилар қалбида ҳам чуқур из қолдирган. Ўқишни тамомлагач, у 1953 йили филармония қошидаги ўзбек ашула ва рақс ансамблига бадий раҳбар этиб тайинланади. Шу билан бирга муסיқали сахна асарларини яратишга ҳам катта эътибор беради. У Б.Ф.Гиенко билан «Сўнмас чироклар» (А.Бобожонов ва М.Муҳамедов пьесаси) муסיқали драмасини (1953й.) ёзади. 1954 йили С.Бобоев билан ҳамкорликда «Далада байрам» (Ш.Саъдулла пьесаси) муסיқали комедия ва 1956 йил «Ватан қирғоқлари» (Ш.Саъдулла ва З.Фатхулин пьесаси) муסיқали

драмасини яратади.

1957 йили Д.Зокиров Ўзбекистон радиоэшиттириш қўмитаси қошидаги Халқ чолғулари оркестрига бош дирижёр ва бадиий раҳбар лавозимига тайинланади ва мазкур жамоада 1983 йилга қадар фаол ишлайди ва нафақага чиқади. Ушбу давр мобайнида турли жанрларда қалам тебратади. 1960 йили Б.Гиенко билан «Ёшлиқда берган кўнгил» (З.Фатхулин пьесаси), 1962 йили «Ҳаёт машғали» (С.Исмоил пьесаси), 1970 йили К.Жабборов билан «Менинг жаннатим» (С.Абдулла пьесаси), 1978 йили халқ эртаги асосида «Шаҳзода ва етим қиз» (Р.Ҳамроев пьесаси) мусиқали драмаларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этади.

1956 йили Б.Гиенко билан ҳамкорликда А.Литвинов либреттоси асосида «Ойниса» балетини ёзади. 1958 йили Д.Зокиров (Ҳ.Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» дostonи асосидаги шоира Зулфия либреттоси) Т.Содиқов Ю.Ражабий ва Б.Зейдман билан ҳамкорликда «Зайнаб ва Омон» операсини яратишда иштирок этади. 1955 йили Д.Зокиров композитор М.Зив билан ҳамкорликда «Амирликнинг емирилиши» (режиссёр Л.Файзиев ва В.Басов), 1956 йили «Қутлуғ қон» (режиссёр А.Панн), 1964 йил «Улуғбек юлдузи» (реж. А.Панн), композитор А.Малахов билан ҳамкорликда 1964 йили «Қайдасан, Зулфия» ёки «Ёр-ёр» (реж. А.Ҳамроев) кинофильмларига мусиқа басталайди.

Д.Зокиров ижодий меросида ўзбек халқ чолғулари оркестри ва яқка чолғулар учун яратган мусиқий асарлар алоҳида аҳамият касб этади. Қарийб 30 йиллик ижодий фаолиятини у халқ чолғулари оркестрига ба-

ғишлади. Ушбу жамоа таркибини шакллантириш ва ижро маҳоратини ошириш, қолаверса оркестр учун репертуар тайёрлаш (оркестр репертуарини бойитиш) мақсадида асосий эътиборини турли халқлар куй-қўшиқлари, ўзбек классик муסיқа намуналарини маҳорат билан қайта ишлаб, уларни ўзбек халқ чолғулари оркестри жўрлигида якка чолғуларга ҳамда оркестрга мослаштиришга қаратди ва бу ишни олий даражада бажаришга муяссар бўлди. Шунингдек, 300га яқин асарларни телерадиокомпания «Олтин фонд»ига муҳрлашга муяссар бўлди.

Д.Зокировнинг таҳсинга лойиқ бўлган ижодий ютуқларидан бири «Ёввойи Чоргоҳ», «Жазоир», «Наво», «Савти Наво», «Уфари Наво», «Гардуни Сегоҳ», «Таснифи Дугоҳ», «Мухаммаси Ироқ», «Насруллоий», «Мирзадават», «Ёлғиз», ғижжак ва оркестр учун «Қайтарма», «Фигон», «Чўли Ироқ», болабон ва оркестр учун «Шароб», най ва оркестр учун «Фарғонача», «Гадоий», танбур ва оркестр учун «Ражабий» куйларини халқ чолғулари оркестри учун моҳирона ва юқори дид билан мослаштирганлигидадир.

Кейинчалик композитор айнан ушбу жамоа учун турли мавзуларда, яккахон, хор, турли чолғулар ва оркестр жўрлигида ижро этиладиган юздан ортиқ қўшиқ, ашула ва оммавий хор қўшиқларини яратди. Улар орасида «Ўзбекистоним» (А.Ниёзмуродов сўзи), «Тинчлик қўшиғи», «Пахтакор диёр», «Космос бизники», (М.Қориев сўзлари); «Шифокорларга», «Теримчиларга», «Дўстларга», «Она диёр» (А.Пўлат сўзлари); «Тошкент ороми» (Назармат сўзи); «Сув келди, ҳаёт

келди» (У.Рашид сўзи); «Дугоналарга» (Нилуфар сўзи); «Дўстлик қўшиғи», «Чўпон қўшиғи», «Тинчлик қўшиғи» хор учун (П.Мўмин сўзлари), «Икки дил достони» (З.Обиджон сўзи), «Ёр истаб» (З.Фурқат шеъри); «Ҳаёт гулшани» (Н.Нарзуллаев сўзи) каби қўшиқ ва ашуллари ёрқин мисол бўла олади.

Шунингдек, Д.Зокиров болалар учун ҳам П.Мўмин шеърларига «Саёҳат – роҳат», «Кунгабоқар», «Оппок отим», «Сирдарё, Сирдарё», «Капалак ва ҳандалак», «Боғда пишди узумлар», «Дўлона», У.Раҳмонов сўзига «Болалар вальси», «Баҳор вальси». Р.Бобожон сўзига «Олма», Ю.Ҳамдам сўзига «Бадантарбия», Ё.Мирзо сўзига «Мактабим», Ю.Ҳамидий сўзига «Бахтиёр қўшиғи», М.Ҳайдар сўзига «Янги йил қўшиғи» ва «Беқиёс диёр» каби қўшиқларни яратган. Улар халқ чолғулари профессионал оркестрлари томонидан болаларга бағишланган махсус концерт дастурларида ижро этилган ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг оркестр репертуаридан ҳам кенг ўрин эгаллаган. Шундай асарлар орқали Д.Зокиров болалар оркестрининг ривожига ҳам катта хисса қўшган.

Айниқса, композиторнинг яккахон, хор ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ёзган кўп қисмли асарлардан: «Қарши чўли гуллари» (М.Қориев сўзи) 5 қисмли вокал-сюитаси; «Асрлар садоси» (Ойбек сўзи) 4 қисмли кантатаси; «Оби ҳаёт» (У.Рашид сўзи) 4 қисмли вокал-сюиталари олқишга сазовордир. Д.Зокировнинг Навоий шеърларига басталанган «Кўрмадим», «Эй, сабо», «Бўлмаса», «Айб этмангиз», Туроб Тўла шеърига «Булбул» номли романслари симфоник оркестр жўрли-

гида Д.Муллақандов, Ҳ.Носирова, С.Қобуловалар ижросида машхур бўлиб кетган. Мазкур асарлар ҳозирги кунда ҳам республикамиздаги профессионал жамоалар ҳамда олий ўқув юртлирининг ўқув оркестрлари репертуаридан кенг ўрин олган.

Ўзининг фидокорона меҳнати, халқ чолғулари оркестрининг ривожига қўшган хиссаси, қолаверса, чолғу ижрочилиги санъати равнақи йўлида амалга оширган салмоқли меҳнати учун Д.Зокиров 1950 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1956 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», 1965 йили «Ўзбекистон халқ артисти» юксак унвонларига сазовор бўлди, бир қатор орден, медаль ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. Д.Зокиров 1985 йили Тошкентда вафот этди. Санъаткор хотирасини абадийлаштириш мақсадида 1989 йили Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Халқ чолғулари оркестрига Дони Зокиров номи берилди.

## УБАЙДУЛЛА АБДУЛЛАЕВ

Дони Зокиров номидаги давлат халқ чолғулари оркестрининг ривожланишида серқирра ижодкор Убайдулла Абдуллаев (1919-1988) созанда, композитор ва маҳоратли дирижёр сифатида салмоқли хисса қўшди. У дирижёр лавозимида иш бошлаб, устози Дони Зокиров раҳбарлигида муваффақиятларга эришди.

Убайдулла Валихўжаевич Абдуллаев 1919 йили 15 декабрь куни Тошкент шаҳрида ишчи оиласида дунёга келган. 1930-1935 йиллари болалар уйида тарбияланади

ва у ерда етти йиллик мактабни битиради. 1937 йили у Тошкент муסיқа техникумига ўқишга киради ва 1939 йили уни битириб, армия сафига хизмат учун чақирилади. Армия хизматини Тошкент пиёдалар ҳарбий билим юртининг оркестрида созанда сифатида ўтайди.

1941 йилдан бошлаб Тошкент кавалерия билим юрти оркестрида хизматини давом эттиради. Раҳбарлар эътиборини ўзига жалб этган иқтидорли созанда 1942 йили Ҳарбий Округ Қўмондонлиги тавсияси билан Москва консерваторияси қошидаги ҳарбий дирижёрлар факультетига ўқишга юборилади. У ерда У.Абдуллаев малакали устозлар ёрдамида ўз билим ва маҳоратини ошириш мақсадида тинимсиз изланади. Ўқишни 1945 йили «Ҳарбий капелмейстер» ихтисослиги бўйича битиргач, яна ўз ватанига қайтади ва Тошкентдаги муסיқа тарбияланувчилар мактабида педагоглик фаолиятини бошлайди.

Убайдулла Абдуллаев 1955 йилдан 1958 йилгача Чирчиқ шаҳридаги Тоғ қурилиш полкида, 1958 йилдан 1961 йилгача Қизил Ўрда шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларда ҳарбий дирижёр бўлиб фаолият олиб боради. Майор унвонида заҳирага чиқиб, 1961 йилдан бошлаб Ўзбекистон маданият вазирлиги тасарруфидаги Тошкент грампластинкалар ёзуви студиясида муסיқа муҳаррири, 1962 йили Маданият (ҳозирда Маданият ва спорт ишлари) вазирлигининг муסיқий муассасалар бўлими бошлиғи ва 1963 йилдан Муқимий номидаги муסיқали драма ва комедия театрида дирижёр лавозимида ишлай бошлайди.

1964 йилдан бошлаб Убайдулла Абдуллаев Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғулари оркестрида дирижёр лавозимида ишлай бошлади. Оркестрнинг бош дирижёри ва бадиий раҳбари Дони Зокировдан ушбу оркестр билан ишлаш сир-асрорларини ўрганди ҳамда ўзининг дирижёрлик маҳоратини оширади. Оркестр репертуарини янги, замонавий асарлар билан бойитишга ҳаракат қилди. У ўзининг ижодий фаолияти давомида Ўзбекистон композиторлари ва бастакорларининг 500га яқин турли жанр ва шаклдаги асарларини магнит тасмаларига оркестр ижросида ёзишга муяссар бўлди.

М.Юсуповнинг 3 қисмли сюитаси ва 4 қисмли вокал сюитаси, Т.Азимовнинг «Ёрқин ҳаёт» кантатаси, Ф.Назаровнинг 3 қисмли сюитаси, Т.Тошматовнинг «Олтин диёр» увертюраси, С.Жалилнинг «Қўшнай ғазали», В.Мейеннинг «Марш»и, С.Рустамовнинг «Шодлик рақси», «Сумгаит» асари, Н.Нариманидзенинг «Давлури», С.Ҳайитбоевнинг «Ўзбекистон сўзлагай», Т.Хасановнинг «Сўлим диёр» , Ғ.Тошматовнинг «Кел марҳабо», К.Жабборов ва Д.Зокировнинг «Кўргим келур», И.Ҳамроевнинг «Дилбарим жоним», Н.Хасанов ва А.Собитовнинг «Торимнинг сирини», С.Калонов ва Т.Азимовнинг «Лолазорим», В.Мухатовнинг «Ассалом Тошкент», Э.Налбандовнинг «Гул келтирдим», Ш.Рамазоновнинг «Дўстлик ватани», С.Юдаковнинг «Оламда гуллар яшар», М.Ашрафийнинг «Йўлларим», Е.Шварцнинг «Вдруг встретила парнишку я» қўшиғи, Б.Умиджоновнинг «Табрикнома», Ҳ.Раҳимовнинг «Фестивал вальси», Спендиаровнинг «Ҳайтарма», И.Жиновичнинг «Белорусча рақси»,

А.Арутюняннинг «Экспромт»и, А.Султоновнинг «Садо» куйи шулар жумласидандир.

1971 йили У.Абдуллаев кўп йилик самарали ижоди учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланди. 1980 йили нафақага чиқиб, Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртида дамли чолғулар бўлимида ўқитувчилик фаолиятини олиб борди. Меҳнатсевар, ўта талабчан ва меҳрибон устоз, маҳоратли дирижёр ва серқирра ижодкор У.Абдуллаев 1988 йили Тошкентда вафот этди.

## ХАЙРИ ИЗОМОВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор ва дирижёр Хайри Изомов (1922-2009) ўтган асрнинг 30–йилларида мусиқа дунёсига кириб келди. У ўзбек профессионал композиторлик мактабининг ёрқин намояндасидир. Серқирра ижодкор ўзининг ижодий ва дирижёрлик фаолияти билан республикамиз мусиқа санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшди.



Хайри Изомов 1922 йил 30 декабрда Бухоро шаҳрида зиёли оилада таваллуд топган. 1928 йили умумтаълим мактабида ўқишни бошлаган. Болалигидан мусиқага бўлган қизиқиш уни 1931 йили Бухоро мусиқа техникумига етаклайди. Билим юртига скрипка синфи бўйича ўқишга кириб, ўз устида тинимсиз ишлайди. Устоз



сабоқларини қунт билан ўрганиб, ҳар бир вазифани ўз вақтида бекаму-куст бажаради ва ўқишни 1935 йили муваффақият билан битиради. Ўз касбининг устаси бўлиш мақсадида ўқишни тугатгач, 1935-1936 йилларда Бухоро мусиқали драма театрида созанда бўлиб ишлайди.

1936 йили Ўзбекистон давлат филармонияси қошида Т.Жалилов раҳбарлигида ўзбек халқ чолғулари ансамбли ташкил этилади. Мазкур ансамблга бошқа созандалар билан бир қаторда 14 ёшли Хайри Изомов ҳам ишга таклиф қилинади. Ушбу жамоа билан 1937 йили Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида у ҳам энг ёш созанда сифатида қатнашади. Декададан қайтиб келгач, Ўзбекистон халқ артисти, композитор ва дирижёр Н.Н.Миронов Т.Жалилов ансамбли таркибидан ёш иқтидорли созандаларни ажратиб олиб, уларга нота орқали ижро этишни ўргатади. Х.Изомов нота ёзувини техникумда ўқиган даврида ўрганганлиги учун устозига барча ишларида ёрдам беради ва дирижёр вазифасини бажаради. Бу жамоа Т.Жалилов ансамбли билан биргаликда Россия ва Белорусия шаҳарлари бўйлаб ўзбек мусиқасини тарғиб қилади. Мазкур жамоа 1938 йили филармония қошида ўзбек халқ чолғулари оркестри ташкил этилишига асос бўлади.

1938 йил Х.Изомов Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов курсига ўқишга кириб, Б.Б.Надеждин синфида композиторлик йўналиши бўйича сабоқ ола бошлади. У 2-жаҳон уруши даврида Олма ота шаҳридаги ҳарбий авиация мактабида учувчиликка ўқийди. Ушбу мактабда курсантлардан ташкил топган бадиий ҳа-

васкорлик ансамблига раҳбарлик қилади. Сўнгра у учувчи бўлиб фронтда, урушдан кейин шу армиянинг захирадаги авиаполкида хизмат қилади. 1946 йилнинг сентябридан бошлаб узилиб қолган ўқишини консерваториянинг асосий курсида Б.Надеждин синфида давом эттиради.

Х.Изомов талабалик йилларидаёқ мусиқанинг турли жанр ва шаклларида асарлар яратди. Улар орасида «Пари» (Навоий ғазали) романи, «Ватан олқиши» (П.Мўмин сўзи), «Гул» (Т.Эрназаров сўзи), «Ўзбекистоним менинг» (Уйғун сўзи) қўшиқлари ва фортепиано учун «Токката» куйи машҳур бўлиб кетди. Ушбу асарлар ҳозирги кунга қадар республикамизнинг барча мусиқа ва санъат мактабларида ёш пианиночилар томонидан ҳамон севиб ижро этиб келинмоқда. Талаба-композитор Х.Изомов ўқиш билан бирга 1949-50 йилларда Ўзбекистон радио комитети мусиқий таҳририятининг бадиий эшиттиришлар бошқармасининг бош муҳаррири лавозимида ишлайди.

Тошкент давлат консерваториясини Х.Изомов 1952 йилда битириб, радиодаги ишини давом эттириш билан бирга мустақил равишда турли жанрларда ижод қила бошлади. Масалан, 1953-64 йилларда бирин-кетин «Қаҳрамон қизлар», «Шонли Элим», «Ёшлик байрами», «Тинчлик ҳақида ёшлар қўшиғи», «Дуторим» (М.Қориев сўзлари), «Менинг сеvimли ўлкам», «Тошкент осмони» (Д.Полинин сўзлари), «Сайр этдим» (П.Мўмин сўзлари), «Қиз қўшиғи» (Ғ.Ғани сўзи), «Салом юлдузлар» (Т.Тўла сўзи), «Севмай бўлмайди» «Зиёфатда айтилади-

ган қўшиқ» (Ҳ.Шарипов сўзи) ўз даврида жуда машҳур бўлган қўшиқларни яратди.

Шу билан бирга симфоник оркестр учун ўзбекча сюита, скрипка ва фортепиано учун пьеса, фортепиано учун этюд, 7 та вариация, «Ноктюрн», «Муסיқали қутича», 4 та пьеса, кларнет ва фортепиано учун пьеса, хонанда ва симфоник оркестр учун «Ўзбекистон пахтаси» (В.Мухторов сўзи) қўшиғини, хонанда ва хор жамоаси учун «Севикли ёр» қўшиқларини ёзди.

Хайри Изомов шунингдек Тошкент давлат ёш томошабинлар театрида сахна юзини кўрган қуйидаги «Абдулла Набиев» (А.Раҳмат пьесаси), «Ойгул ва Баҳтиёр» (Ҳ.Олимжон асари асосида У.Раҳмонов пьесаси), «Иқбол» (Ё.Мирзо пьесаси), «Вафодорлик» (О.Ёқубов пьесаси); қўғирчоқ театри учун «Тўти қиз» (М.Мухамедов пьесаси), «Ўрмондаги воқеа» (С.Абдуқаҳҳор пьесаси), Ҳамза номидаги драма театри учун «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» (О.Ёқубов пьесаси) спектакллarga муסיқа басталади.

Х.Изомов 1964-66 йилларда Афғонистон ҳукумати таклифига биноан Қобул радиосида маслаҳатчи лавозимида фаолият олиб борди. 1966 йили Тошкентга қайтгач, Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида дирижёр вазифасида ишини давом эттирди. Ушбу жамоа билан 100 дан ортиқ асарларни «Олтин фонд»га муҳрлашга муяссар бўлди. Оркестр учун бир қатор ранг-баранг асарлар яратди. У 1992 йили қариллик гаштини суриш мақсадида нафақага чиқади.

Х.Изомов дирижёрлик фаолияти ва жамоатчилик ишлари билан бир қаторда музиканинг турли жанрларида янгидан янги жозибали асарлар яратди. Композитор замонавий ўзбек эстрада санъатининг ривожланишига катта хисса қўшди. Муаллиф қаламига мансуб бўлган қуйидаги эстрада қўшиқлари: «О, Дилбар», «Бу муҳаббат», «Салом-алайкум» (Д.Полинин сўзлари), «Ким ўзи?» (Э.Раҳим сўзи), «Кимга айтай?» (А.Пўлат сўзи), «Кўзи Хумор» (Ш.Шомахмудов сўзи), «Сен» (О.Гаджиқосимов сўзи), «Ишва кўз» (С.Холмухамедов сўзи) тез орада машҳур бўлиб кетди.

Яккахон ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ёзилган «Қуёшли Ўзбекистон» номли вокал-рақс сюитаси, «Зангори кема капитанлари» ва «Янги Тошкент» (Д.Полинин сўзлари) қўшиқ-балладаси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Х.Изомов драматург С.Абдуқаҳор билан ҳамкорликда «Алижон ва Валижон» спектаклига муסיқа басталаган. У Бастакорлар уюшмасининг оммавий жанрлар комиссиясига узоқ йиллар давомида раислик қилди.

Серқирра ижодкор Х.Изомов оркестр учун асарлар ёзиш ва дирижёрлик қилиш билан бир қаторда жамоанинг шаклланиш ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этди. Созандаларнинг муסיқий саводи ҳамда ижро маҳоратини ошириш борасида жонбозлик кўрсатди. У қатор йиллар давомида дирижёр сифатида фаолият юритиб, жамоа билан 100дан ортиқ асарларни Ўзбекистон телерадиокомпанияси олтин фондига муҳрлашга муяссар бўлди.

Х.Изомовнинг ижоди, ижрочилик санъати ҳамда Халқ чолғулари оркестри ривожига қўшган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, 1967 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» ва 1974 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат санъат арбоби» юксак унвонлари ҳамда 2000 йили «Эл юрт хурмати» ордени билан тақдирланди. 2009 йили Х.Изомов бу ёруғ оламни тарк этди.

## ТЕЛЬМАН ҲАСАНОВ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дирижёр, композитор Тельман Набиевич Ҳасанов (1940) Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси сафига 1983 йили қабул қилинди. У 1960 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзига ҳос овози билан муסיқа оламига кириб келди. Муаллиф томонидан яратилган сержило қўшиқ ва рақс куйлари, мусиқали драма ва комедиялар ўз мухлисларини хушнуд этиб келмоқда.



Тельман Ҳасанов 1940 йилнинг 5 апрелида Тошкентда, таниқли санъаткор Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Набижон Ҳасанов (1913-1972) оиласида таваллуд топди. Оилавий муҳит уни болалигидан муסיқага бўлган қизиқишини уйғотди. 1948 йили у № 20-сонли умумтаълим мактабига ўқишга боради. Мактабнинг 7-синфини битиргач, Ҳамза номидаги Тошкент давлат муסיқа билим юртига ёғжжак синфи бўйича тайёрлов бў-

лимига ўқишга қабул қилинади. Икки йилдан сўнг мазкур ўқув юртининг асосий босқичига ўтказилди. Устозларидан ғижжак чалиш сирларини ўрганади.

Ота касбига бўлган меҳр уни 1962 йили Тошкент давлат консерваториясига композиторлик факультетининг тайёрлов бўлимига ўқишга киришига сабабчи бўлади. Уч йил давомида у композиторлик йўналиши бўйича асосий сабоқларни эгаллашга муяссар бўлади. У 1965 йили консерваториянинг асосий курсига ўтказилди ва тез орада харбий хизматга чақирилади. Хизматдан қайтгач, 1967 йили профессор Г.А.Мушель синфида таҳсил олишни давом эттиради. Талабалик даврида турли чолғу ва оркестрларга устози раҳбарлигида турли жанрларда асарлар ёзади. Булар орасида Т.Ҳасановнинг скрипка, виолончел ва фортепиано учун яратган «Трио»си, чанг ва оркестр «Концерт»и, «Сўлим диёр» (Ҳ.Муҳаммад сўзи), «Отамдан ёдгор» (С.Қўқонбеков сўзи) кўшиқлари мусиқа шинавандаларида яхши таассурот қолдирди. 1972 йили фортепиано ва симфоник оркестр учун «Концерт» диплом иши билан у консерваторияни муваффақиятли битиради.

Т.Ҳасанов ўз меҳнат фаолиятини талабалик даврида бошлайди. У 1961-1967 йиллари Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида ғижжакчи, 1970-71 йилларда республика Ички ишлар вазирлиги қошидаги ашула ва рақс ансамбли раҳбари, 1972 йили М.Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг бадий раҳбари лавозимларида ишлайди. Консерваторияни битиргач, 1972-75 йилларда Ўзбекистон радиоси

Бош муסיқа тахририятининг бош муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлайди.

У 1980 йили А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият (ҳозирда Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият) институтининг чолғу дирижёрлиги кафедрасига ишга таклиф этилади ва бир қатор иқтидорли кадрларни тарбиялашга ўз хиссасини қўшади. 1990-91 йилларда Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси қошидаги Муסיқий тарғибот бюроси директори лавозимида ишлайди. Ўтган давр мобайнида у республикамизнинг турли вилоятларида ашула ва рақс ансамблларини тузди, уларнинг репертуарларини сержило ва мафтункор куй-қўшиқлар ҳисобига бойитди. Уларни республика кўрик-танловларида тайёрлади ва халқ ҳурматида сазовор бўлди.

Ёрқин истеъдод эгаси, маҳоратли композитор Т.Ҳасанов турли жанр ва шаклларда муסיқий асарлар яратди. Унинг симфоник оркестр учун «Сюита» (1980), академик Ю.Ражабий хотирасига бағишланган яккахон ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун «Поэма» (1980), яккахон ва эстрада оркестри учун Уйғун сўзига «Баллада» (1985), «Гулбаҳор қани» (Б.Ҳалилов пьесаси, 1977), «Хўжайин» (1977), «Қизи борнинг нози бор» (1979), (Х.Расул пьесалари, 1980), «Куёвлар конкурси» (Ҳ.Мухаммад пьесаси, 1982) муסיқали комедиялар, М.Қориев ҳикоялари асосида «Ой тугилган кунда» (1974) телеспектаклига ёзган муסיқалари шулар жумласидандир.

Т.Ҳасанов ижодида қўшиқ жанри устувор ўринни эгаллайди. У ижодий фаолияти давомида мумтоз ва замондош шоирлар сўзларига 300 дан ортиқ қўшиқлар яратди. Жумладан, «Хуморингиз бўлайин», «Ватаним

гўзалсан», «Қизлар севинчи», «Ёрдин келган хат» (А.Исроилов сўзлари), «Баҳор келди» (Ў.Рашид сўзи), «Кўнгил учун», «Олтин қанот», «Жавоб» (Т.Тўла сўзлари), «Тинчликдан яшнаган», «Қизларжон», «Кўринмайсан», «Тошкент садоси» (П.Мўмин сўзлари), «Жон республикам», «Чўл нашидаси» (З.Обидов сўзлари), «Қалбдаги сиймо», «Гуллар билан кутаман» (Ш.Рашидов сўзлари), «Тошкент баҳори» (Б.Халил сўзи), «Ўлкамиз осмонида» (А.Орипов сўзи), «Зулфия» (Назармат сўзи), «Сабо билан» (Д.Файзиев сўзи), «Атиргулим» (Н.Нарзуллаев сўзи), «Гул диёр» (А.Юсупов сўзи) каби кўшиқлари ҳозирги кунга қадар хонандалар томонидан севиб ижро этилмоқда.

Т.Хасанов 1975-1977 йиллар мобайнида Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги Д.Зокиров номли Давлат халқ чолғулари оркестрида дирижёр сифатида фаолият олиб борди. Кейинчалик, 1980 йили эса оркестрга раҳбар этиб тайинланди. У жамоа таркибига баъзи бир ўзгартиришлар киритиб, оркестр ижро йўлини филармония қошидаги оркестрга яқинлаштиришга ҳаракат қилади. Радио оркестрига дутор-секунда ва ғижжак-альтнни киритади, дамли ва бас гуруҳларини кўчайтиради. Сурнай ва най пикколо чолғуларини гобой, кларнет ва иккита флейта пикколо билан алмаштиради. Зарбли чолғулардан литавра, тарелка ва треугольник (учбурчак)ни киритади. Торли-чертма чолғуларни камайтириш эвазига торли-мизробли ва торли-урма чолғуларни кўпайтиради.

Д.Зокиров оркестрида дутор-прима ва рубоб - прима чолғуларининг йўқлиги жамоада ижро




этиладиган куйларнинг миллий руҳини ёрқин ифодалаш билан изоҳланган эди. Рубоб-прима чолғуси, қашқар рубоби диапазонидан бир октава баланд эшитиладиган меццо-сопрано рубоби билан алмаштирилади. Радио оркестри таркибига дутор альтидан ташқари анъанавий дутор ва анъанавий танбур киритилган бўлиб, улар фақатгина якканавоз-соз сифатида ишлатишга мўлжалланган эди. Ижрочилик талабидан келиб чиққан ҳолда радио оркестри таркибида ўрта регистрга эга бўлган чолғулар жуда кўпчиликни ташкил этади. Чунки улар ижро этиладиган асарларнинг миллий хусусиятларини ифодалашга қўл келади.

Т.Ҳасанов ушбу жамоа учун бир қатор ранг-баранг асарлар яратиб, унинг репертуарини бойитишга хизмат қилди. «Сўлим диёр», «Баҳор келди», «Чўл нашъаси», «Боғли бу гулшанли бу», «Ўлкамизга келди кўклам», «Ўлкамиз осмонида», «Ассалом Тошкент», «Тошкент баҳори», «Олтин чаноқ», «Ҳаёт кўшиғи», «Қизларжон», «Наманган боғида», «Тингласин», «Олтин қўллар», «Ошқора», «Ўзбекистон», «Халқим сафарбардир яна», «Кулди бахтим», «Яна огоҳ айлади», «Йўлинг равон бўлсин», «Меҳнат аҳли», «Ода жон Республикам», «Увертюра» асарлари шулар жумласидандир.

У яратган асарларини ўзи дирижёрлик қилиб, оркестр жамоаси билан юздан ортиқ куй-қўшиқларни Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Олтин фонди» магнит тасмасига муҳрлашга эришди. Республикамизда миллий мусиқа маданиятининг ривожига қўшган хиссаси учун Т.Ҳасанов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланди.

## МУСТАФО БАФОВ

Замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган серқирра ижодкор Мустафо Бафоев замонавий ўзбек композиторлик мактабининг ёрқин намоёндасидир. У миллий ва умуминсоний қадриятларни юксак бадиий даражада уйғунлаштиришга муяссар бўлган композиторларимиздан бири ҳисобланади. Энг муҳими, у ўзлигини англаган ва муҳлислар қалбига йўл топа олган ижодкор.



Мустафо Бафоев ўнлаб йирик сахна асарлари – симфония, оратория, балет, камер чолғу асарлари, концертлар ҳамда кўплаб куй ва кўшиқларнинг муаллифидир.

Мустафо Бафоев 1946 йил 10 ноябрда Бухоро вилояти, Когон тумани, Ганчкаш қишлоғида, Бафо Вахтадов оиласида туғилди. 1953-1960 йиллари умумтаълим мактабида ўқиб, бадиий ҳаваскорлик тўғрисида қатнашиб, ғижжак чалишни ўрганади. Мусиқага бўлган иштиёқини пайқаган устозлар унга мусиқа билим юртида ўқишни маслаҳат берадилар. 1960-1964 йилларда Мустафо Бухоро мусиқа билим юртида, сўнгра Тошкент давлат консерваториясида ғижжак ихтисослиги бўйича ўқиди. Унга доцент В.А.Беленький ғижжак синфи бўйича, профессор М.Насимов эса дирижёрликдан сабоқ берди. 1969 йили консерваторияни муваффақиятли битиргач, ёш мутахассис Бухоро давлат педагогика институтига йўлланма олади.

Бастакорлик сирларини ўрганиш мақсадида М.Бафоев 1972 йилда консерваторияга иккинчи марта ўқишга киради. Профессорлар Б.Гиенко синфида композициядан, А.Козловскийда чолғулаштиришдан кунт билан ўқийди. 1977-1979 йилларда ассистент-стажерлик курсларида касбий малакасини оширади. Айни пайтда Ўзбекистон давлат консерваторияси бастакорлик ва чолғулаштириш кафедрасида профессор лавозимида фаолият олиб бормоқда. У 1980 йилда Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига дирижёр лавозимида ишга таклиф қилинди. Олти йилдан сўнг эса ушбу жамоанинг бош дирижёри ва бадиий раҳбари этиб тайинланди.

М.Бафоев 1986 йилдан 2000 йилгача Д.Зокиров номидаги давлат халқ чолғулари оркестрида самарали фаолият олиб борди. Серқирра ижодкор ва маҳоратли дирижёр М.Бафоев ишни аввало репертуарни саралашдан бошлади. Ушбу жамоа учун турли жанрларда мусиқий асарлар яратиб, оркестр репертуарини бойитиб келди. Қашқар рубоб ва оркестр учун «Поэма» (1980), «Байрам тантанаси» поэма (1981), оркестр учун «Концерт» (1983), дутор ва оркестр учун «Концерт-поэма» (1989), Жомий ва Навоийга бағишланган уд ва оркестр учун «Поэма» (1991), оркестр учун «Зарафшон тўлқинлари» сюита (1994), Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида яккахон, хор ва оркестр учун «Баҳром ва Дилором» хореографик поэмаси (1998), «Алпомиш» достонидан 8 та мусиқали манзара (1999), танбур ва оркестр учун

концерт (1999), Суғдиёна жамоаси учун «Бухорча» (1999) номли концерт шулар жумласидандир.

Шу билан бирга Ўзбекистон композиторларининг йирик асарлари бўлмиш М.Ю.Осуповнинг «Концерт-рапсодия»си, Н.Ғиёсовнинг «Концерт-мақом», Т.Қурбоновнинг «Афғонча поэма», Қ.Комиловнинг «Поэма», Ҳ.Жўраевнинг «Поэма-рапсодия»си, шунингдек А.Бобоевнинг «Поэма-рапсодия», У.Хожибековнинг «Фантазия», Ф.Алимовнинг «Поэма», Ф.Амиров ва Г.Назароваларнинг фортепиано ва оркестр учун «Концерт»и, С.Алескеровнинг тор ва оркестр учун «Концерт»ига тез-тез муурожаат қила бошлади.

Оркестр таркибини иқтидорли ва маҳоратли ижрочи кадрлар билан кенгайтди. Улар оркестрнинг профессионал жиҳатдан ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Ёш созандастарнинг ижодий ташаббуслари туфайли жамоа фаолияти доирасида бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Жумладан улар оркестр ижрочилик маҳоратининг ўсишига ва замонавий йирик шаклдаги асарларни ижро этишга кўмаклашдилар.

М.Бафоевнинг айнан шу жамоа учун яратган турли жанр ва шакллардаги махсус асарлари оркестр ижодий ҳаётига янги мазмун олиб кирди. Созандастарнинг замонавий ижрочилик санъатининг янги қирраларини эгаллашларига имкон яратди. Кенг қамровли композитор ўзи яратган йирик шаклдаги ранг-баранг асарлари билан жамоа репертуарини бойитди. Ижрочилар дунёқарашини кенгайтди, уларда янги мазмунга эга бўлган замонавий ижро услубларини

ифода этиш кўникмаларини ҳосил қилди. Олдинги кичик хажмдаги асарларга нисбатан йирик жанрлардаги оркестр ва чолғу асарларини ижро этишга созандалар эътиборини қаратди.

Турли ижодий жамоаларга бўлган қизиқиши композиторни симфоник, вокал, хор, мусиқий театр ҳамда камер жамоалари учун қалам тебратишига ундади. Энг қизиғи шундаки, у турли жанрлардаги барча асарларида замонавий талқинни яратишга эришди. «Бухоронома» (1977) ораторияси, Хофиз сўзлари асосида тенор ва оркестр учун ёзилган «Мақом симфонияси» (1978), Ибн Сино рубоийлари асосида яратилган «Фрески» номли хор учун поэмаси (1981), «Тошкент ҳақида кўшиқ» ораторияси ва «Умар Ҳайём» (1983) операси ҳамда бошқа бир қатор асарларида муаллиф халқимизнинг тарихий, адабий ва ҳаётий миллий турмуш образларини замонавий тарзда ёритишга ҳаракат қилди.

Қайд этиш лозимки, М.Бафоев-моҳир композитор бўлиши билан бирга ўзига хос қобилиятга эга бўлган маҳоратли дирижёр ҳамдир. У ўткир зеҳни ва кучли хотираси, оркестр колоритини чуқур ҳис қилиши ўлароқ ўта мураккаб партитураларни ҳам (барча унсурлари билан) қисқа вақт ичида ўзлаштиришга ҳамда хилма-хил тембрларни яратишга муяссар бўлди. М.Бафоевнинг келажакка ишонч билан қараши, серғайратлилиги, оркестр ижрочиларига самимий муносабати каби инсоний фазилатлари, қолаверса, кишига кўтаринки руҳ бағишловчи мусиқа асарлари

унинг ўз олдига қўйган бадийий мақсадлари сари самарали интилишида муҳим омиллардан бўлди.

М.Бафоевнинг ўзига хос дирижёрлик хусусиятлари айниқса оркестр жамоаси билан ўз асарлари устида ишлаш жараёнида намоён бўлди. Бу ҳол, жумладан, халқ чолғулари оркестри учун 1984 йили ёзилган икки қисмли Концертида яққол кўзга ташланади. Ижрочилик нуқтаи назаридан ҳам эътиборли бу асарда оркестрнинг беқиёс имкониятлари, ҳар бир чолғунинг концерт ижрочилиги ва миллий хусусиятлари, шунингдек, чолғу гуруҳларининг ўзига хослиги ва улар ўртасидаги ижодий мусобақа ҳолатлари жанр талаблари асосида моҳирона ифодаланган.

2000 йил М.Бафоев М.Турғунбоева номидаги «Ўзбек-рақс» бирлашмаси қошида халқ чолғулари оркестрини тузди ва унинг бадийий раҳбари ва бош дирижёри бўлиб ишлади. Шунингдек, М.Бафоевнинг асарлари 1998 йилда халқаро симфоник ва камер мусика фестивалида «Суғд» фрескалари симфоник поэмаси, 2000 йил фестивалида «Зардуштийлар маросими» оратория-балети ижро этилди. 2001 йили М.Бурҳоновга бағишлаб «Таҳсиннома» поэмаси яратилди (яккахон, хор ва симфоник оркестр учун). 2002 йил виолончел ва камер ансамбли учун саккиз поэмадан иборат «Ипак йўлидаги ҳаёллар» асари ёзилди. 2002 йил М.Бурҳонов хотирасига «Санъатим» романс-поэмаси яратилди (А.Орипов шеъри).

Мустафо Бафоевнинг чолғу ижрочилиги санъати равнақига қўшган ҳиссаси, ижодкорлик, дирижёрлик ва жамоатчилик фаолияти муносиб баҳоланиб, 1995

йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони, 1997 йилда А.Қодирий номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган.

## СОТВОЛДИ КАРИМОВ



Серқирра ижодкор ва маҳоратли дирижёр Сотволди Каримов 1939 йилнинг 1 май куни Бўстонлик туманининг Сижжак (Тошкент вилояти) қишлоғида туғилди. У болалик чоғидан онаси, бувиси ва қишлоқ аёлларининг лапар ҳамда яллаларини эшитиб катта бўлди. Зеро, санъатга бўлган илқ қизиқиш ўша даврда куртак отган бўлса ажаб эмас. У ёшлигиданоқ турли ўзбек халқ чолғуларида чалишни орзу қилган. 1946 йили С.Каримов 112-сонли ўрта мактабга ўқишга боради. Мактабда грек миллатига мансуб ашула ўқитувчиси скрипка чалиб болаларни ашула айтишга ўргатарди. Синфдоши Ҳакимов Абдували рубоб ва мандолина, у эса доира чаларди.

«Юқори синфларда ўқиб юрган пайтларимда мен Маъмуржон Узоқовнинг «Ёр истаб», «Мустаҳзод» каби ашулаларини айтадиган бўлдим. Шунда менинг олдимга Адҳам Худойқулов келиб, сизнинг иқтидорингиз бор экан. Сиз musiқа билим юртида ўқишингиз керак. Мен сизни эртага кутаман, албатта келинг деди»<sup>28</sup>, - деб эслайди С.Каримов ёшлик чоғини. Шунда А.Худойқуловнинг ўзи 2 курсда ўқир экан. Шу тариқа С.Каримов musiқа билим юртига келиб қолади.

1957 йили С.Каримов кириш имтиҳонларини Н.Нигматов ва М.Асиловларга рубобда топширади, лекин уни танбур синфига қабул қилишади. «Дарсга келиб эшикни тақиллатиб, мумкинми десам, - деб эслайди С.Каримов, - устозим М.Асилов йўқ дедилар. Эшикни очиб мендан кара жадвални сўрадилар, мен ҳаммасига тўғри жавоб бердим. Кейин, кир сендан бир нарсачиқади дедилар». Шу тариқа, қаттиқ кўл ва талабчан устоз М.Асилов ўткир зеҳнли, тиришқоқ ўқувчиси С.Каримовни жуда ёқтириб қолади. Кечқурунлари уйига олиб кетиб дарс қилдирар, бошқаларга нисбатан кўпроқ шуғуланарди. Дирижёрликдан илк сабоқларни у Йўлдош ака Тўлагановдан ўрганади ва биринчи дарсданок ушбу йўналиш унда жуда катта қизиқиш уйғотади.

1961 йили С.Каримов musiқа билим юртини муваффақият билан тамомлаб, ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетига ўқишга киради. У 1961-1966 йиллар мобайнида танбур-

---

<sup>28</sup>. Муаллифнинг С.Каримов билан 2014 йил 10 январда бўлган суҳбатидан ёзиб олинган..



да Б.Мирзааҳмедов синфида, 2-курсдан бошлаб чанг ихтисослиги бўйича А.Одилов синфида, дирижёрлик бўйича Р.И.Иброҳимов синфида тахсил олади. Консерваторияда ўқиб юрган кезларида С.Каримовнинг дирижёрлик санъатига бўлган қизиқиши янада ортиб боради. У барча турдаги оркестрларнинг концертларини қолдирмас, Тошкентга гастрол сафари билан келган машхур дирижёрларнинг репертуарлари ва концертларини тамоша қилар, дирижёрлик бўйича махсус адабиётларни ўқиб, ўзининг билимини янада ошириб борарди. 1966 йили С.Каримов Тошкент давлат консерваториясини муваффақият билан тамомлади.

С.Каримов ўзининг меҳнат фаолиятини созанда сифатида 1958 йили Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғулари оркестрида бошлаган. Оркестр билан 1959 йили Москвада ўтказилган Ўзбекистан санъати ва адабиёти ўн кунлигида қатнашди. 1966 йили консерваторияни тугатиб, Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрида 1968 йилга қадар дирижёр лавозимида фаолият олиб боради. 1967 йили Ўзбекистоннинг 40 йиллигига бағишланган катта концертда Ф.Назаровнинг Фортепиано ва халқ чолғулари оркестри учун концертини ҳамда У.Ҳожибековнинг «Гўр ўғли» операсига увертюра каби асарларга дирижёрлик қилади.

1968 йили С.Каримов Хамза номидаги Тошкент давлат musiқа билим юртининг халқ чолғулари бўлими бошлиғи этиб тайинланади. Билим юртида мутахассислик (дutor, танбур, чанг, афғон рубоби) ва дирижёрлик синфи бўйича дарс бера бошлайди. Шу йилдан бошлаб musiқа билим юрти ўқувчилар халқ чолғулари оркес-

трига раҳбарлик қилади. Ишлаш жараёнида оркестр таркибини такомиллаштиради ва репертуари устида иш олиб боради. Оркестр мусиқа билим юртидаги ва ундан ташқарида ўтказилган концертларда фаол қатнашиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлди. Оркестр шу йиллар давомида репертуарини кенгайтириб борди. Оркестрнинг ижрочилик маҳорати, дирижёр С.Каримовнинг эса ижро техникаси ва салоҳияти ўсиб борди.

1977 йили С.Каримов Тошкент давлат Маданият институтида дирижёрлик бўйича катта ўқитувчи лавозимида ишлайди. 1978 йилда яна Хамза номидаги мусиқа билим юртида халқ чолғулари бўлими бошлиғи лавозимида ишлайди. 1993-1996 йиллар давомида С.Каримов Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Д.Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрида дирижёр лавозимида ижодий фаолият олиб боради. Оркестр билан ишлаш жараёнида унинг дирижёрлик маҳорати янада ошади. У С.Алескеров ва М.Ханмамедовларнинг «Тор ва оркестр учун концерт»и, Ҳабибулло Раҳимовнинг «Фортепиано ва халқ чолғулари оркестри учун фантазия»си, А.Отажоновнинг «Чанг ва оркестр учун 3 қисмли концерт»и, Т.Азимовнинг «Уд ва оркестр учун поэмаси», Қ.Комиловнинг «Мустақиллик» номли увертюраси каби асарларга дирижёрлик қилади ва улар Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Олтин фонди»дан жой эгаллайди.

1997 йили сентябрь ойидан С.Каримов яна Хамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти халқ чолғулари бўлими бошлиғи сифатида меҳнат (ижрочилик ва муаллимлик) фаолиятини давом эттиради. С.Каримов-

нинг шоғирдлари: Ўзбекистон халқ ҳофизини Ҳасан Ражабий, Ўзбекистон давлат Маданият ва санъат институти профессори Абдулла Умаров, Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси профессори Рифатилла Қосимов, «Миллий чолғу» илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси директори, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Азатгул Ташматова, Халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси доценти Рўзиби Хожиева, Ўзбекистон халқ ҳофизини Машраб Эрматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Надим Норхўжаев, Султон Қосимов, Фарҳод Расулов, Исмоил Маткаримовлар устозлари ишини сидқидилдан давом эттириб келмоқдалар.

С.Каримов 1970 йилларда Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятларида халқ чолғулари оркестрларининг тузилишида ўз шоғирдлари билан ёнма-ён туриб жонбозлик кўрсатди. Уларга ташкилий ҳамда репертуар тузиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатди. Шоғирдларидан бир гуруҳи С.Каримов билан биргаликда мусиқа билим юртида (Б.Атаев, И.Рисқимухамедов, Б.Зияев, А.Абдуғаффоров, С.Қосимов) меҳнат қилиб, ёш иқтидор эгаларини тарбиялашда астойдил меҳнат қилмоқдалар. С.Каримовнинг Ўзбекистон мусиқа маданияти равнақи йўлида амалга оширган ижодий фаолияти ҳамда ҳар томонлама ривожланган ёш мутахассис кадрларни етказиб беришдек шарафли меҳнатлари муносиб баҳоланиб, у 1970 йили «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотланган.

Серқирра ижодкор С.Каримов оркестр синфи ва дирижёрлик фанларидан дарс бериш билан бирга, ўзининг амалий – ижрочилик фаолиятини ҳам давом эттирди. Унинг дирижёрлик маҳорати ўсиб, оркестр репертуари янгидан-янги асарлар билан бойитиб борди. Улар орасида Ҳабибулла Раҳимов, Мустафо Бафоев, Аваз Мансуров, Фарҳод Алимов ва бошқа Ўзбекистон композиторлари асарлари билан бир қаторда жаҳон мумтоз муסיқаси ҳам алоҳида ўрин эгаллаган.

Д.Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестри эришган ютуқлари ва оркестрнинг ижодий ривожига жамоанинг иккинчи дирижёри, Халқ маорифи аълочиси Сотволди Каримов ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Ўта ҳаракатчан ва ниҳоятда талабчан дирижёр оркестрнинг кундалик амалий иш фаолияти кун тартибига тайёргарлик кўриш (репетиция) жараёнини киритди. У ҳар бир созандани тайёргарлик кўриш жараёнига жиддий ёндашишга ва ўз партиясини яхши ўзлаштиришга ундади.

С.Каримов чолғулар гуруҳи билан ишлаганда асосий эътиборни радио оркестри ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига амал қилган ҳолда товушнинг ифодавийлигига, динамик воситаларни ўз ўрнида ишлата олишига, зарблар аниқлигига жалб этарди. Унинг дирижёрлик санъати бўйича чуқур билимга эга эканлиги Ўзбекистон композиторларининг замонавий асарлари ва айниқса йирик шаклдаги асарларни ижро этишда яхши натижаларга эришишига ёрдам берди.

1993-1996 йиллар давомида С.Каримов Дони Зокиров номидаги давлат халқ чолғулари оркестрида дирижёр лавозимида фаолият олиб борган даврда созандалар ижро маҳоратининг ошишига катта хисса қўшди. Улар билан бир қатор мураккаб асарларни ижро этиш кўникмаларини шакллантирди. Партитура-ларни синчиклаб ўрганиш ва моҳирона ижро этиш даражасига эришди. Юздан ортиқ турли шакл ва жанр-даги асарларни магнит тасмасига муҳрлашга муяссар бўлди. Ўз ижодий ишидан раҳатланган маэстро ушбу жамоа учун бир қатор асарлар яратди ва биргаликда ижро этди.

С.Каримов Ўзбекистонда халқ чолғулари оркестрининг шаклланиши ва ривожланишига ўзининг салмоқ-ли хиссасини қўшди. Унинг бевосита раҳбарлиги ости-да, айнан Хамза номидаги давлат мусиқа билим юртида ўқувчилар халқ чолғулари оркестрлари ташкил этилди. Ушбу жамоа бир неча йиллар давомида турли фести-вал ва танловларда иштирок этиб совринли ўринларни эгаллаб келди. Бу муваффақиятлар С.Каримовнинг самарали меҳнати туфайли қўлга киритилди. Серқирра ижодкор, моҳир созанда, маҳоратли дирижёр ва меҳри-бон устоз Сотволди Каримов 40 йилдан ортиқ меҳнат фаолиятини ёшлар тарбиясига бағишлади. Унинг сер-махсул меҳнати юқори баҳоланиб, 1971 йилда «Халқ таълими аълочиси», 1989 йилда «Меҳнат фахрийси, 2005 йилда «Моҳир ўқитувчи» сертификати, 2001 йилда эса «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

## ФАЗЛИДДИН ЮНУСОВ

Фазлиддин Юнусов Ўзбекистон дирижёрлик санъатида ўчмас из қолдирган буюк устоз М.Ашрафий мактабининг вакилларида бири ҳисобланади. У ўзининг ижрочилик ва мураббийлик фаолиятида ўзбек ва жаҳон мумтоз муסיқаси ҳамда замонавий муסיқа санъатини мукаммал ўзлаштирди. Ўзига хос дирижёрлик услуби билан мухлислар қалбидан чуқур жой олди ва уларнинг таҳсинига сазовор бўлди. Бу беназир санъаткор 1970-80-йиллардан бери Ватанига, миллатига хизмат қилиб, муқаддас бурчини бажариб келмоқда.



Фазлиддин Хасанович Юнусов 1939 йилнинг 27 май куни Тошкент шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. 1946 йили Тошкентдаги 126-сонли ўрта мактабда таълим олишни бошлаган даврида муסיқага ҳавас қўйди. Муסיқа чолғуларида ижро этишни ўрганиш учун мактабдаги ҳаваскорлар тўғарагига фаол қатнаша бошлади. Муסיқага бўлган қизиқиши уни 1953 йили Р.М.Глиэр номидаги Республика ўрта-махсус муסיқа мактабига ўқишга етаклади. Муסיқа мактабида контрабас чолғуси бўйича В.И.Сердюков синфида таҳсил олган ёш Фазлиддин устозидан чолғуда ижро этиш сирларини қунт билан ўрганади.

1956 йили Ф.Юнусов муסיқа мактабини муваффақият билан битириб, ўша йили Тошкент давлат консерва-

ториясига ўқишга қабул қилинди. Олий ўқув юртида ёш иқтидорли талаба ўзбек халқ чолғулари факультетида контрабас чолғуси бўйича ўзининг биринчи устози В.И.Сердюков синфида ўқишни давом эттиради. Моҳир созанда бўлиш ниятида ўз устида тинимсиз изланади, берилган вазафаларни ўз вақтида мунтазам бажаради. Дирижёрлик синфи бўйича унга Саид Алиев устозлик қилади.

Талабалик йиллари Фазлиддин Юнусов учун энг қизикарли ва таассуротларга бой давр бўлди. У ўз устозларидан ижрочилик маҳоратларини ўрганди, қунт билан муסיқа санъатига оид адабиётларни ўқиди, билимини оширди. Ўз меҳнат фаолиятини Ф.Юнусов 1958 йилда Ўзбек Давлат филармониясининг симфоник оркестрида созанда сифатида бошлайди. Шу йиллари оркестрга истеъдодли дирижёр Наримон Олимов раҳбарлик қилар эди. Бу оркестрда ишлаган йиллари Фазлиддин Юнусов ҳаётида энг қувончли йиллар бўлди. Ушбу жамоада у маҳорат мактабини ўтади. Оркестр дастуридан жой олган мумтоз ва замонавий композиторлар асарлари билан яқиндан танишади. Чунки шу йиллари Ўзбекистонда симфоник муסיқа эндигина муסיқа оламига кириб келмоқда эди.

«У ерда ишлаган йилларим Ўзбекистон дирижёрлари билан кўпгина концертларда қатнашдим. Булар орасида М.Ашрафий, А.Козловский, Ф.Шамсутдинов, Н.Гольдман, М.Насимов, Н.Олимов, Н.Ҳалилов, С.(Қ).Усмоновлар бор эди. Булардан ташқари дунёга донғи кетган ижрочилар Давид Ойстрах, америкалик Исаак Стерн, Даниил Шафран, Эмиль Геллельс бизнинг

оркестримиз билан концертлар беришган. Тошкентда ўтказилган муаллифлик концертларида оркестрга Дмитрий Кабалевский, Тихон Хренников, Родион Щедринлар ҳам дирижёрлик қилишган. Мен шу муҳитда консерваторияни битирдим ва симфоник оркестрда 9 йил фаол ишладим»<sup>29</sup>.

Дирижёрлик санъатига бўлган қизиқиш Ф.Юнусовда Филармонияни симфоник оркестрида меҳнат қилаётган йиллари пайдо бўлади. У оркестрга раҳбарлик қилиш орзусида дирижёрлик сирларини астойдил ўрганди, асосий эътиборини дирижёрлик техникасига қаратди. 1961 йили Ф. Юнусов консерваторияни халқ чолғулари факультетини муваффақият билан битириб, дирижёрлик маҳоратини ошириш мақсадида, шу йили опера-симфоник дирижёрлиги бўйича имтиҳон топширади ва ушбу бўлимга ўқишга қабул қилинади. У профессор Мухтор Ашрафий синфида таҳсил олади. Устозининг тавсияси билан 5-курс талабаси бўла туриб, Самарқанд опера ва балет театрига дирижёр этиб тайинланади.

Ф.Юнусов ўзининг дирижёрлик фаолиятини илк бор 1966 йилда Самарқандда бошлайди. Устозлари М.Ашрафий ва театрнинг бош дирижёри Ғани Тўлаганов маслаҳатларига таянган ҳолда мусикали спектаклларга дирижёрлик қила бошлайди. Аста-секин ўз иш тажрибасини ва дирижёрлик маҳоратини оширган Ф.Юнусов Самарқанд театрида 1966 йилдан 1971 йилга қадар дирижёр сифатида, 1971-1974 йиллари театрнинг бош дирижёри лавозимида фаолият олиб боради ва

---

<sup>29</sup>. Азимов К. Ўзбекистон дирижёрлари. Т., 2001, б. 234-235.



бир қатор опера ва балет спектаклларига дирижёрлик қилишга муяссар бўлади. Кейинчалик у И.Ҳамроевнинг «Ойжамол», Р.Ҳамроевнинг «Зулматдан зиё», Т.Жалилов ва Б.Бровцинларнинг «Тоҳир ва Зухра» операларини сахналаштириб, томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Ф.Юнусов Самарқанд опера ва балет театрида ишлаган чоғида репертуарининг асосий қисмини Ўзбекистон композиторларининг муסיқий сахна асарлари ташкил этарди. М.Ашрафийнинг «Дилором», С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши», Т.Содиқов ва Р.Глиэрларнинг «Гулсара», С.Бобоевнинг «Ҳамза», «Ёрилтош», «Фидоийлар», Т.Содиқов, Ю.Ражабий, Б.Зейдман ва Д.Зокировларнинг «Зайнаб ва Омон», Ҳ.Раҳимовнинг «Зафар» опералари, Г.Мушельнинг «Самарқанд афсонаси» балети, С.Ҳайитбоевнинг «Нодира», У.Ҳожибековнинг «Аршин мол олан» муסיқали драма ва комедиялар шулар жумласидандир. Шунингдек у Европа классик композиторлари Д.Ж.Россинининг «Севилиялик сартарош», А.Рубинштейннинг «Демон», Ш.Гунонинг «Фауст», Дж.Пуччинининг «Чио-чио-сан», П.Чайковскийнинг «Евгений Онегин», С.Рахманиновнинг «Алеко» каби опералари ҳамда К.Чуковскийнинг «Доктор Айболит», П.Чайковскийнинг «Франческо да Римини», М.Де Фальянинг «Муҳаббат сеҳргар», М.Равельнинг «Болеро», Ш.Гунонинг «Вальпургиев туни» балетларига дирижёрлик қилган.

«Муסיқали спектаклларнинг сахналаштирилишида Ф.Юнусов йирик мутахассислар ва муаллифлар маслаҳатлари билан иш қўрар эди. «Тоҳир ва Зухра» опера-

сини сахналаштирилишида Собир Абдулла ва Борис Бровцинларнинг маслаҳати катта ёрдам берди. Операни сахна юзини кўришида етук ижрочилар Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Сасон Бенъяминовлар тез-тез қатнашиб туришар эди. Айрим спектаклларда чет эллик ижрочилар ҳам қатнашиб туришди. Жумладан, Ф.Юнусов дирижёрлигида «Севилиялик сартарош» ва «Фауст» операларида Франциянинг машҳур опера хонандаси Жерар Саргоян қатнашди. Кейинчалик Руминия, Болгария ва бошқа давлатлар хонандалари ҳам айрим спектаклларда фаол қатнашишди»<sup>30</sup>. Бундай ижодий ҳамкорликлар Ф.Юнусов ижрочилик маҳоратининг ўсишига катта туртки бўлди.

1975 йилда Ф.Юнусов Тошкентга қайтгач, ўз ижодий фаолияти давомида орттирган тажрибасини Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти ҳамда Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти талабаларига дарс ўтиш жараёнида қўллайди. Серқирра ижодкор Ф.Юнусов ўқитувчилик билан дирижёрлик амалиётини биргаликда олиб боради. У 1980-1981 йиллари Ўзбек Давлат филармониясининг Т.Жалилов номидаги давлат халқ чолғулари оркестрида, 1982 йилдан Ўзтелерадиокомпаниясининг Д.Зокиров номидаги давлат халқ чолғулари оркестрида дирижёр лавозимида фаолият олиб боради. Ф.Юнусов раҳбарлиги остида жамоа ижросида турли шакл ва жанрдаги бир қатор асарлар «Олтин фонд»га ёзиб олинди.

С.Анваровнинг «Менинг улуғвор юртим», Н.Ҳалиловнинг «Олифта» мусиқали драмасидан «Бахт деган

---

<sup>30</sup> Азимов К. Ўзбекистон дирижёрлари. Т., 2001, б. 236.

кузгуси бор», С.Анваровнинг «Эй қуёш», Ш.Ёрматовнинг «Ўзбекистон тонг юртим» (болалар хори ва ХЧО), Т.Содиқов, Д.Зокиров, Ю.Ражабий, Б.Зейдманнинг «Зайнаб ва Омон» операсига «Муқаддима», Д.Зокиров қайта ишлаган «Фарғонача», Х.Нишонов «Тинчлик бирлик аҳдимиз» (хор ва ХЧО), Ҳ.Раҳимовнинг «Фестивал вальси», Р.Глиэр ва Т.Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» операсидан «Ушшоқ», С.Юдаков қайта ишлаган «Хумор ўлдим» (озарбайжон халқ қўшиғи), Ф.Алимовнинг «Концерт вальси», Д.Зокировнинг «Эй сабо», (ғижжак, най, ХЧО), Ҳ.Жўраевнинг «Ўзбекистон мадҳияси», М.Бафоевнинг «Оркестр учун концерт»и, Б.Умиджоновнинг «Хор ва оркестр учун кантата»си, А.Бобоевнинг «Оркестр учун концерт-рапсодия»си, Ф.Листнинг «Иккинчи венгерча рапсодияси» шулар жумласидандир.

Ушбу жамоада Ф.Юнусов нафақат дирижёрлик фаолиятини олиб борди, балки жамоа ижро имкониятидан келиб чиққан холда бир қатор асарлар яратишга муяссар бўлди. Жумладан: Я.Қурбон шеърига «Кўнгилларнинг тўрида», Э.Шукурова сўзига «Мен қўшиқ куйлаганда», Э.Раҳимов шеърига куйланадиган «Киноларда қолсин уруш» каби асарларни яратишга ва оркестр билан ижро этишга муяссар бўлди.

Ф.Юнусов дирижёр ва педагог сифатида машаққатли ва шу билан бирга фахрли касбни танлади. У 1993 йилдан бошлаб Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти халқ чолғулари бўлимида ўқитувчи лавозимида ишлаб, бир қатор талабалар билан ўз иш тажрибасини баҳам кўрди. Уларга дирижёрлик касбининг сир-асрорлари ҳамда оркестр билан ишлаш кўникма-

ларини ўргатди. Ф.Юнусов ўқитувчилик фаолияти давомида юзлаб серқирра ва иқтидорли дирижёрларни тарбиялашга муяссар бўлди. Улар ҳозирги кунда республикамизнинг турли вилоятларида устозлари ишини давом эттириб келмоқда.

## АБДУСАЛОМ МУТАЛОВ

Маҳоратли созанда, меҳрибон устоз, бетакрор дирижёр, А.Муталов 1940 йил 16 январда Тошкент вилоятининг Қибрай қишлоғида зиёли оилада таваллуд топди. Оналари жуда пазанда инсон бўлган ва чиройли алла айтган. Жажжигина болакай бешик олдида



бориб баъзида ухлаб қоларди. Унинг мусиқага бўлган илк қизиқиши айнан она алласидан бошланган десак муболаға бўлмайди. Ёшлигидан, яъни 1946 йилдан радио орқали Махмуджон Ғофуров, Ҳалима Носирова, Эътибор Жалилова, Саодат Қобулова, Ғулом Абдурахмонов, Коммуна Исмоилова, Мовлуда Аъзамоваларнинг ижодларини мароқ билан тингларди.

Созандалардан Саиджон Калонов, Дадаали Соатқулов, Жўрабек Сайдалиев, Ғанижон Тошматов, Комилжон Жабборов, Муҳаммаджон Мирзаев, Аббос Баҳромов, Фозил Харратов каби машхур

созандаларнинг радио тўлқинлари орқали янграган куйларини эшитиб унинг қалбида созандаликка бўлган қизиқиш аста секин куртак ота бошлайди. Ниҳоят, 1948 йили қишлоқдаги колхоз маданият саройининг ёзги биносида юқорида номлари тилга олинган санъат усталарининг жонли концерти бўлади. Ф.Харратов чангда «Қалабанди» ва уйғур халқ куйи «Отуш» куйларини маҳорат билан ижро этади. Ана шу кундан бошлаб чангга бор вужуди билан боғланиб қолади.

Шундан кейин у тахтага ип ва симлар тортиб чанг ясаб ўзича чала бошлайди. Пиёлаларни чертиб овоз чиқарар ва бир нечтасини синдириб, онасидан гап ҳам эшитарди. Ҳаёлида фақатгина мусиқа ва чанг мавж урарди. «1950 йилларнинг бошлари эди. Бир куни синф раҳбаримиз ҳамма болалардан катта бўлсанг ким бўласан деб сўрадилар. Ҳамма болалар ҳар хил касбларни айтди. Сен нимага жим ўтирибсан ким бўлмоқчисан, деб сўради мендан. Шунда мен, айтсам куласизлар дедим. Улар бўлса, йўқ кулмаймиз дедилар. Худо хоҳласа албатта созанда бўламан, Ф.Харратовга шогирд тушиб чанг чалишни ўрганаман дедим»<sup>31</sup>.

Йиллар кетидан йиллар ўтди, у аста улғая бошлади. 1954 йил ноябрь ойларининг бошлари эди. Акаси Абдуҳаким уни мусиқа тўғарагига олиб чиқади. Абдусалом ака ассалому алейкум деб кириб, тўғри чангни олдига бориб чўпини

---

<sup>31</sup> Муаллифнинг А.Муталов билан 2014 йил 15 январда бўлган суҳбатидан ёзиб олинган.

олиб даранглатиб чала бошлайди. Клуб мудири келиб уни тўхтатади ва тўғрида чиройли кийиниб ўтирган машҳур созанда Абдусамат Илёсов билан таништиради. У сен чангга қизиқасанми деб сўрайди Абдусаломдан, у бўлса ҳа деб жавоб беради. Ундай бўлса ўша чанг сеники бугун уни уйингга олиб кетасан дейди.

Шу тариқа А.Муталов устозидан «Жонон», «Қашқарча» рус халқ куйи «Ой ёришмоқда» ва украин халқ куйи «Ой кум, куме»асарларини ижро этишни ўрганади. 1957 йили Москвада бўлиб ўтган бутунжаҳон 6 фестивалида ашула ва рақс ансамбли таркибида чангчи созанда сифатида иштирок этади.

1959-йилда А.Муталов Тошкент давлат муסיқа билим юртига моҳир чангчи Фозил Ҳарратов синфига ўқишга қабул қилинади. 1962 йили 1-маротаба муסיқа билим юртлари аро ўтказилган Республика ёш созандалар танловида қатнашиб, 1- ўринни олишга сазовор бўлади. Ўша йили Москва съездлар саройининг очилишида Ўзбекистон санъат усталарининг ҳисобот концертида устози Ф.Ҳарратов бошчилигида чангчилар ансамбли таркибида Ж.Бизенинг «Кармен» операсидан «Лўлилар рақси»ни симфоник оркестр жўрлигида съездлар саройи сахнасида ижро этади. Мана шу концерт кейинчалик республикамизнинг билим юртлари, олий ўқув юртларида чангчилар ансамбли тузилишига катта туртки бўлди.

Ўз билимларини янада ошириш мақсадида А.Муталов мусиқа билим юртини тугатгач, 1963 йилда Тошкент давлат (ҳозирда Ўзбекистон давлат) консерваториясига Ф.Харратов синфига қабул қилинади. 1964-66 йиллари армия сафида йигитлик бурчини адо этади. Армияда хизмат қилиб юрган пайтларида ҳам ҳарбий конкурсларда якканавоз созанда сифатида иштирок этиб, чанг чолғусининг ижрочилик имкониятларини кенг тарғиб этади. 1966 йили йигитлик бурчини ўтаб, консерваториянинг 2-курсига қайтиб келиб, ўқишни давом эттиради. Шу билан бирга Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистон республикаларида ўтказилган декадаларда А.Навоий номидаги Катта опера ва балет театри санъаткорлари билан биргаликда иштирок этади. Бу концерт сафарлари созанда ижодида катта ҳаёт мактаби бўлди.

А.Муталов консерваторияда ўқиш давомида Ф.Харратовдан бутун дунё классик композиторларининг йирик асарларини ижро этиш ҳамда чанг созининг ижросирларини мукамал даражада эгаллайди. Композиторлар С.Бобоев, Ғ.Қодиров, Б.Гиенколардан халқ куйларини оркестр учун мослаштиришни ўрганиб, ўзи ҳам мустақил равишда катта катта асарларни чолғулаштиради. А.Давидов синфида дирижёрлик сир-асрорларини ўрганади. Диплом иши сифатида Г.Султоновнинг «Қорақалпоқча сюита»дан 3-қисми ва Л.Бетховеннинг 5-фортепиано ва оркестр учун ёзилган концертига дирижёрлик қилади.

1970-йили консерваторияни муваффақиятли битириб, Ўзтелерадиокомпания қошидаги Ўзбекистон халқ артисти, композитор Д.Зокиров раҳбарлигидаги халқ чолғулари оркестрида якканавоз созанда сифатида ўз иш фаолиятини бошлайди. Д.Зокиров жамоасида кўплаб машҳур созанда ва хонандалар фаолият кўрсатишарди. Оркестр асосан халқ куйлари ва ўзбек композиторларининг асарларини ижро этиб, уларни Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Олтин фонди»га муҳрлар эди. «Шундай жонли телевизион концертларнинг бирида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар М.Юнусов, З.Обидовлар дутор учун мослаштирган «Самой дугоҳ» куйини оркестр жўрлигида ижро этишади. Асарни авжига чиқиш жойида уларга жавобан мен чангда соло чалишим керак эди. Аммо мен М.Юнусовнинг ижро маҳоратига сеҳрланиб, ўз партиямни ижро этишни унутиб қўйдим. Экранда мени ижро этмасдан, балки бутун вужудим билан куй тинглаётган ҳолатим намойиш этилди. Шунда Дони ака менга қобоқларини уйиб қараб қўйдилар. Аммо мен бамайлихотир ўзимни қўлга олиб ижронини давом эттирдим»<sup>32</sup>, - дейди А.Муталов.

А.Муталов ўқиш даврида эгаллаган билимларини 1970-2000 йилларда яккахон созанда (25 й.) ҳамда дирижёр (6 й.) лавозимида ишлаган пайтларида амалиётга жорий этди. Ижодий фаолияти давомида у 20га яқин ҳар хил жанрдаги куйларни чангда ижро этиб «Олтин фонд»га муҳрлади. Л.Бетховеннинг «Кориолан»

---

<sup>32</sup>. Муаллифнинг А.Муталов билан 2014 йил 16 январда бўлган суҳбатидан.



увертюраси, М.Де Фальянинг «Олов билан маросим» рақси, Я.Сабзановнинг «Помирча лирик поэма»си, П.Чайковскийнинг «Чардаш» асари, Бузрук мақомидан «Соқийномаи Савти калон», Т.Жалиловнинг «Гулистоним менинг» Ғ.Тошматовнинг «Истадим», С.Калоновнинг «Армуғоним» каби бир қанча халқ куйларини шулар жумласидандир.

А.Муталов 1995-2000 йиллар давомида оркестр дирижёри сифатида Д.Зокировнинг «Ўзбекча рапсодия», «Уйғурча рапсодия», композиторлар Б.Умиджонов, Ғ.Холиқов, А.Султонов, Т.Азимов, Н.Норхўжаев, С.Ҳайитбоев, Б.Лутфуллаевларнинг асарларини, Қ.Комиловнинг (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ю.Исматова либреттоси) «Увайсий» телевизион балети ва бастакорлар Т.Жалилов, Ю.Ражабий, К.Жабборов, Ғ.Тошматов, С.Калонов, Ф.Содиқов, М.Мирзаевлар асарларини Ўзбекистон радио уйининг магнит тасмасига ёздиришга муваффақ бўлди.

«Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғулари оркестридаги 31 йиллик иш фаолиятим давомида жуда кўплаб эл-юрт хурматини қозонган созанда ва хонандалар, устоз санъаткорлар билан бирга ишлаганимдан, улардан жуда кўплаб ижрочилик сир-асрорларини ўрганганимдан, айниқса, машҳур чангчи созанда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф.Харратов чанг ижрочилиги мактабидан бахраманд бўлганимдан ҳамда билимдон дирижёр А.Давидов синфида нафақат ўзбек халқ чолғу оркестри балки симфоник оркестр чолғуларини дирижёр сифатида ўрганиб ўзлаштирганимдан


бир умр миннатдор бўлган холда ўзимни бахтиёр ҳисоблайман»<sup>33</sup>, - дейди А.Муталов.

А.Муталов 2003 йил сентябрдан эътиборан Тошкент давлат маданият коллежи халқ чолғулари кафедраси мудир ва олий тоифали ўқитувчи лавозимида ишлаб, халқ чолғулари оркестрини ташкил этиш ва ижрочилик маҳоратини оширишда ўзининг муносиб хиссасини қўшди. Шу билан бирга ёшларга чолғулаштириш ҳамда дирижёрлик фанларидан сабоқ берди. Коллежда 12 йиллик иш фаолияти давомида кўплаб ёшларни ҳаваскорлик оркестрларининг дирижёри лавозимига тайёрлади, улар республикамизнинг турли вилоятларида ўз билимларини ёш авлодга тадбиқ этиб келмоқдалар.

Ўзбекистонда кўп овозли мусиқа санъатининг ривожига қўшган хиссаси ҳамда чангнинг ижрочилик маҳоратини қардош республикалар ва чет элларда тарғиб этганлиги туфайли А.Муталов 1999 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланди. У ҳозирги кунда (яъни 2015 йилдан эътиборан) кексалик гаштини суриб, набиралар тарбияси билан шуғулланмоқда.

## **БОТИР РАСУЛОВ**

Серқирра ижодкор, моҳир созанда ва бетакрор дирижёр Ботиржон Қосимович Расулов 1948 йили Янгийул шаҳрида туғилган.



---

<sup>33</sup>. Муаллифнинг А.Муталов билан 2014 йил 16 январда бўлган суҳбатидан.

Болакайнинг муסיқага бўлган қизиқишини кўрган ота-онаси уни ёшлигидан Р.Глиэр номидаги республика Ўрта-махсус муסיқа мактаб-интернатида<sup>34</sup> олиб келади. Мактабда кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, доцент О.Холмухаммедов синфига ғиж-жак чолғуси бўйича қабул қилинади. Боладаги маҳорат ва билим олишга бўлган иштиёқини кўрган устози унга алоҳида эътибор берган ҳамда чолғуда ижро этиш қўникмаларини ўргатади. Тинимсиз меҳнат қилиш ва ўз устида доимий равишда ишлашни талаб қилади ҳамда маҳорат сирларини эгаллашига ёрдам беради.

Муסיқа мактаб-интернатида ўқиган чоғида устозларидан дирижёрлик бўйича бошланғич таълимни ўрганади ва илк бор ўзбек халқ чолғулари оркестрига дирижёрлик қилади. 1966 йили Ботир Расулов муваффақият билан муסיқа мактабини битириб, ўша йили Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетига ўқишга қабул қилинади. Консерваторияда ҳам ғижжак бўйича доцент О.Холмухаммедов синфида, дирижёрлик бўйича Р.Неъматов синфида тахсил олади. Маҳоратли созанда Б.Расулов 1971 йили биринчи марта ўзбек халқ чолғулари ва баян бўйича ўтказилган Республика созанда-ижрочилар кўрик-танловида қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллашга муяссар бўлади. Шунингдек, Халқаро танловларда ҳам иштирок этиб, лауреатлик унвонига сазовор бўлади.

1971-йили Б.Расулов консерваторияни муваффақиятли тамомлаб, ўз меҳнат фаолиятини М Қори-Ёкубов

---

<sup>34</sup> Ҳозирда РИМАЛ (Республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейи)

номидаги ўзбек давлат филармонияси қошидаги Т.Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрида созанда сифатида бошлайди. У ўзининг ижро маҳорати билан бошқа созандалардан ажралиб турарди. Жамоанинг доимий тарзда ўтказиладиган концерт дастурларида Ўзбекистон ва хорижий композиторларнинг асарларини моҳирона ижро этиб тингловчилар қалбига завқ бағишлайди ва эл эътиборига тушади. Оркестрда ишлаб юрган кезларида дирижёрларнинг қўл ҳаракатига алоҳида эътибор бериб, нафақат ижрочилик, балки дирижёрлик бўйича ҳам ўз билимини оширади.

Дирижёрлик санъатига бўлган ўта қизиқиши ва ўз олдига қўйган мақсади уни 1974-йили Тошкент давлат консерваториясига опера-симфоник дирижёрлиги бўйича ўқишга киришга ундайди. Ушбу йўналиш бўйича профессор М.Ашрафий синфига қабул қилинади. Моҳир дирижёр, таниқли композитор ва истеъдодли устозининг сабоқ ва ўғитлари Ботир Расуловга дирижёрлик фаолиятида ютуқларга эришишида катта ёрдам берди. У ўз устида тинимсиз ишлайди, дирижёрлик йўналиши бўйича адабиётларни мутолаа қилади ва турли жанрларга хос партитураларни ўрганади. Опера ва балет театрида қўйиладиган мусиқали спектаклларни кўради ҳамда симфоник оркестр концертларида қатнашиб дастурлари билан яқиндан танишади. М.Ашрафий вафотидан кейин Б.Расулов ўқишни профессор С.(Қ.)Усмонов синфида давом эттиради ва 1979 йили опера-симфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича муваффақият билан битиради.

Ўқишни битиргач Б.Расулов Ўзбекистан Маданият

ишлари вазирлиги тавсияси билан 1979 йилда Тошкент оперетта театрига дирижёр этиб тайинланади. Кейинчалик ушбу театрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри лавозимига тайинланади. Ана шу давр мобайнида Ботир Расулов оперетта театрида ўттиздан ортиқ мумтоз ва замонавий мусиқали спектаклларни сахналаштирди. И.Штрауснинг «Лўлилар барони», «Вальс қиролли», «Уچار сичқон», И.Кальманнинг «Сильва», «Баядера», «Марица», «Лўли-премьер», Ф.Легернинг «Қувноқ бева», «Люксембург графи» ва бошқалар шулар жумласидандир<sup>35</sup>.

Б.Расулов нафақат оперетта театрида, балки Ўзбекистон миллий симфоник оркестрида ҳам дирижёр сифатида ижодий фаолият олиб бормоқда. Жамоа дастуридан П.Чайковскийнинг Тўртинчи ва Олтинчи симфониялари, Л.Бетховеннинг Биринчи, Бешинчи, Олтинчи, Еттинчи, Саккизинчи симфониялари, «Эгмонт» ва «Кориолан» увертюралари, Н.Римский-Корсаковнинг «Шаҳризода» симфоник асари, А.Моцартнинг Ўттиз тўққизинчи, Қирқинчи, Қирқ биринчи симфониялари, фортепиано ва скрипка учун чолғу концертлари, «Фигаронинг уйланиши» ва «Сехрли флейта» операларидан увертюра, Г.Берлиознинг «Фантастик» симфонияси, С.Рахманиновнинг Учинчи симфонияси, И.Брамснинг Тўртинчи симфонияси, П.Чайковскийнинг скрипка ва оркестр учун чолғу концертлари жой олган.

Б.Расулов Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқали театр студияси оркестри билан ҳам турли тадбирларда концерт дастурларига дирижёрлик қилиб

---

<sup>35</sup> Азимов К. Ўзбекистон дирижёрлари. Т., 2001, б. 151.

келмоқда. У собиқ Бутуниттифоқ дирижёрлар танлови ва Токиода ўтказилган Халқаро дирижёрлар танлови қатнашчисиدير. Шунингдек Ўзбекистон санъат усталари билан ижрочи-созанда ва дирижёр сифатида Германия, Чехословакия, Болгария, Морокко, Тунис давлатларида бўлиб ўзининг ижро маҳоратини намойиш этиб тингловчилар олқишларига сазовор бўлди. 1995 йили Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати кунларида уюштирилган концертларнинг бош дирижёри сифатида қатнашди.<sup>36</sup>

1979-йилда Б.Расулов Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институтида ўзининг педагогик фаолиятини бошлади. Ундан кейин ўриндошлик асосида Ўзбекистон давлат консерваториясининг опера тайёрлов кафедрасининг мудир лавозимида фаолият олиб борди ва шу билан бирга талабаларга дирижёрлик фани бўйича таълим бермоқда. Унинг синфида тахсил олган шогирдлари республикамизнинг турли вилоятларидаги санъат ва маданият ўқув юртлари, концерт-ижрочилик жамоалари ва муסיқали театрларда дирижёр, созанда ва ўқитувчи сифатида устозидан олган сабоқларидан унумли фойдаланмоқдалар.

Б.Расулов дирижёр сифатида хатти-ҳаракатларининг равонлиги, бадий таъсирчанлиги, асар характерини тўлақонли ёритиб бериши, ҳар бир муסיқали спектаклнинг ғоявий мазмунини томошабинларга муסיқий оҳанглар ва ҳаракатлар орқали етказиб берувчи ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. У ўзининг серқирра ижодий фаолияти ҳамда Ўзбекистон

---

<sup>36</sup> Шу манба, б .152.

музиқа маданиятида янги жанр тарғиботчиси сифатида кўзга яққол ташланади.

Шунингдек у Д.Зокиров номидаги Давлат халқ чолғулари оркестри билан ҳам ижодий ҳамкорликда иш юритган. Жамоа билан 2001-2002 йиллар давомида Д.Зокиров қайта ишлаган халқ куйи «Жазоир», О.Абдуллаеванинг қашқар рубоби ва оркестр учун ёзган «Концерт», Қ.Комиловнинг «Наргиза», «Мушки анбар тукилгай», Ф.Алимовнинг халқ чолғу оркестри учун «Концерти»ни, В.Монтининг «Чардаш», Т.Қурбоновнинг «Икки чинор», Ф.Алимов қайта ишлаган «Кирдим ёрим боғчасина», «Пенжирадан дош келур» кўшиқлари, Э.Шукруллаевнинг «Қиз кўшиғи» номли бир қатор асарларни магнит тасмасига муҳрлашга муяссар бўлди.

Ўзбекистон музиқа маданияти, қолаверса оркестр ижрочилиги санъатини ривожлантиришдаги бебаҳо хизматлари учун Ботир Расуловга 1989 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» юксак унвони берилди.

## ҲИҚМАТ РАЖАБОВ



Ҳикмат Ражабов 1950 йил 1 февралда Бухора шаҳрида таваллуд топди. Оиладаги муҳит унда ёшлигиданок муסיқага қизиқиш уйғонишига замин яратди. «Ҳайратга тўла болалик йилларимни ўйласам, санъатга ошуфталик ўшанда бошланганига шубҳа қолмайди. Отанамнинг меҳрли инсон бўлганликлари, уларнинг санъатга бўлган завқу-шавқлари биз фарзандларга таъсир этмасдан қолмади. Отам радио мухлиси бўлиб, айниқса, Шашмақом ва мумтоз ашулалар шайдоси эдилар. Устоз Маъмуржону, Комилжонлар куйлаганда ўзлари ҳам сел бўлиб овозни баралла қўйиб, уларга ҳамоҳанг куйлардилар»<sup>37</sup>, - деб эслайди Ҳ.Ражабов .

Оналари Зевар хушрўй оёқлари устига болиш қўйиб, укаларини тебратиб туриб, нозик товуш тебранишлари орқали маъноли сўзлар ила алла айтганларида мурғак қалб эгаси ҳам она оёқлари остида донг қотиб қоларди. Аллалардаги мафтункор садолар ёш болакайни сеҳрлаб қуярди. Ҳ.Ражабов ўрта мактабда ўқиб юрганида уларнинг қишлоғига Усмон Салиховлар оиласи кўчиб келади. Ёш Ҳикмат уларда балалайка чолғусини кўриб қолиб, унга қизиқа бошлайди. Боланинг ушбу чолғуга бўлган қизиқиши кўрган Усмон ака унга балалайкада чалишни ўргатади. Шу тариқа у мактабдаги ҳаваскорлик тўғарагига қатнаб балалайка чалишни астойдил ўрганади ва мактаблараро ўтказиладиган турли кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритади.

Ҳикмат Ражабов ўсмирлик чоғида телевидение ва радио тўлқинлари орқали Усмон Салихов, Ориф Отаев,

---

<sup>37</sup>. Муаллифнинг Ҳ.Ражабов билан 2014 йил 25 январда бўлган суҳбатидан ёзиб олинган.



айниқса Муҳаммадjon Мирзаевнинг рубоб чалишларини эшитиб, ҳаёлга шунғиб кетар ва шуларга ўхшаган созанда бўлишни ният қиларди. Шу боис у бир кун отасидан қашқар рубоб олиб беришларини илтимос қилади. Ота боланинг райини қайтаролмай, дўконга бориб қуруқ қайтади. «Кечки пайт дастурхон бошида онамга қарата: «Онаси, бир икки ой рўзғордан иқтисод қилсак, Ҳикматжонга рубоб олиб берар эканмиз. Бугун дўконга бордим, пулим етмади. Болам, сабр қиласизда энди», - хижолатомуз дедилар, мени бошимни силаб. Ўшанда рубобчи бўлишни жуда жуда истаган эдим»<sup>38</sup> - дейди Ҳ.Ражабов. Эртасига у оддий тахтага сим тортиб, қўлбола рубоб ясаб олади ва уни чертиб отасига қўшиқ куйлаб беради. Ота-она ва укалари чапак чалиб уни олқишлашарди.

1966-йили Ҳ.Ражабов ўрта мактабни битириб, ўз маҳоратини ошириш мақсадида Бухоро мусиқа билим юртига ўқишга киради. Ушбу муносабат билан отаси унга рубоб совға қилади. Билим юртида қашқар рубоби мутахассаслиги бўйича Мўминжон Хожиев синфида тахсил олади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Маъруфжон Тошпўлатовдан эса Шашмақом сирларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Ўқиш даврида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмадjon Ихтиёров унинг қўл ҳаракатларини синчиклаб кузатиб «сендан яхши дирижёр чиқади» деб айтади. Шунда унинг кўз ўнгида идеал санъаткор, профессор Мухтор Ашрафий гавдаланади ва у «Худо хохласа мен ҳам катта дирижёр

---

<sup>38</sup> Муаллифнинг Ҳ.Ражабов билан 2014 йил 25 февралда бўлган суҳбатидан.

бўламан», деб эзгу ният қилади. Ўшанда устозининг айтган бир оғиз сўзи ёш қалб эгасига қаттиқ таъсир этади ва орзуларининг ушалишига ёрдам беради.

1968 йилда у билим юртида ўқиш билан бирга илк бор иш фаолиятини Садриддин Айни номли Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театрида қашқар рубоб созандаси сифатида бошлайди. Ўша пайтда Ўзбекистон санъат арбоби Аминжон Ақобиров директор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Учқун Наимов эса бош дирижёр лавозимида ишлар эдилар. Таниқли актёр ва созандалардан маҳорат сирларини ўрганади. Театрда сахналаштирилган «Гулисиёх», «Фарҳод ва Ширин», «Тўй», «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Мирзо Иззат Ҳиндистонда» сингари мусиқали драмалар намойишида созанда сифатида фаол иштирок этади.

1969-1971 йилларда у ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этади. 1971йил ҳарбий хизматдан қайтиб келиб, мусиқа билим юртида ўқишини давом эттиради. Билим юртида ўқиб юрган кезларида таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, композитор, Тошкент давлат консерваториясининг ректори профессор Мухтор Ашрафий Файзулло Кароматли ва Товур Жумевлар иқтидорли болалар ижроси билан танишиш мақсадида билим юртига ташриф буюришади. Ўша бахтли ёшлар орасида Ҳ.Ражабов ҳам бор эди. М.Ашрафий унга қарата: «сен ўқишни консерваторияда давом эттиришинг шарт» дейди. Ўшанда у улуғ инсонларнинг назарига тушганидан беҳад хурсанд бўлади. 1973 йили билим юртини аъло баҳоларга яқунлаб, шу йили

Тошкент давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинади.

Консерваторияда қашқар рубоби мутахассислиги бўйича етакчи мутахассисларидан бири профессор Феоктист Васильев синфида, дирижёрлик бўйича Ўзбекистон халқ артисти, таниқли композитор, профессор Фаттоҳ Назаровдан таҳсил олади. Ўша даврда талабалар учун Мухтор Ашрафий таълимотини олиш жуда катта бахт эди. Бу борада Ҳ.Ражабовга омад кулиб боқади. Фанларни яхши ўзлаштирганлиги, жамоат ишларида фаол қатнашганлиги туфайли у 1975 йилда Ўзбекистонлик талаба ёшлар номидан Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари анжуманида иштирок этишга муваффақ бўлади.

1978-йили консерваторияни тугатиб, она шаҳри Бухоро муסיқи билим юртида ўқитувчи ва вилоят театрида бош дирижёр лавозимида ишлайди. Дирижёрлик фаолияти бўйича азалдан ният қилиб юрган режаларини амалга оширишга ҳаракат қилади. Яъни, театр раҳбарияти билан келишган ҳолда муסיқали драма асарларида халқ чолғулари оркестри ижроси янграшини амалга оширади. «Лайли ва Мажнун», «Фотима кампир лотореяси», «Аршин мололан», «Мирзо Иззат Ҳиндистонда», «Навоий», «Тўй», «Дилором», «Гули сиёҳ» спектакларида ушбу ташаббусни қўллашга муваффақ бўлади. Ниҳоят театрда ўзбек халқ чолғулари оркестри тузилади ва бу йўналишдаги фаолият тез орада ўз самарасини кўрсатади. 1980-1982 йиллардаги вилоятлар узра гастроллар, Республика телевидениесидаги чиқишлар бунга ёрқин мисолдир.

Ҳ.Ражабов 1984 йилдан 1987 йилгача вилоят Давлат филармониясида раҳбарлик лавозимида ишлайди. Шу билан бирга Бухоро санъат билим юртида дарс беришни ҳам йўлга қўяди. Олдин симфоник оркестрни сўнгра халқ чолғулари оркестрини бошқаради. 2001 йилда Республика халқ чолғулари оркестрлари танловида қатнашиб, фахрли 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлади. Йиллар давомида ўқувчи ёшлардан иборат оркестр жамоаси билан вилоят байрам ва тадбирларида фаол иштирок этади. 1987-1997 йилларда Бухоро давлат санъат билим юртида раҳбар сифатида фаолият юритади. 1989 йили биринчи бўлиб Бухоро санъат билим юртида анъанавий ижрочилик ва анъанавий хонандалик мутахассиларини тайёрлаш бўлимини очишга муяссар бўлади.

У 1997-йили Бухоро вилояти хокимлиги маданият ишлари бўйича бошқарма бошлиғи лавозимида ишлайди. Бухоро санъати ва маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Республика ҳамда вилоят тадбирларига замон руҳи билан суғорилган янги асарлар ёзишга муваффақ бўлади, турли тадбирларни ташкиллаштиришда катта тажриба орттиради. 1999 йилда Германиядаги «Шубербунт» эркаклар хори келиб Бухорода катта концерт беради. Билим юртидаги халқ чолғулари оркестри Ҳ.Ражабов мослаштирган И.Брамс «Венгерча рақс»ининг 5- ва 6-қисмларини олмониялик созандалар оркестри билан биргаликда ижро этади. Ушбу концерт дастури мухлислар олқишига сазовор бўлади. Бу халқаро ҳамкорлик тадбири барчада катта таассурот қолдиради.

2001 йили у Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда республика музыка коллежида олий тоифали ўқитувчи сифатида иш бошлайди. Орадан кўп ўтмай, яъни 2002 йилда Ўзбекистон телерадиокомпанияси Бадиий жамоалар дирекцияси қошидаги Дони Зокиров номидаги давлат халқ чолғулари оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри лавозимига тайинланади. Олтмиш беш кишидан иборат бўлган созандалар жамоаси билан Ўзбекистон радиосининг «Олтин фонди» учун асарларни муҳрлайди, радио ва телевидение орқали концерт дастурларини намойиш этиб, халқ олқишига сазовор бўлади. Жамоадаги ўзаро ҳамкорлик, аҳиллик ва ижодий муҳитнинг яхшилиги боис, ўзи ҳам ўзбек халқ чолғулари оркестри ҳамда оркестр жўрлигида яккахон ва якканавозлар учун асарлар ёзади. Ўзбекистоннинг таниқли санъат аҳли билан ижод қилиш бахтига сазовор бўлади.

Ўзбекистон халқ шоираси Ҳ.Худойбердиева сўзи билан «Айтолмадим» (2006), Ф.Афрузнинг «Ўзбекистон ўзимники» (2006), З.Обидовнинг «Баҳор келиб» (2006), Д.Абдурахмон қизи сўзи билан «Ҳавзи кавсар қошимда» (2006), «Соғинчларим бор» (2008), М.Саййид Ҳасан қизининг «Оҳ, оппоқ капалак» (2008), «Онажоним қайдасиз» (2008), О.Суюндиқова сўзи билан «Мустақиллик майдони» (2013), Ф.Комоловнинг «Тошкент тонги» (2013), «Ота соғинчи» (2013), Ҳ.Аҳмедова сўзи билан «Ёрим ўзингсан» (2013) каби кўшиқлар шулар жумласидандир.

Ҳикмат Ражабов юқорида қайд этилган бир қатор асарларни ўз жамоасида синовдан ўтказади. Улар

оркестр дастурини бойитибгина қолмай, балки ундан муносиб ўрин олганлиги туфайли муаллиф 2007 йилда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига аъзо бўлиш бахтига муяссар бўлади. Ижодий фаолияти давомида турли жанрларда юздан ортиқ асарлар ёзди ва шулардан 27 намунасини Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Олтин фонди»га муҳрлашга эришди.

## ДИЛШОД МУТАЛОВ



Ўзбекистон дирижёрлик мактабининг ёрқин намоёндаларидан бири, ўз касбининг устаси, талабчан ва маҳоратли дирижёр, серқирра ижодкор, бир қатор иқтидорли ёш дирижёрларнинг меҳрибон устози, Ўзбекистон давлат Академик халқ чолғулари оркестрининг бадий раҳбари ва бош дирижёри Муталов Дилшод Азизович 1968 йил 11-мартда Тошкент шаҳрида хизматчилар оиласида таваллуд топди. Унинг муסיқага бўлган илк қизиқиши оилада пайдо бўлди. «Адам иш-

дан бўш пайтларида қашқар рубобида ҳар хил куйларни чалар эдилар. Уларнинг ижроларига қизиқиб мен ҳам 6-7 ёшимдан уйдаги рубобни олиб чала бошладим»<sup>39</sup>, - дейди ўз ёшлик даврини эслаб Д.Муталов .

1975 йили Д.Муталов № 119 - сонли умумтаълим мактабининг 1–синфига ўқишга чиқади. Ўқиш билан бирга мактабда фаолият олиб борган бадий ҳаваскорлик тўғарагига ҳам қатнашади. Илк устозидан қашқар рубобида ижро этиш кўникмаларини ўрганади. Чолғуда моҳирона ижро этиш учун ўз устида тинимсиз ишлайди. Устози ўргатган ҳар бир машқни астойдил бажаради. Уй вазифасини сидқидилдан тайёрлайди. Шу тариқа «Андижон полькаси», «Роқ қашқарча», «Ўйин баёти» каби асарларни маромига етказиб ижро этиш даражасига эришади. У ёшлигиданок нафақат миллий куйларни, балки рус ва европа классик муסיқасини ўрганишга қунт қилади.

Халқ чолғуларида ижрочилик санъатини профессионал даражада эгаллаш мақсади уни 1979 йили Р.Глиэр номидаги Республика ўрта махсус муסיқа мактаб интернатига етаклаб келади. Д.Муталов кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, чанг синфи бўйича ўқишга қабул қилинади. Чанг мутахассислиги бўйича дастлабки муסיқий сабоқларни «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» халқ чолғулари бўлими бошлиғи Фаррух Мирусмонов синфида эгаллайди. Устозидан ўз устида мустақил равишда ишлаш, бошла-

---

<sup>39</sup> Муаллифнинг Д.Муталов билан 2014 йил 15 мартда бўлган суҳбатидан ёзиб олинган.

ган ҳар бир ишни ниҳоясига етказиш, ўз ишига талабчанлик билан қараш каби кўникмаларни ўрганади.

Д.Муталов Р.Глиэр номидаги мактабда ўқиб юрган даврида, ўз ижро маҳоратини синаб кўриш мақсадида 1986 йили Республика ўрта махсус музыка билим юртлари бўйича ўтказилган I-Республика ёш-ижрочи созадалар кўрик-танловида иштирок этиб, фахрли I - даражали Диплом ва Лауреатлик унвонини қўлга киритади ва шу йили Ўзбекистон давлат консерваториясига грант асосида ўқишга қабул қилинади. (1987-1989 йиллар Армия сафида йигитлик бурчини адо этади). Сўнгра, яна консерваторияда чанг мутахассислиги бўйича «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», профессор Аҳмад Одилевич Одиллов синфида ўқишни давом эттиради. Дирижёрлик бўйича профессор Рустам Хўжаев синфида тахсил олади.

Талабалик йилларида, яъни 1988 йили IV- Республика халқ чолғулари ва баян ижрочи-созандалари танловида иштирок этиб - III даражали дипломни, 1992 йилда эса, шу танловнинг фахрли - I даражали диплом ва Лауреатлик унвонини қўлга киритади. Д.Муталов ўз педагогик фаолиятини талабалик даврида, яъни 1990-1994 йиллар давомида Республика ўқувчилар саройида чанг синфи бўйича болаларга дарс беришдан бошлайди. Ўзи эгаллаган билимларни ёш созандаларга сидқидилдан ўргатади ва янгидан янги иқтидор эгаларини кашф этишга ўз хиссасини қўшади. Ўқитувчилик фаолиятини у 1991-2010 йиллари «Суғдиёна» номли давлат миллий чолғулари камер оркестрида ижрочилик амалиёти билан чамбарчас боғлаган холда олиб боради.



Ушбу жамоа таркибида Д.Муталов Россия, Қозоғистон, Германия Миср Араб Республикаси, Ҳиндистон, Испания, Франция, АҚШ, Жанубий Корея каби давлатларда гастрол сафарларида бўлиб, чанг чолғусини кенг тарғиб қилишга ҳамда унинг ижрочилик имкониятларини намоён этишга мувофақ бўлди. У 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваториясининг оркестр дирижёрлиги кафедрасида ўқитувчи, 2000 йилдан ҳозирги кунга қадар катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда. Унинг шогирдлари Республикамининг турли шаҳар ва вилоятларида ўз касблари бўйича ишлаб, санъатимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Дирижёрлик санъатига бўлган қизиқиш Д.Муталовни 1993 йили Ўзбекистон давлат консерваториясининг симфоник оркестр дирижёрлиги кафедрасида ўқишга жазм этади. «1991-2010 йиллари «Сўғдиёна» оркестрида ишлаб юрган пайтимда жамоа репетициялари А.Навоий номидаги опера ва балет катта театрида бўлиб ўтарди. Ўша пайтнинг ўзида симфоник оркестрнинг ҳам репетициялари бўларди. Маҳоратли дирижёрлар Анвар Эргашев ва Ҳамид Шамсуддиновнинг иш жараёнлари менда катта қизиқиш уйғотди. Шу боис мен симфоник оркестр дирижёрлиги сир-асрорларини ўрганишга ва дирижёрлик маҳоратини эгаллашга аҳд қилдим»<sup>40</sup>, дейди Д.Муталов.

1997 йилда шу ўқув юртини иккинчи мутахассислик – Симфоник оркестр дирижёри, Опера театри ва

---

<sup>40</sup> Муаллифнинг Д.Муталов билан 2014 йил 20 мартда бўлган суҳбатидан.

мусиқали театрлар дирижёри квалификациялари бўйича муваффақиятли битиради. 2000 йилдан ҳозирги кунга қадар Тошкент Давлат мусиқали комедия (оперетта) театрида дирижёр бўлиб, М.Лившицнинг «Тунги ўғирлик», Г.Канчеллининг «Хонима» каби асарларига мусиқий раҳбар-дирижёр сифатида сахналаштириб, А.Эргашевнинг «Ушоқча», В.Ильиннинг «Севги чарҳпалаги», Б.Зокиров хотирасига бағишлаб «Кафтдаги юрак», Г.Канчеллининг «Ўғирланган келин» каби спектаклларга дирижёрлик қилмоқда.

Д.Муталов 2002 йилдан 2004 йилга қадар Дони Зокиров номидаги давлат халқ чолғулари оркестрида дирижёр лавозимида ижодий фаолият олиб борди. Ушбу давр жараёнида жамоа билан нафақат миллий куй қўшиқларни, балки жаҳон мумтоз мусиқасини ижро этишга ҳамда уларни «Олтин фонд» магнит тасмасига муҳрлашга муяссар бўлди.

О.Абдуллаеванинг «Келиб кўр», Б.Гиенко қайта ишлаган «Курд», Қ.Комилов қайта ишлаган «Чаман ичра», «Баёт IV», Қ.Комиловнинг най учун «Ҳаё», «Эрур танҳо» пьесаси ва «Моҳим» концерт-поэмаси, Н.Ҳалиловнинг «Най навоси» (Қ.Комилов қайта ишлаган), С.Жалилнинг «Сўзсиз қўшиқ» ва «Афғонча», Н.Норхўжаевнинг «Элегия», Ҳаб. Раҳимовнинг «Шарқона наво» ва бошқа бир қатор асарлар шулар жумласидандир.

Серқирра ижодкор Д.Муталов «Сўғдиёна» оркестрида ўз ижрочилик фаолиятини давом эттириш билан бирга 2004 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон давлат консерваторияси «Халқ чолғуларида ижрочилик» кафедрасида талабаларга дирижёрлик фанидан

сабоқ бериб келмоқда. Шу давр мобайнида кўплаб юқори малакали дирижёр кадрларни тайёрлашга муваффақ бўлди. Улар ҳозирда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида устозлари тажрибасидан унумли фойдаланиб, академик лицей ва муסיқа коллежларида ёш иқтидор эгаларини тарбиялашга бел боғлаганлар. Шунингдек халқ чолғулари оркестри ижрочилигининг равақ топишига ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

2010 йилдан 2014 йилга қадар Д.Муталов М.Қориёқубов номидаги Академик халқ бадий жамоалари дирекцияси тасарруфидаги Т.Жалилов номидаги Давлат Академик халқ чолғулари оркестрида бадий раҳбар ва бош дирижёр лавозимида ишлади. Жамоа билан бир қатор концерт дастурларини тайёрлади. Турли давлат миқёсида ўтказилган тадбирларда, халқаро танлов ва фестивалларда фаол иштирок этди. Келажак авлодни баркамол инсон сифатида тарбиялаш мақсадида болалар учун мўлжалланган махсус маърузали концертларни тайёрлаб, уларни Она Ватан, муқаддас замин, гўзаллик ва фаровон ёшликни мадҳ этувчи асарни тинглашга ҳамда тенгдошлари билан биргаликда куйлашга жалб этди.

Д.Муталовнинг самарали меҳнати, халқ чолғуларида ижрочилик санъатини, қолаверса оркестр ижрочилигини кенг омма орасида тарғиб этганлиги, ёшларнинг дунёқараши ва эстетик дидини ривожлантириш борасидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, 2014 йили у «Шухрат» медали билан тақдирланди.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Халқимиз бир неча йиллардан бери орзиқиб кутган кунлар етиб келди. Мустақиллик шарофати билан унутилаёзган миллий анъаналар ва азалий қадриятлар ўз қаддини ростлай бошлади. Тарихимизнинг шонли саҳифалари, қадимий шаҳарлар маданияти, халқимизнинг идеал бадиий сиймолари ҳамда қаҳрамонларига айланган тарихий шахслар адабиёт ва санъат соҳаларида муносиб мадҳ этилмоқда. Шунингдек, касбий мусиқа жабҳаларида миллий мерос намуналари қаторида кўп асрлик ижрочилик анъаналарига эътибор ортди ва, айти пайтда, Шарқ ва Ғарб санъатларининг ўзаро уйғунлиги ўлароқ Д. Зокиров номидаги Давлат халқ чолғулари оркестрининг ижрочилиги янги сифат даражасига юксалди.

Мазкур оркестр бу даражага бир неча йиллар давомида босқичма-босқич эришди. Хусусан, унинг 1960-йилларнинг охирига қадар давом этган илк шаклланиш даврида чолғуларнинг янги ифодавий воситалари ва ижрочилик имкониятларидан тўғри фойдаланиш масалалари созандаларда ҳам, композиторларда ҳам бирдек қийинчиликлар туғдирган эди. Шу боис ўтган давр ичида бир қатор муаммоларни ҳал этишга қаратилган кўплаб тажрибалар ўтказилди, оркестр таркибини мустаҳкамлаш, жамоавий тарзда кўп овозли мусиқани ижро этиш кўникмаларини ҳосил

қилиш, репертуар салмоғини ошириш ҳамда бойитиш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Бу жараёнда дастлаб ўзбек халқ куй ва айтимлари оркестрга мослаштирилган ҳолда ижро этилган бўлса, кейинги босқичда Ўзбекистон композиторларининг кўшиқ ҳамда кичик шаклдаги асарларининг малакали ижросига эришилди. Шу йиллар мобайнида оркестрнинг таркиб салмоғи ортди ва муқим кўринишда мустаҳкамланди.

Шунингдек, оркестр ижросидаги асар мазмунини бадиий ифодалаш ҳамда жамоани ўзаро ҳамжиҳат ҳаракатланишида дирижёрнинг бошқарув мақоми бениҳоя муҳим эканлиги созандалар томонидан чуқур англаб олинди. Эндиликда созандалар ҳар бир асарга доир ўзларига топширилган партияларни дирижёрнинг ҳаракатлари орқали ўз вақтида, бир-бирларини тинглаган ва ўзаро мутаносиб меъёр ҳолатида ижро этишлари одат тусига кирди. Натижада кўп овозли мусиқани профессионал даражада тараннум этувчи, ранг-баранг тембрларга бой ижодий жамоа қарор топди.

Кейинги ўн йилликлар давомида Ўзбекистон мусиқа санъатида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, ижрочилик санъатининг қам ров доираси кенгайди, ижрочилик амалиётининг анъанавий ва янги шакллари жадал ривожлана бошлади. Шу йиллар мобайнида тинимсиз фаолият кўрсатган Д.Зокиров номидаги Давлат халқ чолғулари оркестри жамоасининг касбий маҳорати юксалди ҳамда истеъдодли ёш

созандаларнинг ижодий интилишлари ўлароқ янги ижро йўналишлари билан бойитилди.

Мустақиллик йиллари Д.Зокиров номидаги Давлат халқ чолғулари оркестри муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг: «Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак»<sup>41</sup>, деган фикрига мувофиқ ҳолда ўз ижодий фаолиятини давом эттирди. Эндиликда бу ижодий жамоа замон руҳи билан ҳамнафас равишда нуфузли йирик давлат тадбирлари ва халқаро анжуманларда, хусусан, Мустақиллик ва Наврўз тантаналарига бағишланган байрам концертларида, ёш созандаларнинг республика кўрик-танловларида, шунингдек, симфоник мусиқа, миллий чолғулар ансамбли ва оркестрларининг халқаро фестивалларида ўзининг концерт дастурлари билан иштирок этди.

Бу даврда оркестр жамоаси олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – замонавий композиторларнинг йирик шаклдаги янги ижод намуналарини ўзлаштириш, бунинг учун эса уларда қўлланган турли зарб ва ўзгача товуш ҳосил қилиш кўникмаларини эгаллаш, шу жумладан, алеоторика замонавий ижро услуби қаторида миллийлик омили бўлган нола, қочирим ва бошқа анъанавий ижро услубларидан унумли ва ўринли фойдаланган ҳолда асар бадиий ғоясини мукаммал ёритиб бериш, мухтасар айтганда, созандаларнинг ижрочилик маҳоратини янги эстетик талаблар

---

<sup>41</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т., 1997, б. 150.

кесимида янада ўстиришдан иборат эди. Бу вазифани юқори савияда уддалай олган оркестр жамоаси, пировардида, йирик шакл ва турли услубларда ёзилган асарларни муваффақият билан ижро этишга эришди.

Бу борада шуни ҳам айтиш жоизки, 1990-йиллар композиторлик ижодиётида турли санъат ва жанрларни ўзаро уйғунлаштиришга интилиш даври бўлди. Айнан шундай изланишларнинг ҳосиласи ўлароқ ўзбек музыка санъатида миллий телеопера ва телебалет жанрлари юзага келди. Бу жанрларга давримизнинг энг истеъдодли композиторларидан бири – Мустафо Бафоевнинг «Нодира» телебалети ва «Бухорои-Шариф» телеопераси асарларида асос солинди. Муסיкий театр қонуниятларини теран англашда катта тажрибага эга бу ижодкор ўзининг «Бухорои-Шариф» телеоперасида мумтоз «Шашмақом» ва халқ муסיқаси намуналаридан самарали фойдаланиш мумкинлигини амалда исботлади. Бу ўринда айниқса яккахон мақом ижрочиларини оркестр таркибига жалб этилганлиги, ҳамда улар билан бирга хор жамоасининг ҳам анъанавий ижрочиликка хос бадиҳагўйлик усулларида баҳраманд бўлиши – миллий ижрочилик санъатининг қўлга киритган катта ютуғидир.

Оркестр ўзининг охириги йиллардаги концерт фаолиятида нафақат ўзбек халқ куй ва кўшиқларига, наинки Ўзбекистон композиторларининг махсус асарларига, балки жаҳон классик асарлари дурдоналарига ҳам тез-тез мурожаат эта бошлади. Бу ҳол, шубҳасиз, созандаларнинг юксалган ижро маҳорати ва бой маънавий дунёсининг ифодаси дир.

2014 йилнинг октябрь ойида Республикамизнинг кекса ижодий жамоалари – Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат Академик халқ чолғулари оркестри ҳамда Дони Зокиров номидаги Давлат халқ чолғулари оркестрлари бирлаштирилиб, уларнинг негизида «Ўзбекистон Давлат Академик халқ чолғулари оркестри» мақомига эга янги оркестр жамоаси тузилди. Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри лавозимига иқтидорли ва маҳоратли дирижёр Дилшод Муталов сайланди.

Ҳозирги кунда адаптация жараёнларини ўтказётган ушбу оркестр созандалари ва дирижёри келгусида ижрочилик маҳоратининг энг баланд чўққиларини забт эта оладиган универсал жамоа сифатида миллий чолғуларимизнинг кенг ижрочилик имкониятларини нафақат Республикамизда, балки жаҳон миқёсида ҳам муносиб намойиш этишга мушарраф бўлади, деган умиддамиз.